



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
YA. G'ULOMOV NOMIDAGI
ARXEOLGIK TADQIQOTLAR INSTITUTI**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАИ
ИСТИТУТ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ИМЕИИ Я. ГУЛОМОВА**

O'ZBEKISTON ARXEOLGIYASI

АРХЕОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАИИ

МУИДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

- Рузанов В.Д., Рогожинский А.Е.**
Шагим мазорқўргони металл ашёларининг тадқиқотиға доир 3
- Шайдуллаев Ш.Б., Хамидов О.А.**
Авеста “ката”сининг археологик асослари 11
- Алибеков У.**
Ўзбек халқи этномаданиятида бўрининг “бош чаноғи култи” хусусида 24

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

- Иномов О.У.**
Бургулик ва Қовунчи маданиятларига хос асосий хусусиятлар 33
- Холматов А.**
Иурота тизмаси қоятош расмларининг маданий тегишли жиҳатлари ва даврий талқини масаласи 42
- Сандибоев А.**
Кожирқалғада пишпик гипс ишлаб чиқариш туғрисида янги маълумотлар 61
- Қдырниязов О.-Ш.**
Я.Ғ. Гуломовнинг Орол бўйи ўрта аср шаҳарлари тарихига оид тадқиқотлари 68
- Ғофуров Ж.И.**
Уструшонанинг ўрта аср металлсозлиги хусусида 75

ФАН ТАРИХИ

- Хандамова М.А.**
Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини ёзилиш тарихи хусусида 79
- Расулова Д.Б.**
Француз тадқиқотчиси Шарль Эжен Ужфальвининг Марказий Осиёдаги илмий экспедицияси 85

АХБОРОТ

- “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2016 йилда ўтказилган археологик тадқиқотларга бағишланган ҳисобот сессияси” хусусида (Самарқанд, 23-24 март, 2017 йил) 93

ЮБИЛЯРИМИЗ

- Бактрия-Тоҳаристон археологиясининг толмас тадқиқотчиси. Шокир-жон Расулевич Пидаев таваллудининг 70 йиллиғига 97
- Муталибжон Ҳасанов 60 ёшда 101
- Уструшона археологиясининг жонқуяр изланувчиси. Мухторқул Ҳасанович Пардаев таваллудининг 60 йиллиғига 103
- Саида Равильевна Ильясова 60 ёшда 106

ХОТИРА

- Лариса Сергеевна Баратова 108

**№ 1 (16)
2018**

**Журналға 2010 йилда
аёс сөлиниган**

**© Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Археология институти**

ОГЛАВЛЕНИЕ

СТАТЬИ

- Рузанов В.Д., Рогожинский А.Е.
Результаты исследований металлических изделий могильника Шагым 3
- Шайдуллаев Ш.Б., Хамидов О.А.
Археологические основы «Авестийской каты» 11
- Алибеков У.
Культ «волчьего черепа» в этнокультуре узбекского народа 24

Трибуна молодого исследователя

- Иномов О.У.
Особенности Бургулюкской и Каунчинской культуры Холматов А. 33
- Проблемы культурной принадлежности и вопросы хронологии наскальных рисунков Юратинского хребта Сандибоев А. 42
- Новые сведения о производстве жженных кирпичей на Кафиркале Кафиркале 61
- Кдырниязов О.-Ш.
Исследования Я.Г. Гулямова по истории средневековых городов Приаралья 68
- Гафуров Ж.И.
О средневековом металлургическом производстве Уструшаны 75

История ИАУКИ

- Хандамова М.А.
О истории написания произведения Абу Райхана Беруни «Индия» 79
- Расулова Д.Б.
Научная экспедиция французского исследователя Шарля Эжен Ужфальви в Центральную Азию 85

Хрооника

- Об отчетной сессии, посвященной археологическим исследованиям в 2017 г. на территории Республики Узбекистан (Самарканд, 23-24 март, 2018 йил) 93

Юбиляры

- Верный исследователь Греко-Бактрийской археологии. К 70-летию Шакиржона Расулевича Пидаева 97
- Муталибжону Хасанову 60 лет 101
- Преданный исследователь археологии Уструшаны. К 60-летию Мухторкула Хасановича Пардаева 103
- Саиде Равильевне Ильясовой 60 лет 106

Памяти ученого

- Лариса Сергеевна Баратова 108

Главный редактор
д.и.н. Темура Ширинович
Ширинов

Редакционный совет:

- к.и.н. А.Э. Бердимуратов
(председатель)
- акад. А.А. Аскарлов
- д.и.н. Ванг Цзяньсинь (Китай)
- д.и.н. Ф. Грене (Франция)
- акад. А.П. Деревянко (Россия)
- д.и.н. М.Ш. Кдырниязов
- д.и.н. П. Лериш (Франция)
- д.и.н. Б.Х. Матбабаев
- к.и.н. Ш.Р. Пидаев
- акад. Э.В. Ргвеладзе
- д.и.н. Р.Х. Сулейманов
- д.и.н. У. Такао (Япония)
- к.и.н. Г. Ходжаниязов

Редакционная коллегия:

- к.и.н. А.А. Анарбаев
- к.и.н. Т.Дж. Аннаев
- к.и.н. Г.И. Богомоллов
- к.и.н. Ф.А. Максудов
- к.и.н. Д.К. Мирзаахмедов
- к.и.н. М.Х. Пардаев
(Ответственный секретарь)
- к.и.н. А.А. Раимкулов
- к.и.н. М.А. Реутова
- к.и.н. В.Д. Рузанов
- с.н.с. М.М. Саидов
(Ответственный за выпуск)
- к.и.н. Б.К. Сайфуллаев
- к.и.н. С.С. Суюнов
- к.и.н. М.М. Хужаназаров

На обложке:

Логотип Института археологических исследований ИАУКИ АН РУз.

Адрес редакции:

140151, Самарканд,
ул. акад. В. Абдуллаева, 3
Телефон: (8-366) 232-12-90

Журнал зарегистрирован
в Агентстве печати и
информации
Республики Узбекистан
Удостоверение № 0592

Сдано в набор 26.02.2018
Подписано в печать 19.03.2018
Формат 60x84 1/8
Усл.печ.л. 12.3
Тираж 200 экз. Заказ 433

Отпечатано в Институте
археологических исследований
ИАУКИ
140151, Самарканд,
ул. акад. В. Абдуллаева, 3

МАҚОЛАЛАР

СТАТЬИ

ARTICLES

УДК: 902.01 (72.031/.035)

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ИЗДЕЛИЙ
МОГИЛЬНИКА ШАГЫМ

© 2017. В. Д. Рузано́в, А. Е. Рогожи́нский¹

Институт археологических исследований Академии наук Республики Узбекистан

Ключевые слова: Моги́льник, изделия, типы сплавов, химические группы, рудные источники, морфология инвентаря, генезис, датировка.

Мазкур мақолада жануби-шарқий Фарғона (Қирғизистон) ҳудудида жойлашган Қадимги Шарқ ёдгорлиги типдаги Шагим қабристони гурхоналаридан олинган металл ашёлар катта қисмининг спектрал ва типологик тадқиқотлари натижалари баён қилинган. Тадқиқ этилган материаллар асосида Шагим қабристони мил. авв. III минг йилликнинг ўрталари — II минг йилликнинг бошларида Зарафшоннинг юқори ҳавзасидан (Саразм қўналгаси) қўчиб келган ўтроқ деҳқон жамоалар сабабли шакллангани қайд этилган. Шагим металл буюмлари «тоза» мисдан, маргимушли, маргимуш-сурмали бронзадан тайёрланган, ҳам ашё Эрон ва Ўзбекистон ҳудудидаги конлардан олинган.

**THE RESULTS OF RESEARCH OF METAL PRODUCTS OF THE SHAGYM BURIAL GROUND
V.D. Ruzanov, A.E. Rogojinskiy**

In the article about results of spectral and typological research big are frequent collections of metal products from a burial ground of Shagym - a monument ancient eastern type located in Southeast Fergana in territory of Kirghizia, On the basis of the studied materials is established that occurrence of the given burial ground in this area is caused, most likely, migration in beginning second half III-II thousand BC to Southeast Fergana group agricultural tribes with upper Zarafshana (settlement Sarazm). Metal subjects are made of Shagym from "pure" copper, Myshjakovoj and the myshjakovo-suryam bronze which ore sources are located in Iran and Uzbekistan.

Моги́льник Шагым находится в 14,5 км к юго-западу от Узгена в Кара-Суйском районе в Ошской области. В 2005 г. во время разработки карьера для добычи строительной глины на разных участках на глубине 2,4 м рабочими были обнаружены остатки коллективных могил, керамические и металлические изделия, каменные орудия и сосуды. В результате археологических обследований, проведенных в 2005 г., в этом месте установлено 5 могил, из них 3 захоронения полностью разрушены (Аманбаева и др., 2006). В предыдущие годы в том же карьере были разрушены еще несколько захоронений, содержащие погребальный инвентарь, но только отдельные предметы (булавка) (рис. 2. 2) из этих могил дошли до наших дней.

Металлические изделия из моги́льника Шагым представлены орудиями труда, украшениями и предметами туалета. Орудия труда составляют кельт-мотыга, двулезвийный нож-кинжал и шилья.

Кельт-мотыга литой с выступающей втулкой, с опущенными вниз плечиками и расширенным лезвием (рис. 1.1).² Размеры: длина 14,5 см; ширина плечиков 7,0 см, лезвия 10 см; длина втулки 7,5 см, диаметр 3,5-4 см. Лезвие кельта-мотыги заточено с одной стороны.

Нож-кинжал черенковый, двулезвийный с плоским в сечении листовидным клинком (рис. 1.3). Конец клинка обломан в древности. Сохранились два фрагмента

длиной 10,5 см и 9,7 см. Размеры: общая длина ножа-кинжала примерно 23-24 см; ширина клинка в средней части 5,3 см; длина черенка 4 см, ширина 0,8 см.

Шилья представлены двумя экземплярами (рис. 1. 4,5). Одно шило сохранилось в двух фрагментах (рис. 1.5). Размеры верхней части: длина 9,8 см, диаметр 5 мм, конец расплюсчен; нижней части: длина 5,5 см, диаметр 4 мм, конец заострен. Общая длина шила достигает примерно 16-20 см. Очевидно, к этой же категории относится изделие, выполненное в виде щитковидной булавки с лопаточковидной головкой (рис. 1.4). Оно состоит из двух, вложенных друг в друга, частей. Первая представляет собой плоский щиток треугольной формы (высота 1,5 см) с исходящим коротким (длина 1 см) квадратным в сечении стержнем и заостренным концом. Вторая часть – довольно длинный стрежень (длина 25 см), его венчает слепая втулка квадратной формы, далее сечение стержня круглое, переходящее в окончании прямоугольное; конец стержня заострен. В момент обнаружения находки верхняя часть изделия была вложена во втулку нижней. Как мы полагаем, оно могло нести двойную функцию: использовалось в качестве шила разной длины и украшения (булавка).

Украшения представляют щитковидные булавки с лопаточковидной головкой (рис. 1. 4; 2. 1-4). У двух булавок боковые стороны головки украшены зубцами; у одной булавки—по три зубца, у другой – по 6 и 8 зубцов. Заготовкой для булавок служили литые стержни длиной от 14 до 29 см с утолщением на конце. Головка булавок раскована в виде фигуры треугольной или подпрямоугольной формы, углы овальные. Зубцы сделаны либо путем пропила, либо вырубки.

Зеркала круглые без ручки (рис. 3. 1,2). Найдено 2 целых зеркала, третье сохранилось в виде двух фрагментов. Все зеркала выпуклые.³ Диаметр зеркал 7-8 см, толщина 1,5 мм.

Спектрально проанализировано 8 изделий.⁴ Из таблицы 1 видно, что большинство предметов изготовлено из металлургически «чистой» меди. В одном зеркале ус-




Рис. 1. Кельты-мотыги, нож-кинжал и шилья.

Примечание. Изделие 2 – случайная находка в селении Базар-Курган

тановлено довольно большое содержание мышьяка (2,67%), в другом - мышьяка и сурьмы (As-2,5%, Sb-2,27%), что не исключает вероятности использования мышьяковой и мышьяково-сурьмяной бронзы.

В изделиях содержится примесь свинца, ванадия, серебра, сурьмы, мышьяка, железа и никеля. Примесь олова, цинка, кобальта и золота зафиксирована лишь в некоторых предметах. Интервал концентраций упомянутых выше элементов различен. Содержание олова мизерное и варьирует в пределах десятитысячных и тысячных долей процента, в некоторых предметах этой примеси нет. Примерно в тех же пределах присутствуют свинец, висмут, серебро и никель, иногда их содержание достигает сотых долей процента. Наблюдается разброс по сурьме и мышьяку; в одних образцах данные элементы содержатся в тысячных-сотых долях процента, в других - в пределах 0,16%-2,67%. Примерно такая же картина фиксируется для железа 0,0005%-1,0%. Содержание цинка, кобальта и золота маленькое, менее 0,02%.

Корреляционная обработка результатов анализа (Рис. 4) позволяет объединить 4 изделия в одну химическую группу ЮТ V (Южнотуркменистанская). До настоящего времени в памятниках Ферганской долины медь с таким химическим составом была не известна. В Средней Азии изделия, изготовленные из такого металла, установлены в древнеземледельческих памятниках - в могильнике Пархай II, на поселениях Алтындепе, Акдепе, Келлели 4 в Южной Туркмении (Рузанов, 2013, табл. IV) и поселении Саразм в Северном Таджикистане (Исаков, Рузанов, 2008).

Три предмета изученного комплекса химически сходны с медью группы ЮС Iб-ВУ (Южносреднеазиатско-Волго-Уральская), которую употребляли литейщики степных племен Средней Азии и Евразии, также древнеземледельческих культур южных областей среднеазиатского региона (Черных, 1970; Рузанов, 1982; 2013; Исаков, Рузанов, 2008).

Очевидно, с афганским рудным источником генетически связан металл группы ЮС Ia кельта-мотыги из селения Базар-Курган. Этот металл широко использовали древние земледельцы юга Средней Азии в последних столетиях III-II тыс. до н.э. На севере Средней Азии химически сходные изделия зафиксированы в памятниках культуры Заманбаба и на поселении Саразм. Посредниками, которые передавали данный металл (возможно, готовую продукцию) заманбабинским и саразмским литейщикам, очевидно, были очаги Юго-Восточной Туркмении, куда, в свою очередь, он проникал из металлургических центров Центрального и Восточного Ирана, руд-




Рис. 2. Булавки




Рис. 3. Зеркала

ной базой которых в III-II тыс. до н.э. служили полиметаллические месторождения Афганистана (Рузанов. 2013). Базаркурганское орудие подобно кельту-мотыге с Шагыма и можно было бы полагать о едином центре их производства. Однако в шагымской коллекции металл группы ЮС Ia пока не установлен, к тому же шагымское орудие не проанализировано. Поэтому данное предположение носит гипотетический характер.

Таким образом, исследованные изделия с могильника Шагым сделаны из меди двух рудных источников. Первый источник, который представляет металл химической группы ЮТ V, находится, по-видимому, в Северо-Восточном Иране. Его могли разрабатывать племена пархай-сумбарского очага металлургии в конце IV-начале II тыс. до н.э. (Рузанов, 2013). Изделия второго источника, давшего металл ЮС Ib-VU, как и предметы предыдущей группы, можно отнести к импорту, поскольку в памятниках Ферганской долины металлических находок с таким химическим составом выявлено немного. В Средней Азии металл группы ЮС Ib-VU появ-

Таблица 1.

Шифр лабор.	Cu	Sn	Pb	Zn	Bi	Ag	Sb	As	Fe	Ni	Co	Au
1	Осн.	0,0007	0,015	0,005	0,075	0,05	0,16	1,2	1,0	0,003	-	0,01
2	Осн.	-	0,0075	-	0,005	0,005	0,01	0,15	0,0015	0,0005	-	-
3	Осн.	0,002	0,015	-	0,01	0,07	0,025	0,11	0,035	0,01	-	0,007
4	Осн.	0,002	0,0005	0,02	0,0007	0,0075	0,007	0,27	0,05	0,01	0,002	0,0005
5	Осн.	0,0003	0,003	-	0,025	0,01	0,028	0,094	0,015	0,01	-	-
6	Осн.	-	0,0005	-	0,025	0,015	0,092	0,92	0,02	0,015	-	-
7	Осн.	-	0,0003	-	0,0035	0,005	0,73	2,67	0,025	0,0005	-	-
8	Осн.	-	0,0007	-	0,0015	0,01	2,27	2,5	0,0005	0,0035	-	-

Примечание.

К химической группе ЮТ V относятся ан. 2,6-8; к группе ЮС Ia – ан. 1; к группе ЮС Ib-VU – ан. 3-5. Кельты-мотыги: рис. 1. 1; рис. 1. 2, ан. 1. Кинжал: рис. 1. 3, ан. 6. Шилья: рис. 1. 4; рис. 1. 5, ан. 5. Булавки: рис. 2. 1, ан. 3; рис. 2. 2, ан. 2; рис. 2. 3; рис. 2. 4, ан. 4. Зеркала: рис. 3. 1; рис. 3. 2, ан. 8; фрагмент, ан. 7. Изделия ан. 2-8 происходят с могильника Шагым, ан. 1 – случайная находка в селении Базар-Курган.

ляется довольно рано и установлен в комплексах Алтындепе, Саразма и Акдепе (Рузанов, 2013; Исаков, Рузанов, 2008), датируемых второй половиной III тыс. до н.э. (Кирчо, 1980; 2001; Исаков, 1991). Источником этого металла, вероятно, является медное месторождение (может быть, группа месторождений) в Кызылкумских горах (Рузанов, 2013). По археологическим материалам установлено, что становление металлургии в Кызылкумских горах произошло во второй половине III тыс. до н.э. Иа некоторых стоянках и поселениях эпохи энеолита и бронзы в Бешбулаке и Маньбулаке, находящихся вблизи рудников, зафиксированы следы металлургического производства (Вактурская и др., 1968; Виноградов, Мамедов, 1969; 1975; Виноградов и др., 1972; Пругер, 1976). Как полагает С. А. Григорьев, во второй половине III-первой половине II тыс. до н.э. выплавка меди в Кызылкумских горах производилась по иранской технологии, импульс которой исходил из Южной Туркмении или Северо-Восточного Ирана. Во второй половине II—начале I тыс. до н.э. технология добычи меди меняется и связывается теперь с металлургией степных культур Евразии (Григорьев, 1996). В это время кызылкумские месторождения разрабатывали племена андроновской (алакульцы и федоровцы), тазабагьябской и амирабадской культур (Итина, 1977; Garner, 2013).

Для определения датировки могильника Шагым были использованы химико-металлургические и типологические показатели находок. Как теперь стало извест-




Рис. 4. Гистограммы и корреляционные графики примесей к меди могильника Шагым и случайной находки в селении Базар-Курган

но, металлические изделия Шагьма сделаны из меди двух рудных источников. Из них: металл первого источника (химическая группа ЮТ V) установлен в комплексах памятников, датированных концом IV-началом II тыс. до н.э.; второго источника (химическая группа ЮС Iб-ВУ) - в памятниках второй половины III-начала I тыс. до н.э. По этим данным могильник Шагьм можно было бы датировать в рамках конец IV-первые столетия I тыс. до н.э. Однако столь широкая дата представляется мало вероятной. Небольшое количество погребений, единообразие погребального обряда, морфологическая компактность инвентаря и химическая однородность изделий указывают на короткую датировку памятника. Поэтому, если брать во внимание, что металл группы ЮС Iб-ВУ впервые появляется в Средней Азии во второй половине III тыс. до н.э., а медь ЮТ V выходит из употребления на исследованной территории в начале II тыс. до н.э., то могильник Шагьм датируется где-то в пределах второй половины III—начала II тыс. до н.э.

В отличие от химических материалов, морфология металлического инвентаря могильника Шагьм дает дату с более широким диапазоном. Вещи, сходные шагьмским изделиям, существуют в Средней Азии в III-II тыс. до н.э. Однако, принимая во внимание конструктивные детали находок - вогнутость зеркал, большие размеры и зубчатость лопаточковидной головки булавок, верхнюю дату следует зависить до начала II тыс. до н.э. и могильник Шагьм датировать III—началом II тыс. до н.э. Установленную выше дату верхнего хронологического рубежа памятника подтверждает булавка с тремя зубцами на боковых сторонах лопаточковидной головки. Она подобна булавке, найденной в позднем слое поселения Саразм (Isakov, 1994. Fig. 5,2), которое, как считает А.И. Исаков, прекращает существовать в начале II тыс. до н.э. (Исаков, 1991). Таким образом, на основании типологических признаков металлических изделий можно предполагать, что могильник Шагьм относится к III—началу II тыс. до н.э. Учитывая химические показатели металла, нижний рубеж, очевидно, следует поднять до середины III тыс. до н.э. и датировать памятник второй половиной III—началом II тыс. до н.э.

В металлическом инвентаре могильника Шагьм выделяется специфической формой кельт-мотыга. Аналогичное орудие было найдено в с. Базар-Курган. Сходные по конструктивным деталям орудия - кельты-лопаты известны в культурах степных племен и среди случайных находок в Юго-Восточном Казахстане, Западной Сибири, Северной Киргизии и на севере Средней Азии - в Сырдарьинской и Ташкентской (либо Ферганской) области. Они датируются более поздним временем, второй половиной II-первой половиной I тыс. до н.э. (Тереножкин, 1950, табл. XVI.9. С.153; Литвинский и др., 1962.С.216; Кузьмина, 1966.С.24). Кроме того, в могильнике Кермуки в Китае (провинция Синьцзян) раскопано погребение литейщика, в инвентаре которого имеются две литейные формы, льячек, сосуд и каменная ложка (Wen, 1981; Заднепровский, 1992, рис. 7). В одной из матриц отливали кельты-лопаты. Могильник датируется первой третью II тыс. до н.э. В этой связи Ю.А. Заднепровский высказал предположение о китайском происхождении формы кельтов-лопат, которую затем заимствовали их западные соседи (Заднепровский, 1992). Однако металлические материалы могильника Шагьм, датируемые более ранним временем, свидетельствуют о том, что изначальной территорией формирования подобных орудий, очевидно, является Ферганская долина. Позже форма данной категории орудий, видимо, была модифицирована (кельты-лопаты) мастерами-литейщи-

ками в Китае (Синьцзян), Казахстане, Северном Узбекистане, Западной Сибири и Северной Киргизии.

Анализ металлических материалов из памятников Средней Азии, датируемых III-началом II тыс. до н.э., свидетельствует о расселении древнеземледельческих племен с юга на север Средней Азии, в частности в Ферганскую долину. Проникновение земледельцев в Фергану было документировано Хакским и Афлатунским кландами ранее (Массон, 1939; Сорокин, 1960; Заднепровский, 1962; Литвинский и др., 1962; Кузьмина, 1966). Новые обследования на данной территории выявили новый памятник – могильник Шагым этого круга культур. На археологических материалах, добытых на Шагyme, исследователями была выдвинута предварительная версия о том, что его появление связано с проникновением групп племен сапаллинской культуры с юга Узбекистана на юго-восток Ферганы; время передвижения – первая половина II тыс. до н.э. (Аманбаева и др., 2006).

В свете результатов химического и типологического исследований металлических изделий Шагyма данная идея не бесспорна. Приведенные выше свидетельства позволяют высказать другое предположение о том, что появление могильника Шагым произошло, скорее всего, в результате передвижения саразмских племен в Юго-Восточную Фергану из верховьев Зарафшана. Наиболее четко это фиксирует химический состав металлических изделий, в частности металл химической группы ЮТ V, который служит важным индикатором связи Шагyма с Саразмом, поскольку в исследованных металлических коллекциях культур, известных ныне в Северной зоне Средней Азии, медь с таким химическим составом выявлена только в этих памятниках. На юге Средней Азии металл типа ЮТ V был распространен в Южной Туркмении, откуда, очевидно, он проник в верхний бассейн р. Зарафшан. Подметим, что в других южных областях Средней Азии, например в памятниках древней Северной Бактрии, в частности в сапаллинской культуре, в большом количестве изученных изделий (более 500 экз.), металл группы ЮТ V не установлен (Рузанов, 2013). Заслуживает также внимание тот факт, что в Средней Азии только в Саразме и Шагyme имеются булавки с выпиленными или вырубленными зубцами на боковых сторонах головки.

Конечно, на сегодняшнем уровне наших знаний более или менее точная интерпретация этнокультурной и хронологической принадлежности могильника Шагым, из-за отсутствия антропологического материала, полных сведений о погребальном обряде и малочисленных невыразительных фрагментов керамики, весьма затруднительна. Дальнейшие раскопки могильника и новые археологические материалы, думается, внесут коррективы в прозвучавшие в работе выводы по этим вопросам.

Примечание.

¹Статья написана В.Д. Рузановым, результаты спектрального анализа предоставлены А.Е. Рогожинским.

²Судя по конструктивным деталям (сильная скошеность к низу плечиков и расширенное в основании лезвие), данное орудие является, скорее всего, не кельтом-лопатой (Аманбаева и др., 2006), а кельтом-мотыгой. Аналогичный кельт-мотыга (рис. 1.2) найден случайно в селении Базар-Курган, расположенном примерно в 50 км к северо-западу от могильника Шагым. Размеры орудия: длина 10,3 см; ширина плечиков 7,5 см, лезвия 8,4 см; длина втулки 7,8 см, диаметр 3,6 см.

³В момент обнаружения зеркало (рис. 3. 2) было выпуклым и уплощено, нашедшим его рабочим (Аманбаева и др., 2006).

⁴Металлические предметы из могильника Шагым исследованы полуколичественным методом спектрального анализа, содержание сурьмы и мышьяка - количественным методом спектрального анализа в лаборатории физических и химических методов исследований института геологических наук им. К. И. Сатпаева.

Использованная литература:

- Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д.М.** Могильник Шагым – ивовый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы // АИ в 2005 г. Ташкент, 2006.
- Вактурская И.И., Виноградов А.В., Мамедов Э.Д.** Археолого-географические исследования в Юго-Западных Кызылкумах // АО в 1967 г. - М., 1968.
- Виноградов А.В., Мамедов Э.Д.** Комплексные археолого-географические исследования во Внутренних Кызылкумах // ИМКУ. Вып. 8. Ташкент, 1969.
- Виноградов А.В., Мамедов Э.Д., Оленич С.А., Чалая Л.А.** Археолого-географические исследования в Центральных Кызылкумах // АО в 1971 г. М., 1972.
- Виноградов А.В., Мамедов Э.Д.** Первобытный Лявлякан. М., 1975.
- Григорьев С.А.** Производство металла в Средней Азии в эпоху бронзы // Новое в археологии Южного Урала. Челябинск, 1996.
- Заднепровский Ю.А.** Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. № 118. М.-Л., 1962.
- Заднепровский Ю.А.** Древние бронзы Синьцзяня /КНР// Сборник «Древности». М., 1992.
- Итина М.А.** История степных племен Южного Приаралья (II - начало I тыс. до н.э.) // Тр. ХАЭЭ. Т. X. М., 1977.
- Исаков А.И.** Саразм /К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины (раскопки 1977-1983 гг.)/.—Душанбе, 1991.
- Исаков А.И., Рузанов В.Д.** Результаты спектральных исследований металла поселения Саразм // Тр. МАЭ. Т. 2. М., 2008.
- Кирчо Л.Б.** Металлические изделия эпохи энеолита и бронзы Алтын-депе // СА. М., 1980. №1.
- Кирчо Л.Б.** Металлические изделия Алтын-депе // МЮТАКЕ. Вып. 5. С-Пб., 2001.
- Кузьмина Е.Е.** Металлические изделия энеолита и бронзового века в Средней Азии // САИ. Вып. В4-9. М., 1966.
- Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В.А.** Древности Кайрак-Кумов /Древнейшая история Северного Таджикистана/. - Душанбе, 1962.
- Массон М.Е.** Археологические исследования в Узбекистане // Наука в Узбекистане за XV лет /1924-1933/. – Ташкент, 1939.
- Пругер Е.Б.** Обследование объектов древнего горного и металлургического промыслов в Кызылкумах // АО в 1975 г. М., 1976.
- Рузанов В.Д.** История древней металлургии и горного дела Узбекистана в эпоху бронзы и раннего железа. /Автореф. дисс. канд. ист. наук/. МГУ. М., 1982.
- Рузанов В.Д.** Металлообработка на юге Средней Азии в эпоху бронзы. - Самарканд, 2013.
- Сорокин С.С.** Хакский клад // СГЭ.– Вып. 19. - М.-Л., 1960.
- Тереножкин А.И.** Согд и Чач / Автореф. дисс. канд. ист. наук/. // КСИИМК. Вып. 33. М., 1950.
- Черных Е.И.** Древнейшая металлургия Урала и Поволжья // МИА. - № 172.- М., 1970.
- Garner J.** Das Zinn der Bronzezeit in Mittelasiien II. || *Archaeologie in Iran und Turan*. Band 12; Veröffentlichungen aus dem Deutschen Bergbau-Museum Bochum. Band 194. Berlin, 2013.
- Isakov A.I.** Sarazm: an agricultural center of ancient Sogdiana. - Bulletin of the Asia Institute. Vol. 8. 1994.
- Wen W.** Excavations of the Ancient Cemeteries in Keermugi. – Xinjiang: Uighur Autonomous Region. №1.-1981.

УДК: 902.01 (902.6)

АВЕСТА “КАТА” СИИИИГ АРХЕОЛОГИК АСОСЛАРИ

© 2017. Ш.Б. Шайдуллаев, О.А. Хамидов

*Термиз давлат университети,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Археология тадқиқотлар институти*

Калит сўзлар: Бактрия, “Авеста”, “Видевдат”, ката, даҳма, Бургуттепа, Қайрит, Кучук I, Зарабоғ ирригацион райони

В данной статье приводятся результаты раскопок на памятнике Бургуттепа, который относится к периоду Кучук I. На основе исторических, археологических, текстологических и этнографических анализов изученное сооружение с керамическим полом, размеры которого являются 2,50x2,60 м, интерпретируется как авестийская «ката». Изучаются вопросы раннего зороастризма.

ARCHAEOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE “KATA” OF THE AVESTA

S. B. Shaydullaev, O. A. Khamidov

This article deals with the results of archaeological excavations at the site Burguttepa. Burguttepa, which refers to the period of Kuchuk I. On the basis of historical, archaeological, textological and ethnographical analyses, the researched construction with ceramic floor, which sizes 2,50x2,60 metres, is interpreted as the Avestian “kata”. There are studied the questions of the Early Zoroastrianism

Заратуштра: Эй оламни яратган зот!

Эй ҳақиқат!

Ёз ўтиб, қора зимистон етиб келса,

маздапарастлар ўлик жисмини нима қилсинлар?

Ахурамазда: Ҳар уй ва ҳар кўйда ўликларни сақлаш учун ката қурсинлар.

Видевдат, V.10

Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедицияси Шимолий Бактрияда сўнгги бронза ва илк темир даврига оид янги сугорилиш районини ва у ерда жойлашган 9 та янги ёдгорликни аниқлади (1-расм) (Шайдуллаев, Станчо, 2016; Шайдуллаев, Хамидов, 2017).

Мазкур ёдгорликлар Добилсойдан сув оладиган қадимги канал бўйлаб жойлашган. Каналнинг узунлиги 3,5–4 км, эни эса 6 метргача боради. Мазкур сунъий сугорилиш тизими ва ёдгорликлар мажмуаси Кўхитангтоғ ён бағрида, денгиз сатҳидан 848-850 метр баландликда, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Зарабоғ, Қорабоғ ва Қайрит қишлоқлари оралигида жойлашган. Ёдгорликларнинг 3 таси тош девор билан ўраб олинган, 6 таси эса ер бағри бўйлаб, кўз илгамас даражадаги тепаликлар кўринишида сақланиб қолган. Ёдгорликлар устида қўлда ясалган, Кучук I даврига оид нақшли сополлар сочилиб ётибди (2-расм).

Худди шу худудда тошлар қаламасидан иборат, диаметри 8-12 метргача борадиган 27 та кўрғон-даҳма ва 160 та қора тошга чўкичлаб ишланган петроглифлар ҳам қайд этилди (3-расм) (Augustinova, Stančo, 2016; Шайдуллаев, Хамидов, 2017).

Археологик тадқиқот ишлари тош девор билан ўраб олинган Бургуттепа ва Қайрит ёдгорликларида олиб борилмоқда. Бургуттепа GPS бўйича 66.789° N, 37.757° E географик кенглигида жойлашган. Бургуттепанинг учта жойида қазилма ишлари олиб борилмоқда (4-расм) (Stančo et al., 2016).

Биринчи қазилма ёдгорликнинг жануби-шарқий қисмида олиб борилган бўлиб, унда стратиграфик тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, Бургуттепа учта қурилиш давридан иборат эканлиги аниқланди. Биринчиси, яъни энг қадимгиси мудофаа девор қурилишигача, иккинчиси эса мудофаа девор қурилган давр билан боғлиқ. Барча қурилиш даврига Кучук I даври сополлари характерлидир.

Иккинчи ва учинчи қазилмалар Бургуттепанинг шимолий ва жанубий қисмларида жойлашган бўлиб, планиграфик тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, Бургуттепа “овал” шаклидаги, диаметри 75 метрдан иборат, атрофи 1,20-1,30 метр қалинлигидаги тош девор билан ўралган қишлоқ-манзилгоҳ эканлиги маълум бўлди.


Иккинчи қазилма натижасида пахса ва хом ғиштдан қурилган уйларнинг қалъа девор бўйлаб жойлашганлиги, ёдгорликнинг марказий қисми эса бўш иншоотдан иборатлиги аниқланди.

Учинчи қазилмада эса Бургуттепа аҳолисининг диний қарашлари, аҳолининг “нарига дунё” тушунчалари билан боғлиқ бўлган иншоот ўрни ўрганилди. Қазилма нотўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, томонлари 11x11,30x13x10,5 метрни ташкил этади. Қазилманинг ғарб томонида ёдгорликнинг тошдан қурилган мудофаа девори 11,30 метр узунликда очилди. Девор 0,75 метргача сақланган. Мудофаа деворнинг икки чеккаси қалама усулида, ўрта қисми эса тартибсиз терилган тошлардан иборат. Йирик тошлар лой билан беркитилган.


Ўрганилган ҳудудда иккита хўжалик ўрни очилди. Бири илоҳийлашган, иккинчиси патриархал оила ўрни жойлашган хўжалик қисм ҳисобланади. Хўжалик ва илоҳий қисмга ажратишнинг сабаби, улар 22-25 см қалинликдаги, узунлиги 4,80 метргача борадиган девор билан ажратилган.

Илоҳийлашган қисмда маданий қатламнинг қалинлиги 0,25 метрдан 0,75 метргача боради. Мудофаа деворга яқинлашган сайин маданий қатлам қалинлашиб борган. Ўрганилган қурилиш иншооти Бургуттепанинг сўнгги қурилиш даврига оид бўлиб, ниҳоятда яхши сақланган. Илоҳий қисм деб аташга сабаб, бу ердан нотабиий, яшаш хоналарига ўхшамайдиган меъморий қолдиқлар ўрганилди. Биринчидан, бу қисм уч томондан девор билан ажратилган, махсус, кичик ховли кўринишидаги майдондан иборат. Очик майдонда доира шаклли алтар¹, алтарга қаратиб ўтиришга мўлжалланган, юза қисми силлиқ, йирик тошлар тартиб билан жойлаштирилган². Мудофаа деворга такаб, тўғри тўртбурчак шаклли, эшиксиз хона қурилган, хона поли тўлиқ сопол синиқлари билан терилган. Хонанинг жануб томонида узунлиги 2,5 метр, кенглиги 1,40 метр бўлган, пиллапоя шаклли йўлакча, хона билан алтар оралиғида эса тошдан ясалган, тўғри тўртбурчак шаклли, махсус қурилган супача³ жойлашган (5-расм).

Агар алтарда оловнинг ёниб турганлигини, силлиқ тошларда инсонларнинг алтарга қараб ўтирганлигини тасаввур қилсак, бу ерда илоҳият билан боғлиқ маросим ўтказилганлигини англаш мумкин. Албатта, қандай маросим ўтказилганлигини айнан шу мажмуада жойлашган эшиксиз, поли сополдан терилган хона ва тош супа очиб беради.




1-расм. Харита. Қишлоқларнинг жойлашиши




2-расм. Кучук I даврига оид сополлар

Сопол полли хонанинг кўлами 2,50x2,60 метр, девори 22-25 см қалинликда, хом ғиштдан терилган (40x22x12 см), сакланиш баландлиги эса 35 см гача боради. Хонанинг жанубий томонида пиллапоя шаклли, юқорига кўтарилиб борувчи йўлак жойлашган. Йўлакнинг икки томонига 0,25 метр қалинликда девор терилган. Кенглиги 1,40 метрнн ташкил этадиган йўлак тўғри сопол полли хонанинг жанубий деворига йўналтирилган. Хонанинг рўпарасига келганда, йўлак тўрида 1,20 метр кенг-



3-расм. Зарабоз сугорилини тармоғи. Ёдгорликларнинг жойлашсини



4-расм. Бургуттепаннинг топографик режаси



5-расм. Бургуттепа. №3 қазиманинг режаси

ликдаги тош қалама жойлашганлиги аниқланди. Тошлар ҳам пиллапоя шаклида терилган. Ушбу йўлак ва пиллапоя шакли тош қаламаси ёрдамида сопол полли хонага кирган бўлишини тасаввур қилиш мумкин, яъни хонага кириш туйнугига олиб борган. Бундай қатъий фикрга келишга сабаб, пиллапоя йўлакнинг ва унинг тўрида жойлашган пиллапоя тош қаламасининг меъморий ечим жиҳатидан бошқа, яъни иккиламчи вазифаси хусусида фикр бўлиши мумкин эмас (6-расм).

Сопол полли хонанинг вазифасини аниқлаш мақсадида, ёзма манба, “Авеста” га мурожаат қилсак. Негаки, Ўрта Осиё халқларининг мифологик, диний ва фалсафий қарашларини ўрганишда “Авеста” энг асосий манба бўлиб хизмат қилади. “Авеста” ва археологик маълумотлар уйғунлашганда эса янада ишончли тарихий маълумотлар олинади (Шайдуллаев, 2004; Шайдуллаев, Станчо, 2016).



6-расм. Бургуттепа. №3 қазимида. Ката хонанинг умумий кўриниши

Пайғамбар Заратуштра ва Ахура Мазданинг маздапарастларнинг дафн маросимлари ва одатлари ҳақидаги суҳбати “Авеста” нинг Видевдат қисмида келтирилган (Авеста: “Видевдат” китоби, 2007; Авесто, 2015; Мейтарчиян, 1992; Мейтарчиян, 1999; Крюкова, 1997). Бу борада дастлабки тадқиқотлар К. Иностранцев (Иностранцев, 1907; 1909; 1917) ва Дж. Модди (Богомолов, Бердимуродов, 2017. С. 218) томонидан олиб борилган. Тадқиқотлар С.П. Толстов (Толстов, 1948), Ю.А. Рапопорт (Рапопорт, 1950; 1971), Б.А. Литвинский, А.В. Седов (Литвинский, Седов, 1983), М. Бойс (Boyse, 1975) ва Ф. Гренелар (Grenet, 1984) томонидан давом эттирилган.

Зардуштийлик дафн маросимларида уч хил иншоот алоҳида ўрин тутган. Булар “ката”, “дахма” ва “узdana”. “Ката” иншоотини текстологик, археологик ҳамда этнографик жиҳатдан тадқиқ қилиш Ўрта Осиё халқларининг қадимги дафн маросимларини янада изчилроқ ўрганишга имкон беради.

“Видевдат”нинг бешинчи ва саккизинчи фрагментларида “ката” иншоотига оид маълумотлар келтирилган:

... V. 10. Эй, борликни яратган зот! Ё ҳақ! Ёз (ёруғ) фасл ўтиб, қоронғи қиш етиб келган пайтда Маздани деганлар (ўликларини асраш учун) нима иш қилмоғи керак?

Ахурамазда жавоб берди: - “Ҳар бир хонадон, ҳар бир жамоа ўз майитларини сақлаш учун махсус хона (кодих) курсинлар”.

11. “Эй, борликни яратган зот! Эй ҳақ! Ўлик асраладиган қурумнинг бўйи, эни канчадан бўлсин?”

Ахурамазда жавоб берди: - “Одам оёқ кўли чўзилганда бош тегиб қолмас даражада бўлиши керак. Дин расми таомилига кўра ўлик учун қурум шундай бўлиши керак”.

12. Мурдани курум ичида асраш муддати: (баҳорий) кушлар парвоз қилгунча – бу бир тун бўлсин, хоҳ уч тун, хоҳ бир ой бўлсин, сувлар (арикларда) оқкунча, (баҳор) шабадалари (қиш) рутубатини ердан кўтариб қуритгунча сақланиши керак”⁴ (Авеста: “Видевдот” китоби, 2007).

Демак, Бургуттепада “Авеста”да таъкидланган “ката” хонасининг археологияда акс этишини кўришимиз мумкин. Манбада эслатиб ўтилганидек, у манзилгоҳнинг энг чеккасида жойлашган, кўлами эса майитни ётқизганда қўл ва оёқлари деворга тегмайдиган даражада, эшиксиз қилиб қурилган. Майит ерни ифлос қилмаслиги учун хона полига сопол тўшалган.

Видевдатнинг саккизинчи фрагарди 10 бандидада шундай дейилади: “Кушлар учиб келгач, ўсимликлар униб чиқа бошлагач ... маздапарастлар мурда қўйилган уйга тешик очишади. Сўнгра икки чакқон эркак яланғоч ҳолда, кийимсиз мурда ёнига кирадилар, уни хом ғиштга чандилаб, пок ердан ажратилган суфачага олиб чиқади, мурда этини кушлар, итлар еб тозалаши аниқ бўлган (дахма) ерга кўчирадилар (Авеста: “Видевдот” китоби, 2007. 54 б.).

Бургуттепада ўрганилган хонанинг эшиксизлиги, пиллапоя шаклли йўлакнинг, тошдан қурилган супачанинг вазифаси Видевдатда келтирилган маълумотлар асосида ўз ечимини топади.

Видевдатнинг “ката”га оид қисми рус, инглиз, форс-тожик тилидаги таржима вариантлари алоҳида истисноларни ҳисобга олмаганда юқоридаги мазмунда таржима қилинган (Авеста “Закон против дэвов”, 2008; Авеста в русских переводах, 1997; Авеста. Видевдат. Фрагард Восьмой, 1994). Тожик тилидаги таржимада “ката” атамаси “када” шаклида тилга олинган (Авасто, 2014. С. 498).

Асқар Маҳкам томонидан ўзбек тилига ўгирилган “Авесто” варианты Техрон нашри асосида таржима қилинган бўлиб⁵, унда “Видевдат” номи паҳлавийча “Вандидод” деб номланган (Авесто, 2015). Таржимада “ката” атамаси “кодих” шаклида тилга олинган ва қуйидагича изох берилган: “Кодих – жой, ўтлоқ, сарой маъносида. Маздапарастлар қахратон чоғи ўлганларни сақлаш учун махсус “кодих” қурганлар. Мурда то об-ҳаво илигунга қадар шу ерда сақланган” (Авесто, 2015. 652 б.).

Зардуштийликка оид ўрта форс манбаларида ҳам ушбу ҳолатни ифодаловчи матнлар мавжуд. Жумладан, “Шайаст на-шайаст” диний матнида дафн маросими об-ҳаво ноқулай шароитга тўғри келганида қуйидаги кўрсатма келтирилган: “Ёмғирда дафнни бошлаш ўлим билан таъқиб қилинади. Булутли ҳавода жасадни уйдан олиб чиқишга рухсат этилади. Аммо, йўлда ёмғир бошланадиган бўлса, ўликни уйга қайтаришга рухсат этилмайди” (Шайаст на шайаст, II. 9; Авеста “Закон против дэвов”, 2008. С. 115).

“Паҳлавийча Видевдат”да ҳам мазкур ҳолат юзасидан кўрсатмалар берилган: “Жасадни девордаги туйнукдан, уй эгаси ва унинг рафиқасини мазкур туйнукдан, қолганларни эшикдан чиқариш керак” (Pahlavi Vendidād, 1949. P. 190; Абдуллаев, 2013. С. 665).

Илмий тадқиқотларда ҳам Авестача “ката” атамаси “хона”, “мархумлар учун вақтинчалик хона” тарзида таржима қилинади (Мейтарчян, 2001. С. 189). Шунингдек, санскритча *khada* “ғор, ўра; кулба, чайла”, сўғдча *kat* “уй, бўлма”, ўрта форс ва парфянча тилда *kadak* “уй” маъносини англатади (Абдуллаев, 2013. С. 664).

Демак, “Авеста” матнига кўра, “ката” иншооти вақтинчалик мурда сақланадиган жой бўлиб, унинг асосий вазифаси об-ҳаво ноқулай бўлган шароитда жасадни

дахмага олиб бориш имконияти бўлмаганда “ката” да сақланган. Сақланиш муддати об-ҳаво қулай ҳолатга келгунча, сатҳи эса бир киши бемалол сиғадиган даражада бўлган. Мурдани қўйиш ва чиқариш учун деворда туйнук ҳосил қилинган.

“Ката”га монанд иншоотлар этнографик маълумотларда ҳам учрайди. Масалан, форс зардуштийларида *zad-o – margxane* (туғилиш ва ўлим уйи), Гужаротдаги ҳинд зардуштийларида *nasaxane* (марҳумлар учун хона) вазифасига кўра катани эслатади. Мазкур иншоотлардан марҳум жасадини даҳмага ўтказиш об-ҳаво шароитидан катий назар мажбурий ҳисобланади (Крюкова, 1997. С. 214; Мейтарчиан, 2001. С. 55).

Эрон зардуштийларида *zad-o – margxane* анъанаси бўйича марҳумни бир эшикдан киритиб, иккинчи эшикдан чиқаришади. Бунда икки эшик ораси туғилиш ва ўлим сифатида тушунилган. А. Жексон фикрича “*Zad-marg*”нинг келиб чиқиши “ката” иншоотига бориб тақалади (Мейтарчиан, 2001).

Манбаларда сақланиб қолганидек, Ўрта Осиё халқлари тарихида ҳам марҳумларни девор туйнуқлари орқали киритилгани ва чиқарилгани ҳақида маълумотлар сақланган. Бухорода тарқалган вабо касаллигининг сабабини шаҳар ташқарисида вафот этган Амир Музаффарни деворда туйнук ҳосил қилмасдан сирли равишда шаҳар дарвозасидан олиб кирилганлиги билан боғланиши, ёки 1855 йилда Хива хони Муҳаммадамин шаҳар ташқарисида вафот этганидан сўнг ёвуз руҳларни алдаш учун шаҳар деворига махсус туйнук ҳосил қилиб, олиб кирилганлиги хусусида маълумотлар сақланган (Мейтарчиан, 2001).

Майитларни туйнуқлар орқали чиқариш анъанаси Ўрта Осиё халқлари этнографиясида ҳам кузатилади. А.К. Писарчик маълумотларига кўра, Нуротада “Аз дар дарой, аз дарича барой” (Эшик орқали кириб, дарча орқали чиққин) деган, ўлим тилоччи қарғиш бўлган (Литвинский, 1968. С. 101).

М.А. Хамиджонованинг маълумотларига кўра, Помирдаги Шинг дарёси юқори оқимида жойлашган қишлоқларнинг умумий фойдаланиши учун махсус хона ташкил қилинган бўлиб, унга оғир беморлар ўлими олдидан келтирилган. Бемор ўлиmidан сўнг дафн маросимигача шу хонада сақланган ва пўстакка ўраб қўйилган. Уч кун давомида хона тоза ҳисобланмаган ва ёпиқ турган. Тўртинчи куни марҳумнинг қариндошлари келиб, хонани тозалаб, деворларни оқ лой билан суваб кетишган. Худди шундай хона ва поклаш маросими Яғнобда ҳам бўлган (Хамиджорова, 1980. С. 288-289).

Бизнинг тадқиқотларимизга қадар ҳам Ўрта Осиё археологиясида “ката”лар аниқланган ёки маълум бир иншоотларни катага қиёслашган. Бизнинг фикримизча, Шимолий Бактриянинг илк темир даврига оид ёдгорлиги Қизилтепада ҳам ката иншооти аниқланган. Ушбу хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, қалин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бу хонадан ҳеч қандай археологик топилма, шунингдек, иситиш ва ошхона ўчоқлари излари ҳам топилмаган. А.С. Сагдуллаевнинг фикрича, бу хона турар жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган ва бронза давридаги ўликни хона поллари ва деворлари тагига кўмиш анъанасининг сақланишидир (Сагдуллаев, 2001. 21 бет; Сагдуллаев, 2001а). Бизнингча, бу ерда ҳам археология ва “Авеста” маълумотлари уйғунлашган, яъни “Авеста”да таърифланган “ката” ўрганилган (Шайдуллаев, 2004).

С.П. Толстов Хоразмдаги Бургутқалъа ўлкасида ўрганган, VIII-IX асрларга оид №36-рақамли иншоотни катага ўхшатади. Мазкур хона 4,5x4,5 метр ўлчамли бўлиб, унга кириш жанубий бурчакдаги туйнук орқали бўлган. Фарбий девор бўйлаб энсиз

супа жойлашган. С.П. Толстовнинг фикрича, пол сатҳига тўшалган ҳар хил минерал ётқизиклар, ёғоч қолдиқлари жасаднинг ерга тегиб кетишининг олдини олган (Толстов, 1948. С. 149).

Э.В. Ртвеладзе Видевдатда тилга олинган уч турдаги дафн иншоотлари – ката, даҳма ва уздана Кампиртепада қайд этилганлигини таъкидлайди (Ртвеладзе, 1988. С. 23; Ртвеладзе, 2001. С. 99-102; Ртвеладзе, 2001а). Авесташунос олима М. Мейтарчиян Кампиртепада ўрганилган бу иншоотларга ўз фикрини билдирган (Мейтарчиян, 1992. С. 10-11; Мейтарчиян, 2001. С. 66).

Сўғддаги, Панжикент қабристони 2 даҳмасида ҳам “ката” ўрганилганлиги қайд этилган. Б.Я. Ставиский мазкур бир хонали иншоотни Беркутқалъа “ката”си билан таққослайди ва Хоразмда ўрганилган иншоотнинг ката вазифасини ўтаганлигига шубҳа билан қарайди (Ставиский, Большаков, Мончадская, 1953. С. 79).

Кавказдаги Дарбанд ёдгорлигида XII-XV асрларга оид зардуштийлик дафн иншоотлари аниқланган бўлиб, улар орасида “ката” мавжудлигини қайд этишади (Гаджиев, Бакушев, 2006. С. 379-381; Гаджиев, 2007. С. 51-63). Тадқиқотчилар “ката” яқинида гулхан ўрнини аниқлашган. Бу Видевдат қоидаларига зид бўлса ҳам, зардуштийликда учрайдиган ҳолат. Зардуштийлик таълимотига кўра олов жасад танасига жойлашган Насу ва Ахриман томонидан бунёд этилган ёвуз мавжудотлар – храфстраларни йўқ қилишда асосий ўрин тутади (Гаджиев, Бакушев, 2006. С. 381; Гаджиев, 2007. С. 51-63). Бу ёвуз мавжудотлар “марҳумлар учун вақтинчалик махсус хона”ларда жойлашган. Бу ерда оловнинг поклаш хусусияти юқори кўйилган.

Келтирилган тарихий, этнографик ва археологик маълумотлар Шимолий Бактриядаги Бургуттепа ёдгорлигида “ката” иншооти ўрганилганлигини тўлиқ тасдиқлайди. Бургуттепа катаси меъморий ечим жиҳатидан “Видевдат”да таърифланган катага айнан мос келади.

Бу иншоот хронологик жиҳатдан Марказий Осиёда ўрганилган барча каталарнинг энг қадимгиси ва энг ишончлисидир. Нафақат, Бургуттепа катаси, балки Кўҳитангтоғ этакларида жойлашган, Кучук I даврига оид барча ёдгорликлардан олинаётган маълумотлар “Авеста”да таъриф бериладиган жамоага айнан мос тушади.

Биринчидан, “Авеста” жамоаси чорвадор жамоа. Кўҳитангтоғ ён бағрилари чорвачиликка энг қулай ҳудуд. Бу ерда чорва киш фаслида ҳам даладан озикланади, негаки бўйи 0,80 метргача борадиган тиконли ўсимликлар ва буталарга бой ҳудуд.

Иккинчидан, маздапарастлар майитларни даҳмага қўядилар. Об ҳаво нокулай шароитда эса катада сақлаб, сўнгра даҳмага ўтказадилар. Бургуттепа жойлашган ҳудуддан 27 та даҳманинг топилиши (7-расм) илк зардуштийлик тамойилларининг Бактрияда Кучук I даврида тўлиқ шаклланганлигини кўрсатади.

Учинчидан, хаома тайёрлашда ишлатиладиган, хлорид тошидан ясалган илоҳий ҳавонча ва ҳавонча дастаси (пестик) нинг топилиши (8-расм) Бургуттепа жамоасининг хаома култини ҳам илоҳий деб билганлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, биз ўрганган илоҳийлашган ҳудуддан думалоқ шаклли оташгоҳ алтарнинг, ўтиришга мўлжалланган тошлар галареясининг ва тош супанинг топилиши Видевдатда келтирилган маълумотга айнан мос келади. Жумладан, катадан майитни олиб чиққан чакқон икки эркак ҳақида шундай дейилади “Мурдани кўтарганлар шу ерда мурдадан уч қадам нарига ўтирсинлар, пешоб билан қўлларини ювиб поклансинлар” (Авеста: “Видевдат”, 2007).



7-расм. Зарабоғ дахмаларининг умумий кўриниши



8-расм. Бургуттепа. Ҳовонча дастаси (Пестик). Хлорид

Ўрта Осиёда зардуштийликка хос бўлган олов ёки хаома култи жуда қадимдан илохийлашиб келган. Жумладан, алтарлар энеолит давридан (Ширинов, 1990), хаома эса бронза давридан маълум бўлган (Ширинов, 1991; Абдуллаев, 2009). Бу билан илк зардуштийлик энеолит давридан ёки бронза давридан бошлаб шаклланган, деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Адабиётларда Бактрия ва Марғиёнанинг бронза даврига оид ёдгорликларида ўрганилган монументал иншоотларни ҳам илк зардуштийлик ибодатхоналари, деб аталмоқда (Сарианиди, 1989. С. 152 -170; Сарианиди, 1990. С. 10-13; Аскарлов, Ширинов, 1989. С. 23-42; Аскарлов, Ширинов, 1993. 187 с).

Тўғри, бронза даврида Бактрия ва Марғиёнада хаомани куйлаш, оловни эъзозлаш каби анъаналар кучли бўлган, аммо улар майитларини ерга қўйганлар. Майитларини ерга қўйган жамоада илк зардуштийлик эътиқодлари шаклланган, деб аташ бизнинг фикримизча тўғри эмас. Эҳтимол, бу урф-одатлар фақат оташпараст қавмлар учун хосдир.

Шунингдек, бронза даври ёдгорликларини илк зардуштийлик анъаналари билан боғлаш хронологик ва этник жиҳатдан ҳам тўғри келмайди. Сополли ва Даштли маданиятлари Қадимги Шарқ цивилизациясининг таркибий қисми бўлиб, ҳинд-эроний халқларга этник жиҳатдан алоқадорлиги йўқ (Грантовский, 1998. С. 115).

Бургуттепада олиб борилаётган археологик тадқиқотлар шуни тасдиқламоқдаки, Бактрияда илк зардуштийлик анъаналари Кучук I даврдан бошлаб шаклланган. Шу даврдан бошлаб, майитларни ерга қўйиш анъанасига ҳам барҳам берилган, ер илоҳийлашган, “Авеста”да таъриф берилган ката, даҳмалар пайдо бўлган. Демак, шу даврдан бошлаб жамоада зардуштийликнинг аҳкомлари шаклланиб, хаёт тарзига кириб кела бошлаган.

Изоҳлар

¹ Алтар. Сополли маданияти алтарлари сингари доира шаклли, атрофи 18-22 см қалинликдаги, яхши қорилган лойдан ясалган девордан иборат (Ширинов, 1990. С. 69-78). Алтарнинг ташқин диаметри 68 см, ички диаметри 53 см. Алтар ичида битта йирик тош ва кул қатламин ўрганилди, девор оловда куймаган.

² Тош курсилари мажмуаси. Алтар ва тош супа атрофида юза қисми силлиқ, ўтиришга мўлжалланган, тартибли жойлаштирилган, табиий тошлардан терилган тош курсилар. Улар 7 та бўлиб, 5 таси девор сингари терилган бўлса, иккитаси алтар атрофида жойлаштирилган. Тошларнинг узунлиги 30 см.дан 52 см.гача боради.

³ Тош супа. Алтар билан хонаси орасида йирик тошлардан ясалган қурилма, тўғри тўртбурчак шаклидаги супа. Супанинг кўлами 1,10х70 см. Баландлиги 35-40 см. Юза қисми текис.

⁴ М. Исҳоқов “ката” иборасини тушунтиришда “кодик”, “қурум” сўзларидан фойдаланган. Биз Видевдатнинг инглиз, рус тилларида қўлланилган “ката” сўзини ишлатишни маъқул топдик. М. Пардаевнинг оғзақин берган маълумотларига кўра «кадак», ёки «катак» кичик уй, маҳсул кичик уй маъносини билдиради.

⁵ Душанбеда нашр этилган Авестонинг тожик тилидаги варианты ҳам Техрон нашри асосида таржима қилинган (Авасто, 2014).

Фойдаланилган адабиётлар:

Абдуллаев Е.В. Zoroastriana-Slavica: о двух восточнославянских параллелях авестийскому Видевдату // Commentationes Iranicae. Сборник статей к 90-летию Владимира Ароновича Лившица / под ред. С.Р. Тохтасьева и П.Б. Лурье. — С-Пб., 2013.

Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. МИЦАИ, - Самарканд, 2009.

Авасто. Жилди I. – Душанбе: «Бухоро», 2014.

Авеста “Закон против дэвов” (Видевдат). Адаптированный перевод, исследование и комментарии Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидова, Е.В. Абдуллаева. С-Пб., 2008.

Авеста в русских переводах (1861—1996) / Сост., общ. ред. и справочный раздел И.В.Рака. – С-Пб., 1997.

Авеста. Видевдат. Фрагмент Восьмой / Перевод с авестийского, вступительная статья и комментарий В.Ю. Крюковой // Вестник древней истории. 1994. № 1.

Авеста: “Видевдат” китоби (М. Исҳоқов таржимаси). 2007.

Авасто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. Т., 2015.

- Аскарлов А.А., Ширнинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.
- Аскарлов А.А., Ширнинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане // Градостроительство и архитектура. - Ташкент, 1989.
- Богомоллов Г.И., Бердимуродов А.Э. Узбекистан // Религии Центральной Азии и Азербайджана. Том II. Зороастризм и верования мадеистского круга. –Самарканд: МИЦАИ, 2017.
- Гаджиев М.С. Зороастрийский погребальный комплекс близ Дербента // Российская археология, 2007, №4.
- Гаджиев М.С., Бакушев М.А. Средневековый зороастрийский погребальный комплекс близ Дербента // Первая Абхазская Международная археологическая конференция: Материалы. Сухуми, 2006.
- Грантовский Э.А. Иран и иранцы до ахеменидов. Основные проблемы. Вопросы хронологии. – М., 1998.
- Иностранцев К. К изучению оссуариев // ЗВОРАО, 1907. Т. 18.
- Иностранцев К. К истории домусульманской культуры Средней Азии // ЗВОРАО, 1917. Т. 24.
- Иностранцев К. О древнеиранских погребальных обычаях и постройках // Журнал Министерства народного просвещения, 1909.
- Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в зороастризме / Хисматуллин А.А., Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. С-Пб., 1997.
- Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн (к историко-культурным связям племен южной России и Средней Азии). Душанбе, 1968.
- Литвинский Б.А., Седов А.В. Тепай-Шах (Культура и связи кушанской Бактрии). М., 1983.
- Мейтарчян М.Б. Зороастрийский погребальный обряд (хронологические и локальные варианты). Автореферат кандидатской диссертации. М., 1992.
- Мейтарчян М.Б. Погребальные обряды зороастрийцев. М., 2001.
- Мейтарчян М.Б. Погребальный обряд зороастрийцев. М., 1999.
- Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезма (оссуарии). М., 1971.
- Рапопорт Ю.А. Некоторые вопросы сложения зороастрийской погребальной обрядности (по археологическим данным) // XXV Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. М., 1960.
- Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия — Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (По материалам амударьинского правобережья). АДД. М., 1988.
- Ртвеладзе Э.В. Зороастризм в Бактрии // “Авеста” и его место в истории развития человечества. Ташкент-Урганч, 2001.
- Ртвеладзе Э.В. Ритуально-культурные сооружения Кампыртепа // МТЭ. Археологические исследования Кампыртепа. Вып. 2. Ташкент, 2001а
- Сагдуллаев А.С. “Авесто”да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар // “Авесто” ва унинг иссои тараккиётидаги ўрни. Тошкент-Урганч, 2001.
- Сагдуллаев А.С. Археологические данные к изучению ранних культовых обрядов, нашедших отражение в Авесте // “Авеста” и его место в истории развития человечества. Ташкент-Урганч, 2001а.
- Сарианиди В.И. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма. // ВДИ. 1989. №1.
- Сарианиди В.И. Сельский храм Тоголок I в Маргиане // ВДИ. - М., 1990, №2.
- Сулейманов Р.Х. Археология Авесты // “Авеста” и его место в истории развития человечества. Ташкент-Урганч, 2001.

- Толстов С.П.** Древний Хорезм. М, 1948.
- Хамиджонова М.А.** Некоторые архаические погребальные обряды таджиков // Сборник статей по истории, археологии, этнографии и искусству Средней Азии памяти А.А. Семенова. Душанбе, 1980
- Шайдуллаев Ш.Б.** “Авесто” ва моддий маданият // “O`zbekiston tarixi” jurnali, 3/2004.
- Шайдуллаев Ш.Б. Станчо Л.** Бактриянинг Яз I даврига оид янги ёдгорликлари // Археология Узбекистана в годы независимости: достижения и перспективы. Материалы международной научной конференции посвященной 25-летию Независимости Республики Узбекистан. – Самарканд, 2016.
- Ширинов Т.** “Винодельная” Джаркутана – памятник эпохи бронзы Юга Узбекистана // ИМКУ. Вып. 24. - Ташкент, 1991.
- Ширинов Т.** Алтари огня из храма Джаркутан – памятника эпохи развитой бронзы юга Узбекистана // ИМКУ 23. Ташкент, 1990.
- Augustinova A., Stančo L.** The Petroglyphs of Pashkhurt Valley in the Surkhan Darya Province (South Uzbekistan) – Preliminary Report Studia Hercynia. 2016. XX/2.
- Boyce M.** A History of Zoroastrianism. Vol. 1. The Early Period. Leiden-Koln, 1975.
- Grenet F.** Les pratiques funaires dans l'Asie Centrale sedentaire de la conquete grecque a l'islamisation. Paris, 1984.
- Pahlavi Vendidad (Zand-i Jvît-Dev-Dât)** // Transliteration and Translation in English by B.T. Anklesaria. Bombay, 1949.
- Stančo L., Shaydullaev Sh., Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J., Kysela J., Shaydullaev A., Khamidov O., Havlík J., Tlustá J.** Preliminary Report on the Excavations at Burgut Kurgan in 2015. Studia Hercynia. 2016. XX/2.

УДК: 902.1 (737 / 671.4)

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТИОМАДАНИЯТИДА БЎРИНИИГ “БОШ ЧАНОҒИ КУЛЬТИ” ХУСУСИДА

© 2017. У. Алибеков

Гулистон Давлат Университети

Калит сўзлар: глобаллашув, ассимиляция, анимизм, сеҳр-жоду, фетишизм, тотемизм, трансформация, менталитет, бўри чилласи, табу, бош чаноғи култи, табиат ҳукмдори култи, хўжалик фаолияти ва хўжалик култи, ўлувчи ва қайта тирилувчи табиат култи, махсулдорлик маросими ва култи.

В данной статье в археоэтнологическом аспекте анализируются культовые традиции связанные с волчьим тотемом народов Центральной Азии, этнографические данные связанные с культом волчьего черепа и челюсти в этнокультуре узбекского народа. Сделаны выводы о «культе черепа», о комплексе обрядов плодородия сформировавшиеся на основе умирающего и воскресающего культа природы в первобытном мировоззрении связанное с хозяйственной деятельностью первобытных охотничьих коллективов и их трансформации.

ABOUT THE "CULT OF THE SKULL OF WOLF" IN THE ETHNOCULTURE OF THE UZBEK PEOPLE

U. Alibekov

The following article studies religious traditions, cult of the wolfs skull related with wolf totem of Central Asian nations. There were concluded about existence of the dying and resurrecting cult of nature based on concept of primitive producing cult related with farming activities of primitive hunting groups and their transformation.

Марказий Осиё халқларининг узок ўтмишидаги диний қарашлари билан боғлиқ бир қатор этнологик тадқиқотлар олиб борилган бўлсада (Баялиева, 1972; Снесарев, Басилов, 1975; Толеубаев, 1991; Табышалиева, 1993; Джабборов, Дресвянская, 1993; Abdurahmonov, 2005; Аширов, 2007) ҳозирга қадар Ўрта Осиё халқларининг жумладан ўзбек халқи орасидаги тотемизм (шунингдек анимизм, магия, фетишизм ва ушбу диний қарашлар - У.А.) билан у ёки бу даражада боғланган маросимлар таҳлилига оид бирор-бир жиддий иш қилинмаган (Аширов, 2007. 73-104 б.). Тотемизм диний этикоднинг юзага келиши, шаклланиши қўй ва бўри зооморф тасвирларига сиғинишининг ўзаро боғлиқлиги археолог М.Ҳ. Пардаев томонидан Уструшона моддий маданияти мисолида тадқиқ этилган ҳолда, “қўй ва бўри топинчини биргаликда тадқиқ қилмоқ керак” (Пардаев, 1995. 42-46 б.) деган хулосага келишган.

Ибтидоий қарашлар асосида шаклланиб, скиф-саклар даврида ривожланган зооморф тимсолларнинг баъзилари Марказий Осиё халқларининг ижтимоий турмуши, хўжалик анъаналари тизимида сакланиб қолган ва мураккаб масала сифатида бугунги кунда этнология соҳасида долзарб тадқиқот таҳлили йўналиши ҳисобланади. Этнолог олима С. Соатова “Бўри Марказий Осиё халқлари

маданиятида муҳим зооморф тимсол бўлиб, ўзига хос рамзий маънога эга. Зооморф тимсолни ўрганиш, уни тарихий илдизларини тўғри англаш Марказий Осиё халқлари ижтимоий-маданий жараёнлари ва ҳаётининг фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни хал қилинишига ўз таъсирини ўтказди” (Соатова, 2012. 228 б.) деган хулосани қилган.

Бўрининг топқирлиги, чаққонлиги ва доимий равишда ҳаракатчанлиги билан меҳнатсеварлик фазилатининг рамзий ифодаси бўлган. Айнан шунинг учун ҳам бўри энг қадимги диний қарашларда “илоҳий куч” саналган. Бўри ҳақидаги дастлабки маълумотлар энг қадимий ёзма манба Авестода (Авеста: “Видевдат” китоби, 2007. 73-74 б.), ўрта асрлар даврига оид қўлёзмаларда (Туркий тибнома, 1992. 10-11 б.; Муҳаммад ал-Харавий, 1991. 96 б.) учрайди ва олимлар узок йиллардан буён унга бўлган муносабат шакллари тадқиқ этиб келганлар. Лекин аксарият ҳолларда тизимли танқидий таҳлиллар тўлиқ равишда келтирилмаган.

Аждодларимиз одам ёки бирор жонивор ўлгач, унинг руҳи танасининг муайян бир қисмида сақланиб қолади, деб ишонишган. (Мирзаев, Жўраев, 2001. 36 б.). Шунинг таъкидлаш жоизки, нафақат зооморф тимсолнинг яхлит ўзи (масалан, бўри), балки тана аъзолари ҳам алоҳида-алоҳида “илоҳий куч” сифатида қаралиб, хўжалик фаолияти ва ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларида улардан фойдаланилган. Ҳаттоки ҳайвоннинг ҳар бир аъзоси ўзига хос культ сифатида намоён бўлган.

Ибтидоий маънавий маданиятнинг тадқиқотчиси, этнолог В. Кабонинг таҳлиliga кўра, “Нафақат айик “культ”и (эътиқоди), шунингдек бошқа ҳайвонлар, аниқроғи уларнинг бош чаноғи “культ”и излари палеолит давридан маълум бўлиб, тотемизм билан боғлиқ бўлиши мумкин” (Кабо, 2002. С. 120).

Энг қадимги диний мажмуани таҳлил қилар эканмиз, овчилар ва термачилар дунёқарашида шундай эътиқод шаклига дуч келамизки у бутун хусусиятига кўра энг қадимги (архаик) дин эканлиги ва бу маҳсулдорлик маросимлари ва “культ”и билан боғлиқлигини тасдиқлаши мумкин. Маҳсулдорлик маросимлари ҳаётнинг давом эттирилишига, табиат ва инсонлар жамиятни такрорий ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Маҳсулдорлик маросимларининг табиатга, инсон мавжудлиги ва асосларига сеҳргарлик (магия, баъзан анимистик—У.А.) йўли билан йўналтирилганлиги, уларни кенг ҳудудга тарқалганлиги, ушбу диннинг энг қадимги кўринишларидан бири эканлигидан далолат беради (Кабо, 2002. С. 31-32), деган фикрларидан зооморф тимсоллар билан боғлиқ анъанавий қарашларнинг нечоғлиқ кўҳна илдизга эга эканлигини билишимиз мумкин. Ўзбек халқининг этномаданиятида “бош чаноғи култи” - бош қисми аъзолари билан боғлиқ удумлар таҳлили тарихимизни ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқотлар, йиғилган этнологик маълумотлар таҳлили ўтмишда бўри тотеми билан боғлиқ удумий анъаналар кўп бўлганлигини исботлайди. Уларда бўри одамларни турли касалликлардан, омадсизлик, ёвузликлардан сақловчи ҳимоячи сифатида намоён бўлади (Баялиева, 1972. С. 22).

Ўзбек халқининг удуми таркибида чилла даври билан боғлиқ анъаналар қолдиқлари ижтимоий ҳаётда, оила ва никоҳ, хўжалик ҳаёти билан боғлиқ анъаналарда намоён бўлиб, чилла даври удумлари моҳияти трансформацияси бир қадар ўрганилган (Жўраев, 1991. 28 б.; Исмоилов, 1992. 28-30 б.; Махмуд Саттор, 1993. 6 б.; Бўриев, Шоймардонов, Насриддинов, 1995; Троицкая, 1927. С. 349-361;

Алибеков, 2010. 119-121 б.) Марказий Осиё халқларининг ҳаётида бўрига тотем сифатида сиғиниш кенг тарқалган бўлиб, (Потапов, 1958. С. 135-142; 1949. С. 122; Толстов, 1935. С. 241-364) кузатувларга, кўра ўзбекларнинг оилавий турмушидаги “бўри чилла”си даври диний қарашлар билан боғлиқ. Бироқ бу ҳолат тадқиқотларда тўлиқ таҳлилини топмаган.

Миллий менталитетга кўра, ўзбек халқида оилапарварлик хусусияти устувор бўлиб, никоҳ тўйи маросимлари оилавий анъаналаридаги асосий мақсад серфарзанд, мустаҳкам, фаровон оилани яратишга қаратилган. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, никоҳ тўйидан кейин келин ва куёвнинг илк қўшилган кечасида қишлоққа бўри ораласа, икки ёшга “бўри чилласи” тушган. “Бўри чилла”си уларнинг ҳаётида 7-13 йилгача давом этиб, улар фарзандсиз бўлган. Ахборотчилар Ч. Сафаров ва Ғ. Ҳабибуллаевларнинг маълумот беришича, мазкур ҳолни англаган синчков қишлоқ оқинларининг маслаҳати билан, бир-икки йил ичида келин куёвнинг тўшаги остидаги ер қовланиб, бўрининг бош чаноғи кўмилган, уларга бўрининг тиши теккан гўшт едирилган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Бахши чақирилиб, сариқ рангли (бирор жойида қора ёки оқ доғ бўлмаслиги керак) товуқ ёки хўроз сўйилиб “қон чиқарилиб” икки ёш қонлаб қоқилган. Товуқ гўшти, пиёз ва картошка пичокда бўлинмасдан бутунлигича қозонга солинган. Хамир ҳам қўлда бурдалаб солинган. Супра солиниб келинга ун элатишган. Етти ёки баъзан ўн битгагача чироқ ёқилган. Супрани йиғиб, келинга рамзий жавоб беришган. Эшикдан чиқмоқчи бўлиб супра кўтариб олган келинга: “Ҳа, тўйгами? Қўлингдаги нима? Болангми? Боланг Барчиной-Алпомишлар бўлсин!”, дейишган. Шунингдек, ахборотчи Д. Саматованинг маълумотларига кўра, келинга бахши томонидан 3-7 кун чилла сақлаш, ойни кўрмаслик, меҳмонга бормаслик ва бирор инсон билан кўришмаслик талаби қўйилган (Дала ёзувлари, 2017 йил). Шундан сўнг 3-5-7 ойда келиннинг ҳомиладор бўлиш ҳолатлари кузатилган. Ахборотчи У. Мавлоновнинг айтишича, “бўри чилласи” ўзбекларнинг анъанавий қарашларига кўра, бўри яшамайдиган жойларда ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда ҳам юқоридаги маросимлар бажарилган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Мазкур ҳол бўри тотеми билан боғлиқ удумий қарашларнинг халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлигидан далолат беради.

Ахборотчи И. Худойшукуровнинг маълумотларига кўра, бўри инидан оғзи очиқ ёки оғзи ёпиқ ҳолатда чиқиши мумкин бўлиб, оғзи очиқ ҳолатда чиққанда инсон ва жонзотларга кўп зарар етказган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Оғзи ёпиқ ҳолатда чиққан бўри кўтондаги қўй-эчкиларнинг қорнини ёриши, қуйруғини тишлаши мумкин бўлиб, “бўри тиши теккан жониворни гўштини ейиш келин-куёвлар, бефарзанд аёллар учун фойдали ҳисобланган” (Аширов, 2007. 18 б.).

Бўрига илоҳий ҳомий сифатида ихлос қилишни Туркистон тоғ тизмаси шимолида истиқомат қилувчи аҳолининг бўри бош чаноғи воситасида турли ҳасталиклардан ҳоли бўлишда ҳам кўриш мумкин. Ахборотчи Т. Файзиев маълумотларига кўра, баланчақирликлар уйнинг остонасига бўри ёки хўкиз бош чаноғини кўмиш ирсий, авлоддан-авлодга ўтадиган касалликлардан халос қилади, деб билишган (Дала ёзувлари, 2013 йил).

Ахборотчи Ў. Эрбўтаева берган маълумотларга кўра, зоминликларда оғир ҳасталанган кишини табиблар бўрининг бош чаноғи қириндисини турли зиравор ўтлар бўтқасига қўшиб бериб даволашган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Ғ. Ғаниева маълумотларига кўра, қрим-татарларида болаларнинг тинч ухлаши, кучига куч

қўшилиши учун овқати ва нониға бўри бош чаноғи талқони қўшилган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Фарғона водийсида отамерос бўри бош чаноғини асраб йиймачилик (табиблик) билан шуғулланувчилар кучли ҳисобланган. Ахборотчи М. Султоновнинг маълумот беришича, улар бўрининг бош чаноғи воситасида кўз теккан, суқ кирган беморларни ёйиб даволашган (Дала ёзувлари, 2013 йил).

Зоминликларда кўп касал бўлган хаста болаларнинг бошидан табиблар бўрининг қуритилган бош чаноғини айлантириб, дуолар ўқиб даволаган. Ахборотчи Ғ. Норматов берган маълумотларга кўра, уйкусиз, уйкусида босинқирайдиган, алаҳсираб чўчиб уйғонадиган кишилар бўрининг қуритилган миясини талқон қилиб, нон талқонига қўшиб истеъмол қилишган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Бундай даво олган кишилар кундалик турмушда ҳар қандай ҳаётий воқеа ҳодисаларда ҳам гўёки қўркмасдан фаолият олиб боришган.

Академик А. Муҳаммаджонов маълумотларига кўра, чорвадор қавмларда оилада фарзанд дунёга келган кундан бошлаб, она ва гўдакни муҳофаза этувчи тотемнинг бош чаноғи ўтов эшигининг тепасига осиб қўйилган. Гўёки, бўрининг бош чаноғи она ва болани ёвуз кучлардан, ёмон назардан асраган. Ёзма ёдгорликларга кўра, “Агар ёллик бўрини бошини қўтоннинг эшиги тагига кўмса, ҳаргиз бўри йўламағай”. Бу ўринда табиат ҳукмдори бўрининг бош чаноғи чорва молларнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади.

Этнолог олим А. Аширов “бўри бош чаноғи уйнинг кираверишига осиб қўйилса, кўз тегмайди ва турли бало қазолар ушбу хонадонга зарар етказмайди, деган ният билдирган”лигини такидлайди (1-расм) (Аширов, 2007. 19 б.). Археолог олим М. Пардаев фикрига кўра, калла суяқларини эшик ва дарвозага осиб қўйиш билан аждодлар руҳи ёки тотем чақирилган (Пардаев, Гофуров, 2016. 264 б.) Бу ўринда бўрининг бош чаноғи гўёки оилага омад ва хотиржамлик олиб келган.

Бўрини овлаш ва ўлдириш асло яхшилик келтирмаслик тўғрисидаги азалдан мавжуд таъқиқ-табулар, Марказий Осиё халқлари ўтмишида ваҳший ҳайвонот дунёси олдидаги қўрқув оқибатида бўри билан боғлиқ табиат ҳукмдори култи мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Фикримизча, Узоқ Шарқ (Смоляк, 1976. С. 150-151) ва Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиши тўғрисидаги афсоналарда айик ёхуд бўри билан боғланишида табиат ҳукмдори култи ҳам қатта аҳамият касб этган. Бўрининг босган изидан ўлжасиз қайтмаслиги туфайли қўркмаслик, жасурлик, омадлилик рамзи ҳам ҳисобланган. Ахборотчи Бухожал онанинг айтишича, маълум бир душманга қарши юриш қилган ҳукмдорлар ҳам ўзлари билан бўри бош чаноғини олиб юришган (Дала ёзувлари, 2013 йил). Гўёки, бўри бош чаноғида ғалабанинг воситаси бўлган. Бу ўринда бўри бош чаноғи табиат ҳукмдори сифатида ҳукмдорларнинг жамиятдаги мавқеини ҳам белгилаганлиги кўринади. Шу ўринда қардош бошқирдларда “қабилла бошлиқлари, кейинроқ хонлар, баъзан оқсоқоллар ўз маъмурий ҳукуматининг тимсоли сифатида бўри боши рамзи туширилган белгини тақиб юрганлар” (Киреев, 1979. С. 26). Қадимги туркий қавмларнинг Кўк тангри раҳномалигида ижтимоий турмушда ҳукмронлигининг рамзи “байроқларидаги бўрининг олтин боши (Гумилев, 2007. 28 б.)” тимсолида тасвирланган, бўри тотемига эътиқод устуворлиги турк хоқонлари ўз ҳузурига келган элчиларни қабул қилишдан аввал бўри тасвири туширилган байроққа бош эгиб таъзим қилишни талаб этишганликларида ҳам намоён бўлади.

Этнолог Т.Д. Баялиева қирғиз халқининг эътиқодий қарашлари билан боғлиқ тадқиқотида тотем итнинг бош чаноғи билан боғлиқ қизиқарли маълумотни

келтиради. Қирғизларнинг қарашларига кўра, тотем ит табусига кўра, уни ўлдириш таъқиқланган, итга зарар етказган кишининг фарзанди рахит (итий) бўлиб туғилган. Рахит болани “даволашда” иссиқ сувга итни бошини солиб, етти кун давомида эрталаб болага ўша сувдан сепишган, сўнгра итнинг бош чаноғини тоза оқ матога ўраб қабристонга ёки одам оёғи тушмайдиган жойга кўмганлар (Баялиева, 1972. С. 19-20). Ит тотеми билан боғлиқ удумларнинг шарқ халқларидаги кўринишлари А.П. Окладников, С.П. Толстов каби етакчи мутахассислар томонидан ўрганилган бўлиб (Окладников, 1949. С. 360-361), фикримизча, итнинг бош чаноғи билан боғлиқ удумлар анъаналари ўтмишда бўри бош чаноғи “культ”и билан боғлиқ бўлган.

Ибтидоий қавмларда “ҳар қандай ҳайвоннинг руҳи бўлиб, ҳайвонни ўлдириш билан у йўқолмайди, агарда ҳайвон суяклари бир жойга йиғиб қўйилса, унга руҳ қайтади, ҳайвон қайтадан дунёга келиши” (Фрэзер, 1980. С. 49-63), ёки руҳнинг бошқа бир жонзот ёки ўсимликка кўчиб ўтиши ҳақидаги (Тайлор, 1989. С. 254-276) тушунчалар бўлган. Этнолог В.И. Чернецовнинг таъкидлашича, қайта дунёга келувчи руҳ айнан бош чаноғида яшайди (Чернецов, 1959. С. 114-156), деган тушунча мавжуд бўлган. Бўрининг бош чаноғини ва бошқа аъзоларини эъзозлаб асрашнинг асосида унинг қайта дунёга келиши дунёқараши турган.

Ўз даврининг илмий таҳлилига кўра, С.П. Толстов тотемизм юқори палеолит даврида пайдо бўлган, (Толстов, 1931. С. 92), деган хулосага келган бўлса, археология, этнология соҳаларидаги замонавий илмий ютуқларга асосланиб, этнолог В. Кабо “пастки жағ суяклари ва бош чаноғи “культ”и илк палеолит давридан шаклланиб, ҳар икки тана қисми эъзозланиб, магик удумларда кенг қўлланилган”лиги тўғрисидаги тўхтамга келган (Кабо, 2002. С. 112). Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқларининг ўтмишида хўжалик фаолияти асосида шаклланган маънавий маданиятнинг бир бўлаги бўлган бош чаноғи ва пастки жағ суяқларига этнологик тадқиқот объекти сифатида қаралиши мумкин. Ўзбек халқининг моддий маданиятида: молхона, кўтон эшиклари атрофида, тандир-ўчоқхонага киришда, баъзан уйлар остонасининг кўзга ташланадиган жойларга бўри жағи осиб қўйилганлигини кузатиш мумкин. Этнографик маълумотларга кўра, хомиланинг туғилиш жараёнини енгил ўтиши учун қанғиллар аёл панжасига бўрининг тиши ёки жағини боғлашади, андижонликлар чақалоқ бешигига бўри жағини илиб қўйишади. Иайман, юз, кўнғирот ўзбекларида (Бегматов, 2013. 93 б.), зоминликларда (Тўйчибоев, 2012. 192 б.) янги туғилган бола бўрининг жағ суяги орасидан ўтказиб олинган.

Шунингдек, Қ. Бердимуродов маълумотларига кўра, ўзбек турклари баъзи оилаларида бўрининг қуритилган оғзи териси авайлаб сақланган. Кўпфарзандли оилаларда чақалоқ дунёга келганда, бўрининг оғиз териси косадаги иссиқ сувда ивителиб, янги туғилган бола бўри оғзи терисидан ўтказилиб олинган (Дала ёзувлари, 2016 йил). Мазкур расм-русумлар мажмуида кишилар одатда чақалоқни “Бўри оғзидан олиб колдик, энди унга ўлим яқинлаша олмайди, умри узоқ бўлади”, деган эътиқодга таянганлар. Баъзан чақалоқ бор уйда бўри суяги парчаси тумор сифатида сақланган ва уни инс-жинслардан асрайди деб ҳисоблаганлар.

Ўзбек халқида “бўри ўз овулида ов қилмайди”, деган нақл бор. Ахборотчи Д. Абдураимовнинг маълумотига кўра, тажрибали чўпонлар бўри уяси бор жойни аниқлаб унинг атрофида қўйларни боқишган. Сабаби бўри ўз уяси атрофида қилмас экан. У бир отар нарига бориб ов қилар экан. Бўри ҳар тўғри келган жойга ин

курмаган. Унинг уясида атроф яққол кўриниб турган. Шабадали, баҳаво ва қулай жой танланган. Ушбу уяда бўрилар авлодлари, ҳаттоки бир неча асрлар давомида яшашган (Дала ёзувлари, 2017 йил). Табиий ва бошқа омиллар туфайлигина бўрилар бошқа жойдан ин қуришган.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин. Удумий қарашларга кўра, бўри тириклигида тотем ҳисобланса, ўлдирилган бўрининг турли аъзолари борлиқ табиатнинг бир қисми сифатида ўзига хос фетишга айланиб (Тайлор, 1989. С. 338) магик (баъзан анимистик У.А.) ва бошқа вазифаларни бажарган. Хўжалик фаолияти ва хўжалик эътиқоди тарзида ҳатто турли аъзолар ўзига хос “культ” бўлган. Ибтидоий овчи-термачилар жамоасининг ўзлаштирама хўжаликка асосланган ижтимоий турмуши табиат инъомлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, кундалик турмушдаги муҳтожликлар зооморф тимсоллар билан боғлиқ кадрятларни шаклланишига сабаб бўлган. Зотан археологик маълумотлардан маълумки, иқлимий омиллар, ер рельефидаги ўзгаришлар, ландшафтларнинг шаклланиши тадрижий жараёнларида неандерталларнинг 60 фоизи йўқ бўлиб кетган. Юқори палеолит даврига келиб овчилар жамоанинг эҳтиёжларини қондириш учун 100-120 чақирим бўлган масофада ов қилишга мажбур бўлганлар. Овчи-термачи жамоаларининг хўжалик фаолияти ва хўжалик “культ”и асосида шаклланган табиат ҳукмдори “культ”и, бўрининг ўлиши ва қайта туғилиши тўғрисидаги дунёқарашлар бош чаноғи ҳамда жағ суяги билан боғлиқ удумларда намоён бўлиб, улар асосида маҳсулдорлик маросимлари ва култи мажмуи шаклланган. Маҳсулдорлик эътиқоди мажмуи овчи-термачилар томонидан табиатга етказилган зарарни қоплашга қаратилган бўлиб, этноэкологик аҳамият касб этади. Инсон ҳамда табиат инъомлари, хусусан ҳайвонот оламининг узвий униб урчишига қаратилган. Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган кўпқари ўйинининг вужудга келиши манбаларининг таҳлили асосида С.П. Толстов унинг илдизларини эркак тотем-бўри, аёл тотем-эчки сифатида намоён бўладиган тотем-тўй марсимларига (Толстов, 1935. С. 14) бориб тақалиши сифатида баҳолаши ҳақиқатга яқиндир. Кўпқари ўйинлари овчиларнинг ови бароридан келган қиш мавсумида ўтказилган, маҳсулдорлик эътиқоди билан боғлиқ тантана сифатида шаклланишида бўри тотеми ўзига хос ўринга эга бўлиб, фикримизча, хўжалик фаолияти, хўжалик юритишда, хўжалик йили ҳисобида муҳим ўрин тутган. Маҳсулдорлик эътиқоди маросимлари йил мавсумининг маълум бир вақтида ўтказилиши йил ҳисоби шаклланганлигидан далолат беради. Ибтидоий овчиларнинг иқтисодий-ижтимоий турмуши табиатдаги мавсумий алмашилишлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, этнологик маълумотларга кўра, аниқ вақтда маълум бир ҳудуддан иккинчисига кўчишганлиги ҳам уларда йил ҳисоби бўлганлиги, экологик хўжалик юритганлигидан далолат беради. Ибтидоий овчи-термачилар жамоаси ердаги ҳаётнинг ибтидоси қуёшнинг борлигидан эканлигини англаб етишган. Узоқ Шарқ халқлари, масалан, тувалик тожинцларда айиқнинг бош суягини (жағ суяги билан) кедр ёки қайин дарахтига қуёш ботиши тарафига қаратиб боғлашса (Алексеев, 1980. С. 123-124), эвенкларда айиқнинг бутун суяқларини йиғиб, манзилгоҳдан ғарб томонга кетишган ва бош чаноғини шарққа қаратиб қўйишган (Василевич, 1972. С. 161-162). Бу удумларда ўлувчи ва қайта тирилувчи табиат “культ”и қуёш ва самовий ёриткичлар билан узвий боғлиқлиги номоён бўлади.

Уструшона аҳолиси эътиқодига кўра, “отарига бўри оралаган чорвадорларда – “жондор ҳақиға келибди”, ёки бўлмаса бўрини ўз номи билан аташмай “жондор”, “қорачқўл”, “қашқир” ибораларини қўллашади” (Пардаев, Ғофуров, 2016. 264 б.). Ақида бўйича бўрини ўз номи билан аташ ёмонликка олиб келади, шу сабабли тунда бўри ўз номи билан аталмаган. Бу ўринда бўри ёвуз табиат ҳукмдори култи сифатида намоён бўлади.

Марказий Осиёда бўрининг бош чаноғи култи жағ суяги билан боғлиқ маросимлари узок ўтмишдан шаклланганлигини Олтинтепа манзилгоҳи ибодатхонасининг ғарбий қисмидан топилган зооморф ҳайкалларда ўз аксини топган. Уларда ҳайвонларнинг бош қисми тўлиқ акс этиб, олтиндан ясалган бўрининг боши (баландлиги 1,5 см) ва ҳўкиз боши (баландлиги 7,5 см)(Массон, 1981. С. 65) ишлаб чиқарувчи ҳўжалик, урбанизацион жараёнлар тараққийси даврида ҳам бўри бош чаноғи “култ”и маҳсулдорлик маросими ва эътиқодидида кучли аҳамият касб этганидан далолат беради.

Бўри тимсоли билан боғлиқ моддий маданият ёдгорликлари Ўрта Осиёдан кўплаб топилган. Масалан, XX аср бошларида (1907 й.) Қувондарёдан иккита тилла билаг узук топилган бўлиб, бирида айни Сибир услубида тасвирланган от, иккинчисида бир неча бошли бўрининг тасвири бўлган (Толстов, 1964. 151 б.). 1951 йилда Тошкент вилояти Бекобод туманидаги археологик қазилмаларда, эркак ва аёл мингашган чўлоқ бўри ҳайкали топиб ўрганилган. Шунингдек қадимги Уструшона давлати пойтахти Бунжикатнинг халқ орасида Қалъаи Қаҳ-қаҳа, деб ном олган харобаларида 1966 йилда олиб борилган археологик қазилмаларда ҳукмдор саройи деворида яхши сақланган она бўри икки нафар болани эмизиб турган тасвири топилди (Негматов, 1968. С. 21-33) (2-расм). Моддий маданият наъмуналари исломга қадар этномаданиятнинг турли жабҳаларида бўри тимсоли етакчи эътиқодий қарашлардан бири бўлганлигидан далолат беради. Бўри бош чаноғи билан боғлиқ удумий анъаналарда баъзан шомоний, баъзан исломий омиллар намоён бўлиб, маҳсулдорлик маросим “култ”ининг трансформацион ўтмишидан далолат беради.

Узоқ Шарқ халқлари айиқнинг суяклари ва бош чаноғини асраганлиги каби, (Василевич, 1972; Смоляк, 1976; Алексеев, 1980; Спеваковский, 1988) Марказий Осиё халқларининг бўри бош чаноғини асраши удумлари мажмуи ибтидоий овчилик анъаналарига кўра, маҳсулдорлик маросими ва “култ”и бўлганлиги тўғрисидаги тушунчалардан далолат беради. Зомин, Шаҳристон, Жиззах, Форишлик ўзбек турклари “қаерда тоғ бўлса ўша ерда турклар бор” дейишади. Ўзбек туркларида тенгдошлар бир-бирини ёки катта ёшлилар ёш болалар, ўсмирлар ёки йигитларни эркалаб, олқишлаб исмининг ўрнида бўри боласи, деб мурожаат қилишади. Қадимий туркий қавмлардаги она бўрига, шунингдек, ота бўрига топиниш, келиб чиқишини боғлаш, аждод сифатида қараш билан боғлиқ афсоналар (Бичурин, 1950; Гумилев, 2007; Муртоз Ўроз, 1991. № 6; Короглы, 1976) мифологияси замирида бўрининг келиб чиқишини осмон билан боғлашиб, фикримизча, узок ўтмишда у тоғ худоси фарзанди ҳам ҳисоблангандир. Шу сабабли, бўри ҳосилдорлик, униб-урчиш, серпуштлик ҳомийси бўлганлигини исботлайди. Шунингдек, Марказий Осиё халқларида тоғларни улуғланиши замирида унинг аждодлари дастлаб тоғларда яшаганлиги, тоғу тошлар ҳукмдори бўрининг фарзанди эканликлари билан ҳам изоҳланади.

Ўзбек халқи этномаданиятидаги турли ҳайвон – жонзотларнинг бош чаноғи “культ”и билан боғлиқ удумий анъаналарнинг келгусидаги этнологик таҳлили узок ўтмишдаги ижтимоий турмушни, диний дунёқарашини моддий маданиятимизни янада чуқур англашимизга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Авеста. “Видевдат” китоби. М. Искоқов таржимаси. Тошкент, 2007.
- Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. Новосибирск, 1980.
- Алибеков У. Ўзбек халқининг анъаналари тизмида “чилла” этнологик удумининг астрономик билан боғланиши хусусида // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар. Республика илмий-амалий анжумани. Мақолалар тўплами. Термиз, 2010.
- Аширов А. Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари. Тошкент, 2007.
- Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Фрунзе, 1972.
- Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том 1. М.-Л., 1950.
- Бўриев О., Шоймардонов Н., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Тошкент, 1995.
- Василевич Г. М. О культурах медведя у эвенков // Религиозные представления и обряды народов Сибири в XIX—начале XX века. Сборник Музея Антропологии и этнографии. XXVII. Л., 1972.
- Гумилев А.Н. Қадимги турклар. Тошкент, 2007.
- Джабборов Н., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. Тошкент, 1993.
- Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. Отв. редакторы: Снесарев Г.П., Басилов В.Н. М., 1975
- Жўраев М. Сехрли рақамлар сирлари. Тошкент, 1991.
- Нсмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. Тошкент, 1992.
- Кабо Владимир. Круг и крест. Канберра, 2002.
- Киреев А.Н. Башкирский народный героический эпос. Уфа, 1979.
- Короглы Х. Огузский героический эпос. М., 1976.
- Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том 18. Л., 1981.
- Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент, 1993.
- Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 2001.
- Муртоз Ўроз. Турк асотирлари // Сирли олам. 1991.
- Навоий даври табобати. Таржимон муҳаррир Махмуд Хасаний, Каримова С. Тошкент, 1991.
- Негматов Н.Н. Эмблема Рима в живописи Уструшаны // ИАН Тадж.ССР. ООИ. -№2 (52). 1968.
- Окладников А.П. История Якутии. Том I. Якутск, 1949.
- Пардаев М.Х. Қўй ва бўри руҳига сиғинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1995. № 5-6-7-8.
- Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.Н. Уструшонаннинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. Тошкент, 2016.
- Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и предметах узбеков // КСИЭ АН СССР. Вып. XXX. М., 1958.
- Потапов Л.П. Героический эпос алтайцев // СЭ. М., 1949.
- Смоляк А.В. Представления нанайцев о Мире. Природа и человек в религиозных представлениях народов Сибири и Севера (вторая половина XIX - начало XX в.). Л., 1976.

- Соатова С.А. Зооморф тнмсоллар билан боғлиқ анъаналарнинг ўрганилишига доир // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари. Республика IV илмий-назарий конференция материаллари. 4-илмий тўплам. [Тошкент давлат шарқшунослик институти: маъсул муҳарир М.М. Исҳоқов]. Тошкент, 2012.
- Спеваковский А. Б. Духи, оборотни, демоны и божества айнов. М., 1988.
- Табышалиева А. Вера в Туркестане. Бишкек, 1993.
- Тайлор Э.Б. Первобытная культура. М., 1989.
- Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX-начало XX вв). Алма-Ата, 1991.
- Толстов С.П. Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен // ПИДО. 1935.
- Толстов С.П. Қадимга Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.
- Троицкая А.Л. Первые сорок дней ребёнка (чилья) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда. Сб. «В.В. Бартольд». Тошкент, 1927.
- Туркий тибнома. Иашрга тайёрловчи Холида Мирфайз қизи, Сайфиддин Рафъиддин, Тошкент, 1992.
- Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. Toshkent, 2005.

Дала тадқиқотлари:

- Дала ёзувлари 2013 йил. Сафаров Чори, 1968 йилда туғилган Самарқанд вил., Пастдоргом тумани, Окмангит қишлоғи; Ғуломжон Хабибуллаев, 1936 йилда туғилган, Сирдарё вил., Оқолтин тумани, Сардоба қфй, Ғ. Ғулом маҳалласи, Жабборов кўчаси.
- Дала ёзувлари, 2013 йил. Мавлонов Умид, 1969 йилда туғилган. Сирдарё вил., Гулистон ш. Фарход, 15.
- Дала ёзувлари, 2013 йил. Иброҳим Худойшукуров, 1955 йилда туғилган. Жнззах вил., Янгиобод тумани, Хўжамушкент қишлоғи.
- Дала ёзувлари, 2013 йил. Файзиев Тўракул, 1933 йилда туғилган. Жнззах вил., Янгиобод тумани, Баландчақир қишлоғи.
- Дала ёзувлари, 2013 йил. Эрбўтаева Ўғилой, 1955 йилда туғилган. Сирдарё вил. Гулистон шаҳар, Улуғобод кўрғони.
- Дала ёзувлари, 2013 йил. Гулайша Ғаниева 1932 йилда туғилган. Сирдарё вил., Боёвут тумани, 3- Боёвут ш/у, 4- бўлими.
- Дала ёзувлари 2013 йил. Султонов Машраббой 1946 йилда туғилган. Наманган вил., Уйчи тумани, Қизилрабоб қишлоғи, Шифокор маҳалласи, 9-уй
- Дала ёзувлари, 2013 йил. Йорматов Ғани 1957 йилда туғилган. Сирдарё вил., Боёвут тумани, 3- боёвут ш/у, А.Темур мах. Хабибуллаев Ғуломжон 1936 йилда туғилган. Оқолгин тумани, Сардоба шаҳарчаси, Ғ.Ғулом маҳалласи, Жабборов маҳалласи, 7-уй.
- Дала ёзувлари, 2013 йил, Фарғона вил., Бағдод тумани, Боғишамол қишлоғи, Бухажол Абдуқодирова, 1933 йилда туғилган.
- Дала ёзувлари, 2016 йил. Бердимуродов Қ. 1963 йилда туғилган. Сирдарё вил., Боёвут тумани, 3- боёвут ш/у, А.Темур мах. Пахтаобод кўчаси 6-уй.
- Дала ёзувлари, 2017. Саматова Дилрабо, 1985 йилда туғилган. Сирдарё вил. Сайхунобод тумани Ш.Рахимов СФУ. Қуловул маҳалласи.
- Дала ёзувлари, 2017 йил. Абдураимов Дилшод. 1972 йил. Гулистон ш. Истиклол маҳалласи 6-уй.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИИБАРИ

ТРИБУНА МОЛОДОГО
ИССЛЕДОВАТЕЛЯ

YOUNG RESEARCHER
TRIBUNE

УДК: 904 (711.4)

БУРҒУЛИК ВА ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТЛАРИГА ХОС АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАР

© 2017. О.У. Иномов

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети

Калит сузлар: Тошкент воҳаси, Сугд, Фарғона водийси, Мовароуннаҳр, Бурғулик маданияти, Қовунчи маданияти, Жетиасар маданияти, Эйлатан маданияти, Шоштепа ёдгорлиги, сопол буюмлар.

В данной статье рассматриваются соотношение и генетическая связь памятников Шахтепа, культуры Каунчи и Бургулик. А также анализируются I, II, III этапы развития культуры Каунчи, комплексы строительных и керамических материалов.

THE MAIN FEATURES OF BURGULIK AND KOVUNCHI CULTURES

O.U. Inomov

This article refers to the genetic relations and periodical harmony of Burgulik, Kovunchi culture and Shoshtepa memorial. In addition, it deals with the analysis of the division of 1, 2, 3 levels of Kovunchi culture, construction and collection of potteries.

Тошкент воҳаси этномаданий тарихида Бурғулик маданияти минтақанинг сўнгги бронза ва илк темир даври қадимги дехқончилик маданияти сифатида ўрганилган.

Бурғулик маданиятининг даврий санаси мил. авв. IX-IV асрларни ўз ичига олиб, у ўз навбатида икки босқичга бўлинади. Бурғулик I мил. авв. IX-VII асрлар, Бурғулик II эса мил. авв. VI-IV асрларга тегишли бўлиб, бу давр аҳолиси моддий маданиятида меъморчиликнинг бирор белгиси кўзга ташланмайди, аҳоли асосан ертўла шаклидаги кулбаларда яшаган. Кулоллик маҳсулотлари қўлда ясалган дағал ясалган сопол идишлардан иборат бўлган. Уларнинг тури жуда чекланган бўлиб, ости овал коса ва нимкосалар, кулоксиз хумча ва кўзалар, қўшқулокли кўза ва хурмачалар, новсимон жумракли, қорни кенг хумчалардан иборат. Улар бир ярусли маҳсус кўраларда пиширилган. Идишларнинг сирти нимранг қизғиш ангобли, ва мўрт ҳолатда пиширилган. Бурғулик маданияти сохибларининг асосини ўтроқлашган маҳаллий саклар ташкил этади. Бурғулик маданияти вакилларининг сополлари шакл жиҳатидан қадимги Фарғонанинг Чуст ва Эйлатан маданиятлари кулоллик маҳсулотларига ўхшаб кетади. Чуст маданиятининг сўнгги босқичи ва Эйлатан маданияти ёдгорликларида ҳам ғиштдан уй-жой ва мудофаа иншооти қуриш пайдо бўлади. Чуст маданиятига тегишли хом ғиштларнинг ўлчами 55x30x10-12; 40-42x20x? см. (Спришевский, 1972. С. 228). Шунингдек, Бурғулик маданиятининг Туябўғиз манзилгоҳларидан ҳам хомғиштдан қурилган девор излари қайд этилган. Ғиштларнинг ўлчами 40-43x24x12 см. (Дуке, 1981. С. 449).

Бурғулик маданиятининг Бурғулик II босқичи қадимги Тошкент воҳасининг Шоштепа ёдгорлиги мисолида яхши ўрганилган. Ёдгорлик стратиграфияси Шош I (мил. авв. VI-IV асрлар), Шош II (мил. авв. III аср), Шош III (мил. авв. II-I асрлар), Шош IV (милодий I-III аср бошлари), Шош V (III аср бошлари—VI аср), Шош VI

(VII-VIII асрлар) босқичларга бўлинган. Агар Шоштепа даврий босқичларини Қовунчи маданияти босқичлари билан қиёслаганда қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин. Шош-I—Бурғулик маданиятининг II-босқичига замондош, Шош-II ўтиш даври, Шош-III—Қовунчи-I га, Шош-IV—Қовунчи-II А га, Шош-V—Қовунчи-II Б га, Шош-VI эса Қовунчи-III га хронологик жиҳатдан тўғри келади.

Аммо, ёдгорликнинг Шош I ва Шош II босқичларида қурилиш материаллари учрамайди. Улар фақат Шош III босқичидан бошлаб учрайди. Кулоллик маҳсулотлари ва турар-жойлар характерига кўра, Шош I босқичи мутлақо Бурғулик маданиятига тегишли, Шош II босқичида барча соҳаларда Бурғулик анъанаси давом этган ҳолда, сопол идишлар комплексида ўзга этник гуруҳларнинг яъни, Сирдарёнинг қуйи оқимида шаклланган Жетиасар маданияти вакилларининг таъсири кўзга ташланади (Филанович, 1983. С. 133). Булар паст бўйли кўшқулоқли кулранг-қора сопол қозонлар, ясситубли бўйдор қулоқли кулранг-қора кўзалар ва бошқалар бўлиб, улар сармат қабилалари моддий маданиятига хос сополлар ҳисобланади. Сарматларнинг Жетиасар маданияти кўринишида Тошкент воҳасига кириб келиши Шоштепа стратиграфиясида мил. авв. III аср бошларига тўғри келади. Улар аста-секин маҳаллий Бурғулик аҳолиси билан қоришиб, Қовунчи маданиятини таркиб топишига олиб келган. Демак, Шош II босқичи (мил. авв. III аср) Бурғулик маданиятидан Қовунчи маданиятига ўтиш даврини характерлайди. Айнан шу ўтиш даврида, Қовунчи маданиятига хос элементлар (Туябўғиз манзилгоҳларида учрайди хом ғишт девор излари ҳамда антропологик материаллар сериясида Жетиасар одамлари типи) пайдо бўла бошлайди. Шош III босқичи эса тўлиқ Қовунчи маданиятининг шаклланган даври бўлиб, Шош III комплекси, Шош I ва Шош II босқичларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос компонентлар билан характерланади (Филанович, 1983. С. 134).

1) Моддий маданиятда меъморий-қурилиш массиви пайдо бўлади. 2) Моддий маданиятда оддий қишлоқдан тубдан фарқ қилувчи монументал муҳофаа комплекси шаклланади. 3) Моддий маданиятда туб сифат ўзгаришлари юз беради. 4) Аҳоли таркибида кўп компонентли этник гуруҳлар қоришмаси асосида янги антропологик тип, яъни ўзбек халқига хос “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи”га асос солинади. 5) Шаклланган янги этнос етакчилигида ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ҳарбий-сиёсий давлат конфедерацияси, яъни Қанғ давлати таркиб топади.

Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида таркиб топган Қовунчи маданияти ўз навбатида учта хронологик босқичларга бўлинади:

1) Қовунчи I, унга хос характерли хусусиятлар: инновация сифатида моддий маданиятда меъморий қурилиш мажмуаси, монументал муҳофаа иншоотлари пайдо бўлади, археологик комплекс таркибида туб сифат ўзгаришлари юз беради, маҳаллий аҳоли орасига чорвадор туркий тилли этник гуруҳларнинг кириб келиши жадаллашади.

Кулолликда туб ўзгаришлар юз беради (Буряков, 1982. С. 72-74): сополлар мутлақо қўлда ясалган, Бурғулик маданияти кулолчилик маҳсулотларидан фарқли ўлароқ, сопол идишларнинг ости текис, ялпоқ. Идишлар турининг кўпчилиги тиниқ қизғиш оқиш ангобли, унинг устига тарам-тарам жигарранг ёки қора ранг оқизилган. Улар бўйдор хум ва хумчалар бўлиб, уларнинг бўйин қисми торроқ, ёқасимон лаби бироз ташқарига қайрилган, баъзида елкасига хочсимон ёки кўшқават учбурчак шаклида тамға босилган.

Кўзалари бўйдор, бир дастали, баъзида дастаси ҳайвон қиёфасида ишланган. Дастасининг қарама-қарши томонида кўзага жумрак ёпиштирилган. Бундай кўзалар сиртига қора рангда безак берилган, баъзида рангли нақш тўлқинсимон шаклда тасвирланган. Учинчи хил идишлар оғзи кенг ва ости текис хурмачалар бўлиб, уларнинг елкасига кичкина кўшалок даста ишланган. Устки қисмига худди кўзалардек рангли нақш берилган. Сополлар мажмуасида сопол қозонлар жуда кўп. Улар қўшқулокли, қорни чиққан, сферик шаклда, кўпол, сирти коп-қора, куйган. Уларнинг аланга теккан қисмлари жигарранг оч-қизғич кўринишда. Дастаси арконсимон ёки кўчқор шохли ҳайвон қиёфада ишланган. Бу турдаги сопол қозонлар сармат қабилаларининг Прохоров маданиятининг бир қулокли сопол қозонларига ўхшаб кетади.

Қовунчи I сополлари орасида зооморф дастали кружкалар кўплаб учрайди. Уларнинг қорин қисми шарсимон, елкадан юқориси бироз ташқарига қайрилган ёки тик кўтарилган. Кружкалар орасида цилиндрик шаклдаги нусхалари ҳам учрайди. Кружкалар дастасининг юқори қисми ҳайвон фигураси билан яқунланган. Кенг тарқалган сопол идишлардан яна бири елкадан пасти конус шаклидаги косалар бўлиб, уларнинг оғзи кенг, ялпоқ туби торроқ, елкаси конуссимон танасидан ажраб туради. Баъзида улар орасида қўшқулокли нусхалари ҳам учрайди.

Қовунчи I даврининг характерли сопол буюмларидан сувдонлар, сопол товалар, исирикдонлар, чирокдонлар, копкоқлар, қозон тагликларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар орасида шохдор кўчқор боши кўринишдаги буюмлар ҳам мавжуд. Уларда ҳайвонларнинг реал тасвири дид билан чиройли тарзда ифодаланган.

Қовунчи I комплекси меҳнат ва ҳарбий қуроқларининг асосини тош ёрғучоқлар, тошқели соплари, тўқимачилик дастгоҳининг осма тошлари, қайроқтошлар, палахмон тошлари, руда казиш ва янчиш тош гурзилари, кундалик турмуш буюмлари, таркиби ва материаллари турфа хил бўлган ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар ташкил этади. Бу даврда темирдан ишланган меҳнат ва ҳарбий қуроқлар кенг ёйилган. Улар бир тиғли ёйсимон темир пичоқлар, ханжар, катта ва кичик хажмдаги уч парракли темир пайконлар, игна, бигиз ҳамда тери ошлаш тошлари бўлиб, пайконларнинг асоси учи тиғли, бигизсимон шаклда ясалган. Бундай темир пайконлар Ўрта Осиёнинг антик давр чорвадор қабилалари ҳамда сармат қабилаларининг Жетиасар ва Прохоров маданияти ёдгорликларида кенг тарқалган. Булардан ташқари, комплексда темир омовчи тиши, қармоқ, занжир, от эгаржабдуғининг қисмлари ва айилрининг тўқалари кенг кўламда учрайди.

2) Қовунчи II даврида монументал меъморчилик ва муҳофаа тизими ривожланишда давом этади. Бу давр меъморчилиги комплексида арк пайдо бўлади. Масалан, Шоштепада Шош III (Қовунчи I) босқичи айлана девори устида янги (Шош IV—Қовунчи II А) даврининг пахсадан қурилган тўғрибурчак шаклидаги қад кўтаради (Филанович, 1983. С. 59-60).

Арк деворлари қўшимча ички қурилмалар билан 4 метргача қалинлашади, коридорлар хоналарга айлантиради. Аммо, Қовунчи II Б (Шош V) даврида хоналар хом лойга тўлдирилиб, арк ташқи девори ичида пахса платформаси ҳосил қилинади. Унинг устида Қовунчи II Б даврининг янги монументал комплекс қурилади. Бу комплекс аввалги арк ташқи деворини қамраб олиб, тўғрибурчак шаклида маҳобатли янги арки қад кўтаради. Натижада аркнинг ташқи девори 6 м.га қалинлашади, ташқи девор устида кенг майдон ҳосил бўлиб, у жой, душманга

қарши палахмонтош отиш қурилмаси, яъни манжанақ учун майдон вазифасини ўтаган.

Арkning турли горизонтларидан топилган сополлар кўза ва хурмача, хум ва хумча, коса ва қапқоқ, тава ва зооморф дастали кружка, новвосбошли қозон таг курсиларидан иборат бўлиб, улар Тошкент воҳаси, Жанубий Қозоғистон ва Шимолий Фарғона водийсининг Қовунчи II босқичи ёдгорликларида кенг учрайди (Филанович, 1983. С. 60-61). Бу даврда айниқса сопол қапқоқлар тайёрлаш кенг кўламда ривожланади. Идишлар нақшида бўртма-қаварик, бармоқ изли босма гуллар солиш авж олади. Улар идиш сиртига лой лента ёпиштириш асосида солинган нақшлар бўлиб, ҳатто арқонсимон ёпишма гуллар кўза ва хурмача, кружаларга ҳам ёйилган. Қовунчи II босқичи учун энг муҳим инновацион ўзгаришлардан бири кулолликка секин айланувчи қўл чархини кириб келиши бўлди. Натижада, аввалги кўпол ишланган идишлар ўрнини, эндиликда нисбатан хушбичим, юпка идишлар эгаллади. Сопол идишлар комплексида аввал маълум бўлмаган, Жетиасар маданиятининг милодий II-III асрлар комплексига хос кенг бўғизли, бўғзи тарам-тарам новли, бир қулоқли кўзалар пайдо бўлади (Буряков, 1982. С. 75-76). Арқонсимон нақшли идишлар кўпайиб, улар орасида қора ва қизил ангоб билан пардозланган идиш хиллари кўпчиликини ташкил этади. Унинг устини қуюқ ранг ёрдамида тарам-тарам гул билан қоплаш анъанага айланади. Кулолчиликда Жетиасар маданияти таъсири кўзалар бўғзида тарам-тарам нақшларнинг пайдо бўлиши ва кунгира гулли жумракли идишларнинг кенг ёйилиши билан боғлиқ бўлиб, бундай идишлар IV-V асрларда кенг тарқалади (Левина, 1966. С. 89).

Бу босқичнинг яна бир муҳим белгиси – бўйдор хурмача ва кружалар дастасини реал ҳайвон шаклда ясаш кенг кўламда ривож топади. Сирти тўлқинсимон чизма нақшли бир дастали кўзалар пайдо бўлади. Илк бор лагансимон идиш ёки босма бармоқ изли гуллар солинган сопол дастурхонлар пайдо бўлади (Филанович, 1983. С. 61). Бундай гулли оёқли дастурхонлар Суғд ва қадимги Фарғонанинг VII-VIII асрлар сополлар мажмуаси учун ҳам характерлидир (Филанович, 1983. С. 62).

Қовунчи II даврида металлургия ва металл ишлаб чиқариш ривожланади. Масалан, Кулота арки ва шахристониди, Қовунчи I нинг охири ва Қовунчи II даврида руда эритиш қўралари, руда бўлаклари ва тошқоллар учрайди. Улар Кулотада ярим-метал (мис ва кумуш рудаси) эритиш билан боғлиқ устахоналар фаолият кўрсатганидан далолат беради. Кадовадтепа ёдгорлигининг металлургия устахоналарида цилиндр шаклида қурилган темир руда эритиш қўралари бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Бу устахоналарда темир қиличлар, бир тиғли пичоқлар, уч ва тўрт парракли темир пайконлар, от асбоб-анжомлари, қайиш камар тўқалари, бронза ойналари, турли хил тақинчоқлар, олтин исирғалар, мунчоқ ва туморлар, кумуш ва бронза узуклар, цилиндр шаклдаги муҳрлар ишлаб чиқарилган. Муҳрларнинг юзасида ҳайвон суратлари ва турли ўсимликлар тасвири солинган. Тошдан ёрғучоқлар, қўл тегирмон тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг осма тошлари, урчуктошлар, қайроқтошлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар ясаш кенг тус олган.

3) Қовунчи III комплексида монументал меъморчилик ва мудофаа тизими янада ривожланишда давом этади. Шахристон атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Воҳанинг йирик шаҳарларида урбанистик жараёнларнинг жадаллашгани боис, шаҳарда иккинчи шахристон ҳам таркиб топа бошлайди. Бу ҳолатни Қанқа шаҳар ёдгорлиги мисолида кўришимиз мумкин.

Воҳада мил. авв. III асрдан эътиборан, деҳқончилик маданиятининг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда бошланган илк шаҳар ҳаёти хунармандчиликнинг турли соҳаларини юксалишига, табиий ер ости хомашё бойликларининг ўзлаштирилишига, биринчи навбатда, тоғ саноатини ривожланишига олиб келади. Қовунчи II давридан бошлаб (милодий I минг йилликнинг бошларидан) мис ва қумуш, темир ва олтинга бой яримметалл руда конларини ўзлаштириш бошланади. Дастлаб уларни кончилар оддий усулда, ер юзасига чиқиб қолган ҳолатларда ўзлаштирадilar. Рудаларни эритиш дастлаб руда конлари яқинида олиб борилади. Секин аста уларни ўзлаштириш учун махсус ихтисослашган конлар пайдо бўлади. Бу ихтисослашган конларга Шовгаз, Кадовадтепа, Тошбулоқ, Кулота ёдгорликларини киритишимиз мумкин.

Қовунчи III давридан бошлаб тоғ кон саноати ихтисодиётнинг асосий йўналишига айланади. Руда қазил, янчил, рудани махсус кўраларда эритиб, соф металл хомашёси олиш, ундан меҳнат ва ҳарбий қуроллар яшаш, шунингдек, тоғ кон саноатида меҳнат тақсимоли бошланади, яъни металлургия ишлаб чиқаришда ихтисослашиш жараёни жадал кечади. Оҳангарон водийсида металл ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тункет шаҳрига ўхшаш шаҳарлар пайдо бўлади. Воҳанинг ҳар бир катта ва кичик шаҳарларида, қишлоқларида металлургия билан боғлиқ ҳаёт жадаллашади. Металлургия билан боғлиқ савдо-сотик ривожланади, танга пуллар зарб этиш йўлга қўйилади.

Антик даврга хос (Қовунчи I ва Қовунчи II босқичларига хос) майда зооморф ва антропоморф сюжетли терракота ҳайкалчалар таркибида ҳам ўзгаришлар юз беради, яъни Қовунчи III даври қатламларида катта ҳажмли ҳайкалсозлик, шунингдек, ибодатхона ва аслзодалар қасрлари мажмуаси беағида зооморф ва антропоморф сюжетли бўртма-қоварик ҳайкалсимон фризлари пайдо бўлади. Масалан, Қанқадан топилган йиртқич тўнғиз қиёфада тасвирланган ҳайкал ёки Қанқанинг илк ўрта асрларга тегишли шимолий тепалигидан топилган, ғишт-тахтача юзасига ишланган бўртма терракота ҳайкалчани кўриш мумкин. Терракотада 34x16 см. ҳажмда тик турган аёл тасвири ишланган. Унинг бошида тож, эғнида қалқон бўлиб, аслида бу ҳайкалча эллин маданияти таъсирида ишланиб, унда қанотларини ёйиб турган афсонавий маликаси тасвирланган. Ҳайкалда аёлнинг чўзинчоқ юзига монанд бодом қовоқ кўзлари ва бироз оғзини очиб, табассум билан боқиб туришини кўриш мумкин. Ҳайкалча сал қирғийбурун, тангалардаги Чоч малики тасвирига ўхшаб кетади. Унинг кичкина қулоқларида ҳалқасимон исирға, ўзи эса енгил кафтан устидан қалин оғир мато ёпинган. Кийимининг этагида чопиб бораётган эчки тасвири ишланган, оёқларида қўнжи қайрилган маҳси, қўлларида удга ўхшаш мусиқа асбоби. Бу ноёб топилма Чоч маликлари саройи пештоқиға ишланган терракота фризининг бир бўлаги бўлиши мумкин. Бу ноёб санъат асарини топилган жойига кўра, унинг даврий санасини милодий I минг йилликнинг ўрталари билан белгилаш мумкин (Абдуллаев, 1974. С. 44).

Қанқада овал шаклида терракота тахтача топилган, унинг юзасида арка остида ўтириб, қўлида уд мусиқа асбобини тутган аёл киши тасвири ўз аксини топган. Бу ҳам айнан шу даврга тегишлидир.








Қанқадан яна бир терракота тахтача топилган бўлиб, тахтачада найзасимон арка остида қўлида ўқ-ёй тутган суворий тасвирланган. Мусаввир суворийнинг олдинга қаратиб тасвирлаган. Унинг гавдиси отдан каттароқ, бўлиб от устида тик ўтирибди, сал узунчоқ юзли, чўққи соқолли. Бошида дурлар билан безатилган диадема - уч

Бурғулик, Қовунчи маданиятлари ва Шоштепа ёдгорлигининг даврий мутаносиблиги жадвали

даврий саналар	Бурғулик	Қовунчи	Шоштепа
мил. авв. IX аср	Бурғулик маданияти I боскич даври		
мил. авв. VIII аср			
мил. авв. VII аср			
мил. авв. VI аср	Бурғулик маданияти II боскич даври		Шоштепа I боскич даври
мил. авв. V аср			
мил. авв. IV аср			
мил. авв. III аср			Шоштепа II боскич даври
мил. авв. II аср		Қовунчи маданияти I боскич даври	Шоштепа III боскич даври
мил. авв. I аср			
милодий I аср			Қовунчи маданияти II боскич даври
милодий II аср			
милодий III аср		Қовунчи маданияти III боскич даври	
милодий IV аср			
милодий V аср			
милодий VI аср			
милодий VII аср			
милодий VIII аср			
милодий IX аср			

Бурғулик, Қовунчи маданиятлари ва Шоштепа ёдгорлигининг сопол буюмлари мажмуаси жадвали

даврий саналар	Бурғулик маданияти	Қовунчи маданияти	Шоштепа ёдгорлиги
мил. авв. IX аср			
мил. авв. VIII аср			
мил. авв. VII аср			
мил. авв. VI аср			
мил. авв. V аср			
мил. авв. IV аср			
мил. авв. III аср			
мил. авв. II аср			
мил. авв. I аср			
милодий I аср			

милодий II аср		
милодий III аср		
милодий IV аср		
милодий V аср		
милодий VI аср		
милодий VII аср		
милодий VIII аср		
милодий IX аср		

шоҳли жиғали тож, сал букилган ўнг кўлида иайза, чап кўлида эса тизгинни тутган. Эгнида чакмои ёки совут, суворийнинг танаси орқага, оёқлари эса олдинга қаратилган. Кичик бошли дашт отининг тўрттала оёқлари аниқ кўрсатиб тасвирланган. Бундай терракота тахтачалар V-VI асрга тегишли ёдгорликларда учрайди (Мешкерис, 1977. С. 59-60).

Қовунчи III даври комплексларида цилиндрик шаклдаги терракота муҳрлар ҳам учрайди. Уларнинг нчига ўйилган юзасида ўсимликлар ва эчки тасвири, шоҳлари орқага қайрилган ҳолатда тасвирланган.

Дафн иншоотлари қаторида ер ости тош камералари ҳамда иахса ва хомғишлардан ер юзасига қурилган даҳмалар пайдо бўлади. Даҳмаларда мурдалар учун махсус суналар қилиниб, улар устига марҳумлар ётқизилган, камера полларида қабр анжомлари қўйилган. Айнаи шу даврда Оҳангарои водийсида марҳумларнинг суякларини этидан тозалаб, остадонларга солиб кўмиш удуми илк бор пайдо бўлади.

Қовунчи маданияти ва унинг босқичларини даврий саналари масаласида мутахассислар орасида мунозарали баҳслар мавжуд. Масалаи, Г.В. Григорьев Қовунчи маданиятини икки босқичга бўлган. У Қовунчидаги қуйи қатламларидан темир буюмлари учрамагани боис, Қовунчи I босқичини бронза даврининг якуловчи даври билаи, яъни мил.авв. II миғ йилликнинг охири ва I миғ йилликнинг бошлари билаи белгилайди. Қовунчи II археологик комплексининг архаик характериға кўра, мил. авв. I миғ йилликнинг ўрталари билан белгилайди ва унинг асосида сак қабилалари маданияти ётишини таъкидлайди (Григорьев, 1935. С. 39).

А.И. Тереножкин Қовунчи комплексини усун маданияти билан замондош эканлигини таъкидлаб, дастлаб уни мил.авв. I миғ йилликнинг биринчи ярмиға тегишли деб топади (Тереножкин, 1940. С. 86-87), кейинроқ эса Қовунчи I босқичини мил. авв. II-I асрлар билан белгилаган (Тереножкин, 1940. С. 84-86). Жуи комплексини эса милодий II-IV асрларға тегишли деган хулосаға келиган (Тереножкин, 1950. С. 159-160). С.П. Толстов Қовунчи I босқичини милодий I-II асрлар, Қовунчи II ни эса II-IV, эҳтимол V-VI асрларға тегишли эканини таъкидлайди (Толстов, 1946. С. 175-176). Б.А. Литвинский эса Қовунчи маданияти ёдгорликлари орасидан

жун комплексини ажратиб олиб, уни мустақил Жун маданияти сифатида тавсифлайди (Литвинский, 1967. С. 29-37) ва уни даврий санасини милодий III-IV асрлар билан белгилайди (Оболдуева, 1948. С. 101-102).

Т.Г. Оболдуева Қовунчи маданиятини милодий эра бошларига тегишли хисоблаб, унга Сирдарё ҳавзасидаги Суғд маданиятининг маҳаллий варианти деб қарайди. Л.М. Левина эса Жун ёдгорликларини Қовунчи маданиятининг варианти сифатида қараб, Жун комплексини Қовунчи II комплексига қўшиб юборади (Левина, 1971. С. 181-182) ва Қовунчи маданиятини уч босқичга бўлади. У таклиф этган даврий санада Қовунчи I мил. авв. I, милодий III, Қовунчи II милодий IV-V, Қовунчи III милодий VI бошлари VIII асрларга тегишли эканини асослайди (Левина, 1971. С. 178-188).

Ю.Ф. Буряков Қовунчи маданиятини уч босқичга бўлинишини тан олган ҳолда, Қовунчи I босқичини мил.авв. II милодий II асрлар, Қовунчи II босқичини милодий II-IV, Қовунчи III босқичини эса милодий IV-VI асрнинг биринчи ярми билан белгилайди (Буряков, 1982. С. 79). Бу масалада М.И. Филанович томонидан Шоштепа олиб борилган стратиграфик кузатувлар бизнингча тарихий ҳақиқатга яқиндир. Масалан, Шоштепа стратиграфиясида Шош I (мил. авв. VI-IV асрлар), Шош II (мил. авв. III аср), Шош III (мил. авв. II-I асрлар), Шош IV (милодий I-III аср бошлари), Шош V (III аср бошлари—VI аср), Шош VI (VII-VIII асрлар) босқичларга бўлинган. Агар Шоштепа даврий босқичларини Қовунчи маданияти босқичлари билан қиёслаганда қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: Шош-I—Бурғулик маданиятининг II -этапига замондош, Шош-II ўтиш даври, Шош-III—Қовунчи-I га, Шош-IV - Қовунчи-II А га, Шош-V—Қовунчи-II Б га, Шош-VI эса Қовунчи-III га хронологик жиҳатдан тўғри келади. Мана шу стратиграфик схемадан келиб чиқиб Қовунчи маданияти босқичларини абсолют даврий саналарини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: Қовунчи-I босқичи даврий санасини мил.авв. II-милодий II аср бошлари, Қовунчи-II милодий II-IV асрлар, Қовунчи-III милодий V-VIII аср бошлари билан белгилаш мумкин.

2012 йилда Оҳангарон водийсининг Суюрлителиба ибодатхонасининг юқори қатламларини стратиграфик кузатув вақтида маълум бўлдики, ибодатхона арабларнинг (лашкарбоши Қутайба ибн Муслимнинг) Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари даврида вайронага учраган, яъни босқинчилар бу оташпарастлик ибодатхонасига ўт қўйиб, ёқиб юборган. Шундан сўнг, ибодатхонанинг фаолияти тўхтаган. Чунки, 1 м.дан ортиқ ёнғин қатлами устига икки-уч қатор хом ғиштлар терилиб, улар устига ғишт парчалари аралаш қалин тупроқ ташланиб шиббаланган. Шиббаланган тупроқ орасида илк ўрта асрлар даврига (VII-VIII асрлар) тегишли сопол синиқлари ва бир неча бўлак сирли сопол парчалари учратилди. Бу шиббаланган қатлам устига бир қатор Сомонийлар даврининг квадрат пишиқ ғиштлари терилган. Ибодатхона вайроналари устида кузатилган бу манзара Қовунчи III босқичининг юқори чегарасини VIII аср бошлари билан белгилашни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Абдуллаев К. Уникальная находка терракотового фризса // ОНУ. 1974. № 2.

Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982.

Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе Узбекской ССР в 1934 г. Ташкент, 1935.

Дукеев Х. Исследование в зоне Туябугузского водохранилища // АО 1980 года. М., 1981.

- Левина Л.М.** Керамика и вопросы хронологии памятников джетыясарской культуры // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. М., 1966.
- Левина Л.М.** Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. М., 1971.
- Литвинский Б.А.** Джунский могильник и некоторые аспекты кангуйской проблемы // СА. 1967. № 2.
- Мешкерис В.А.** Керамика Согда. Душанбе, 1977.
- Оболдуева Т.Г.** Курганы каунчинской и джунской культуры // КСИИМК. Вып. 23. М.-Л., 1948.
- Спришевский В.И.** Оборонительные сооружения эпохи бронзы на территории Узбекистана // СА. 1972. № 3.
- Тереножкин А.И.** Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. Ташкент, 1940.
- Тереножкин А.И.** Согд и Чач // КСИИМК. Вып. XXXIII. М., 1950.
- Тереножкин А.И.** Каунчинтепа // УзФАН СССР. 1940, №8.
- Толстов С.П.** К вопросу о датировке культуры Каунчинтепа // ВДИ. 1946. № 1.
- Филанович М.И.** Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983.

УДК: 551.12(575.1)

ИУРОТА ТИЗМАСИ ҚОЯТОШ РАСМЛАРИИИИГ МАДАНИЙ ТЕГИШЛИ ЖИХАТЛАРИ ВА ДАВРИЙ ТАЛҚИИИ МАСАЛАСИ

© 2017. А.И. Холматов

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Археология тадқиқотлар институти*

Ключевые слова: Нурота тоғ тизмаси, Олмалисой, Голдиротасой, Бекларсой, Куктунлисой, қоятош расмлар, ёввойи буқа, мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвонлар, тоғ эчкиси, туя, ромб, ўқ-ёй, бронза даври.

В данной статье приводятся данные о проблеме культурной, периодической интерпретации новых наскальных рисунков Нуратинского горного хребта. В статье приводятся данные исследований, проведенных в последние годы наскальных рисунков северной части Нуратинского горного хребта петроглифов (Накисай, Чарбаксай, Иланбулаксай, Кудукчасай, Тамчисай, Голдиротасай, Шахидсай, Тошкургансай, Бийбулаксай, Бошбулаксай, Зобота, Потломасай, Суллукулисай, Акчарсай, Архарпушт, Устуксай, Савраксай, Бекларсай, Олмалисай и др.), относимых к эпохе бронзы, раннего железа, раннего средневековья и последующих эпох. При датировке наскальных рисунков выше упомянутых памятников учитываются: тип рисунков, техника обработки, стиль, термические изменения, солнечный загар, топографическое расположение на скале и другие своеобразные особенности, а также широкие аналогии с рисунками других синхронных памятников.

THE PROBLEM OF CULTURAL, PERIODICAL INTERPRETATION OF NEW ROCK ARTS OF THE NURATA MOUNTAIN RANGE

A.N. Kholmatov

The problem of cultural, periodical interpretation of new rock arts of the Nurata mountain range are cited in this article. The article is devoted in recent years to the research of rock carvings of the northern part of the Nurata mountain range of newly discovered petroglyphs (Nakisay, Charbaksay, Ilanbulaksay, Kudukchasay, Tamchisay, Goldirotasay, Shahidsay, Toshkorgonsay, Biybuloksay, Boshbuloksay, Zobota, Potlomasay, Sul-luklisay, Akchapsay, Arkharpusht, Ustuksay, Savraksay, Beklarsay, Omalisay etc.) are attributed to the Bronze Age, Early Iron Age, the Early Middle Ages and subsequent eras. For dating rock arts, the above mentioned monuments take into account the type of drawings, processing techniques, style, thermal changes, sun tanning, topographical location on the rock and other peculiar features, as well as broad analogies with drawings of other synchronous monuments.

Қоятош расмлари тарихий-маданий ёдгорлик сифатида қадимги аждодларимиз ўтмиши, дини, маънавий-маданий ҳаёти, санъати, эстетик дунёси ва турмуш тарзини ўрганишда муҳим ва ишонарли манбалардан биридир. Бу турдаги тарихий-маданий ёдгорликлар нафақат, Ватанимизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида балки, қўшни мамлакатлар ҳудудларида ҳам жуда кенг тарқалган бўлиб, улар шу соҳа мутахассислари томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ этиб келинмоқда (Қабиров, 1976. Б. 90-102; Шер, 1980. С. 8-13; Хужаназаров, 1995. С. 58). Жумладан, сўнги йилларда муаллиф томонидан Шимолий Нурота тоғ тизмаси ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар натижасида 30 га янги қоятош расмлари ёдгорликлари аниқланиб, илмий муомалага киритилди. Биз қуйида, мана шу янги қоятош расмлари даврий масаласи юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари хусусида сўз юрити-

лади. Аммо, уларнинг хронологик ёшини аниқлаш, тадқиқотчилар фикрига кўра энг муҳим ва машаққатли вазифаларидан бири ҳисобланади. Буни мана шу соҳа мутахассисларидан бири Академик А.Н. Окладниковнинг «қоятош расмларининг ёшини аниқлаш, тош ва жез қуролларнинг ёшини аниқлашдан кўра мураккаброқдир» деб айтган сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин (Окладников, 1966. С. 107).

Илгариги изланишлардан маълумки, қадимги давр қоятош расмлари кейинги давр тасвирларидан ўзининг баъзи характерли жиҳатлари билан ажралиб туради (Кабилов, 1976. Б. 32, 41; Хужаназаров, 1995. С. 68-69). Аниқроғи, улар кейинги давр тасвирларига нисбатан қуёш нури таъсирида кучли қорайиб, куйиб-униққан ҳамда, қор, ёмғир, шамол ва бошқа табиат ҳодисалари таъсирида бироз силлиқлашиб, ялтираган ҳолда тош сатҳи ранги билан уйғунлашиб кетган. Уларни бир қарашда кўриб олиш жуда мушкул бўлиб, ҳатто бундай тасвирларнинг айримлари қуёш нурининг турли вақтларда тушишига қараб, куннинг ҳар хил вақтларида кўринади. Аниқроғи, улар қуёш нури таъсири натижасида ҳамда бошқа табиий омиллар жараёнида қоятош сатҳи ранги билан уйғунлашиб кетган. Мутахассислар фикрича, қоятош расмлари сиртидаги бундай табиий ўзгаришлар уларнинг қадимийлигидан далолат берувчи фактлардан бири эканлиги алоҳида айтиб ўтилган (Кабилов, 1976. Б. 32; Хужаназаров, 1995. С. 58; Шер, 1980. С. 79-81).

Шу билан бирга уларнинг қоятош юзасида жойлашув топографиясига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлиб, бунда энг қадимги ёки қояга биринчи ишланган суратлар рассомлар томонидан, албатта қоятош сатҳининг энг текис ва чизиш учун қулай қисмида акс эттирилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, тасвирларнинг стратегиясини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айрим қоятошлардаги расмлар бирини устидан бошқасининг уриб чўкичланиши натижасида бир нечта қатламни ташкил этган. Бунда қадимги сурат энг пастки қатламда қолиб бузилган ва унинг асл ҳолатига жиддий зарар етказилган. Бу жараёнда энг остки қатламдаги тасвирни аниқлаш учун уларнинг қуёш нури таъсирида куйиш даражаларига эътибор бериш лозим бўлиб, улар бир-биридан ёрқинлиги ва хиралашганлиги (куйиб униққан) билан ажралиб туради. Бу фарқлар албатта, уларнинг турли тарихий даврларда ишланганлигидан далолат беради. Бир расм устидан иккинчи расмнинг ишланиши ҳам уларнинг бошқа-бошқа даврларга оидлигини кўрсатиб туради.

Нурота тоғ тизмаси ҳудудидаги биз ўрганаётган Нокисой, Чорбоғсой, Илонбулоксой, Қудуқчасой, Томчисой, Ғолдиротасой, Шаҳидсой, Тошқўрғонсой, Бийбулоксой, Бошбулоксой, Зобота, Потломасой, Суллуқлисой, Оқчопсой, Архарпўшт, Устуксой, Савраксой, Бекларсой, Олмалисой каби янги қоятош расмлари ёдгорликлари қояларига уриб-чўкичлаб ёки қизил табиий бўёқ (оҳра) билан ишланган тасвирлар ҳам ўзининг хилма-хил сюжети, мазмун-моҳияти, ишланиш техникаси, услуби, сақланиш даражаси, ҳажмининг катта-кичиклиги каби жиҳатлари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Бу янги қоятош расмлари ёдгорликлари тасвирларининг илмий таҳлили натижасида, улар қадимги рассомлар томонидан кишилиқ тарихий тараққиёти жез давридан то бугунги кунгача ўтган даврлар (жез, илк темир (сак-скиф), илк ўрта аср ва ундан кейинги даврлар) мобайнида ишланганлиги аниқланди.

Хусусан, тадқиқотларимиз давомида бу ёдгорликлар қояларида жез даврига оид кўплаб суратлар борлиги аниқланди. Булар одам, ибтидоий буқа, тоғ эчкилари, туя, мушуксимонлар оиласига мансуб бўлган йирткичлар, ит ва бошқа ҳайвонлар рас-


мланидан иборат. Шу билан бирга улар орасида содда ва мураккаб ёй, ромб, очки ҳамда қуёш ва ой тасвирларини эслатувчи белгилар ҳам учрайди. Шунингдек, бу қоятошларда ибтидоий даврнинг иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ бўлган баъзи манзаралар ҳам мавжуд бўлиб, бунда ёввойи буқа (тур), тоғ эчкилари ва мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвонлар ва улар билан боғлиқ ов манзаралари маҳорат билан акс эттирилган. Бу манзаралар орасида мил. авв. I минг йиллик арафасида кирилиб кетган ёввойи буқа (тур) (Батиров, 1969. С. 20) расмларининг учраши, бу тасвирларнинг қадимий эканлигини тасдиқловчи асосий белгилардан биридир. Бундан ташқари бу давр тасвирларининг қадимийлигини исботловчи далиллардан яна бири, улар устидан мил. авв. I минг йилликка оид (илк темир асри) расмларнинг ишланганлигидир.

Хусусан, сўнги йилларда олиб борилган илмий изланишлар натижасида Нурота тоғ тизмасидаги Ноқисой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Қудуқчасой, Томчисой, Ғолдиротасой, Сузмойилота, Кўктўнлисой ва Ёнғоқлисой қояларида яқка турган ибтидоий буқа (тур) ёки уларни оддий ва мураккаб ёй билан қуролланган бир ёки бир нечта овчилар таъкиб қилиб бораётган ҳолати тасвирланган жонли манзаралар аниқланди (1-расм). Улар устида олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида бу расмлар юқорида таъкидланганидек, қуёш нури таъсирида қуйиб-униқиб, бирмунча силлиқлашган ва баъзиларининг устидан эса мил. авв. I минг йилликка (илк темир асри) оид тасвирлар ҳам ишланган. Аммо, яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бронза даврига тегишли расмлар ҳам айрим ҳолларда бошқа тасвирлар устидан уриб чўкичлаб ишланган. Шундай тасвирлардан бири Сузмойилота қоятош расмлари орасида учрайди (1:5-расм). Сузмойилота бронза даври қоятош расмлари орасидаги бундай ҳолатнинг учраши демак-ки, бу ёдгорликда бронза даврдан қадимгирок тасвирлар борлигини тахмин қилиш имконини беради. Чунки, қадимги расмлар томонидан қояларга расмларнинг устма-уст ишланиши қуйидаги ҳолларда: биринчидан қоятошдаги биринчи чизилган суратнинг турли табиат ҳодисалари таъсири натижасида қоятош сатҳи ранги ранги каби униқиб кўринмайдиган ҳолатга келиб қолганда, иккинчидан қоятошнинг текис сатҳида қадимги расм чизаётган расмга жой етмай қолган жараёнда юз бериши мумкин.

Бундай суратларнинг даврий ёшини аниқлашимизда яна бошқа ёдгорликлардаги мана шундай тасвирлар билан қиёсий солиштириб ўрганиш ишлари ҳам муҳим маълумотларни беради. Хусусан, бу илмий тадқиқотларимиз жараёнида аниқланган ёввойи буқа (тур) расмлари ва улар билан боғлиқ ов сахналари ифода этилган манзараларни республикамиз ва унга қўшни ҳудудлардаги шу каби бошқа ёдгорликларда жумладан, Сармишсой (Қабиров, 1976. Б. 32-34; Хужаназаров, 2001. С. 49-50; 2002. С. 116-117), Суратлисой (Формозов, 1969. С. 73; Khuzhanazarov, 1999. P. 9-21), Моргузар тоғлари қоятошларида (Пугаченкова, 1965. С. 15. Рис. 1; Хужаназаров, 2002. С. 125-127), Қирғизистоннинг Саймалитошида (Бернштам, 1952. С. 61-67), Қозоғистоннинг Қўйбоқар (Қадырбаев, 1977. С. 131-137), Тўрғай (Городцов, 1926. С. 28-32), Улуғтоғ (Маргулан, 1948. С. 59-60. Рис. 4), Оқ-Қайнар (Байпаков, 2009. С. 21-22. Рис. 5,6,8), Тамғалитош дараларида (Максимова, 1958. С. 108-110, Рис. 10, 16, 23, 35, 36; Максимова, Ермолаева, Марьяшев, 1985. С. 52-61), Озарбайжондаги Қобистон (Джафарзаде, 1965. С. 19. Рис. 2-5; 1973. С. 14-15) ва бошқа ёдгорликлар қоятошларида ҳам учрайди. Мазкур ёдгорликларда илмий изланишлар олиб борган мутахассислар фикрича, бу жойлардаги ёввойи буқа (тур) расмларнинг аксарияти мил. авв. VII-IV ва III-II минг йилликларда ишланганлиги қайд этилган.



1-расм. Ибтидоий буқа тасвирлари ва улар билан боғлиқ ов монзаралари (1 - Ноқисой; 2 - Ёнгоқлисой; 3 - Кўктўнлисой; 4 - Томчисой; 5 - Сузмойшота; 6 - Чорбоғсой; 7 - Қудуқчасой; 8 - Қорақиясой; 9 - Илонбулоқсой)



2-расм. Мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвонлар тасвири ва улар билан боғлиқ ов монзаралари
(1 - Қорақиясой; 2 - Илонбулоқсой; 3 - Каттасой; 4 - Чорбоғсой)

Бу тадқиқотларимиз давомида Нурота тоғ тизмасидаги Нокисой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Кудукчасой, Томчисой, Голдиротасойдан ва юқорида номлари зикр этилган бошқа ёдгорликлар қояларида аниқланган ёввойи буқа (тур) тасвирлари услуб ва бошқа хусусиятлари билан бир-бирига яқин, айримлари эса жуда ўхшашдир. Улар орасидаги бундай ўхшашлик тасодифий бўлмасдан балки, бу тасвирларнинг

бир вақтда ишланганлигидан гувоҳлик беради. Бундай қиёсий ўрганишларимиз натижасида бу янги қоятош расмлари ёдгорликларидаги ёввойи буқа (тур) тасвирлари ва улар иштирокидаги композицион манзаралар ҳам мил.авв. III-II минг йилликларда ишланган деб айтишимизга имкон бермоқда.

Шунингдек, бу ёдгорликлардаги ёввойи буқа (тур) расмларининг қайси даврда ишланганлигини билишимизда республикаимиз ҳудудида ўтказилган турли археологик казишмалар мобайнида топилган мазкур ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам маълум даражада аҳамиятлидир. Маълумки, ёввойи буқалар Марказий Осиё ҳудудида палеолит давриданок яшаган. Бу ҳайвон тури суяк қолдиқлари Селунгур, Самарқанд юқори палеолит макони, Мачай мезолит даври макони (Батиров, 1967. С. 101), Учтут палеолит макони (Мирсаатов, 1972. С. 66. Рис. 6), Обишир макони (Исломов, 1980. С. 34), Оёқоғитма неолит макони (Lasota-Moskalewska, 1999. P. 90), Сополлитепа манзилгоҳлари (Асқаров, 1973. С. 131; 1977. С. 98) маданий қатламларидан топиб ўрганилган. Аммо, мамлакатимиз ҳудудидаги мил. авв. I минг йилликларга оид қадимги манзилгоҳлар маданий қатламларида бу ҳайвон турларининг суяк қолдиқлари учрамайди (Цалкин, 1966. С. 144-154. Табл. 20-28). Баъзи тадқиқотчилар тахминий фикрича, ёввойи буқалар бу тарихий даврларда қирилиб битган ёки кўчманчи чорвадорларнинг янги ерларни ўзлаштириши оқибатида оммовий равишда ов қилиниб, ўлдириб юборилган (Батиров, 1969. С. 20; 1973. С. 194-195). Бу фикр ва мулоҳазаларни Ноқисой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Қудуқчасой, Томчисой, Ғолдиротасой ва бошқа ёдгорликларнинг мил.авв. I минг йилликка (илк темир асри) оид расмлари орасида ҳам ёввойи буқа (тур) тасвирининг учрамаслиги яққол тасдиқлаб турибди.


Шу билан бирга қояларда жез даврига доир мушуксимонлар оиласига мансуб шер, йўлбарс, леопард ёки гепард каби йиртқич ҳайвонларнинг тасвирлари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ёввойи буқа суратлари билан бир жойда ишланган, уларнинг чизилиш техникаси, ишланиш услуби ҳатто офтоб таъсирида куйиш даражаси ҳам бир хил кўринишда. Бу эса уларни бир даврга оид эканлигидан далолат беради. Шунингдек, йиртқич ҳайвонларнинг тасвирлари қадимги рассомлар томонидан соя ва нақшдор-безакли услубларда жуда маҳорат билан ишланган. Улар орасида леопард ёки гепард суратлари аслидаги каби танасидаги хол-хол доғлари билан бирга акс эттирилган. Баъзан эса бу йиртқич ҳайвонлар ов манзарасида тасвирланган бўлиб, уларга қарата ўқ-ёй билан қуролланган овчилар ўқ узмоқда.

Тадқиқотларимиз давомида жез даврига оид бундай ёввойи йиртқич ҳайвонлар тасвирларини Нурота тоғ тизмаси ҳудудидаги биз тадқиқ этаётган Қорақиясой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой ва Каттасой ёдгорликлари қояларида учрайди (2-расм). Улар қадимги рассомлар томонидан уриб чўкичлаш техникаси асосида, нақшдор безакли, соя ва контур услубларида ишланган. Шунингдек, худди шундай тасвирлар бу ҳудуддаги аввал ўрганилган Сармишсой (Кабиров, 1976. Б. 37-38), Бургансой (Хўжаназаров, 1991. Б. 2-9) ёдгорлигида ҳам аниқланган ва улар шу соҳа мутахассислари томонидан мил. авв. II минг йилликка оид тасвирлар эканлиги айтиб ўтилган. Хусусан, бу йиртқич ҳайвонлар расмларининг даврий ёшини аниқлашимизда Ватанимиз ва унга қўшни ҳудудлар (Жанубий Туркменистон ва Яқин Шарқ) да амалга оширилган археологик казишмалар вақтида топилган сопол идишларнинг ташки деворларига чизилган мана шундай йиртқич ҳайвон тасвирлари билан таққослаб ўрганиш ҳам айниқса муҳимдир. Шу жумладан, Марказий Эрон ҳудудида жойлашган Сиалк III (Массон, 1964. С. 204-205. Рис. 34), Қоратеп

(Массон, 1962. С. 30), Ялонғочтепа (Сарианиди, 1961. Табл. IX. Рис. 9; Массон, 1964. С. 148-149. Рис. 25) ёдгорликларининг мил.авв. III минг йилликга оид сопол идишлари деворида қизил ва тўқ жигар ранг бўёқ билан ишланган йиртқич ҳайвон суратлари мавжуд бўлиб, улар ўзининг баъзи услуб хусусиятлари билан Чорбоғсой, Илонбулоксой ва Каттасой ёдгорликларида аниқланган мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвонлар тасвирига ўхшаш ёки айнан бир хил эканлигини кўриш мумкин. Бу қиёсий илмий таҳлиллар жараёнида шуни айтиш мумкинки, тасвирлардаги бундай ўхшашликларнинг мавжудлиги ҳам бизга уларнинг даврий санасини аниқлашимизга ёрдам беради.

Шунингдек, бу ҳудудлардаги жез даври расмлари қаторига баъзи тоғ эчкилари тасвирларини ҳам киритишимиз мумкин. Маълумки, тоғ эчкилари қадимги кишиларнинг асосий озуқа объектларидан бири бўлиб, бу ёввойи ҳайвонлар овчилар томонидан кўплаб овланиб келинган ва улар билан боғлиқ турли манзаралар қоятошларда ҳам ўз аксини топган. Бу ёввойи ҳайвон тасвирлари қадимги рассомлар томонидан бир қадар диққат эътибор билан ишланган бўлиб, кичик жуссали, якка ва қўш қайрилма шохли, икки ёки тўрт оёкли ва калта думли кўринишларда уриб чуқичлаш техникаси ва соя услубида тасвирланган. Бу тоғ эчкилари асосан якка ёки ёввойи ҳўкиз суратлари билан ёнма-ён ишланган бўлиб, баъзан ягона мазмундаги композицион манзараларда акс этган. Бундай тоғ эчкилари расмлари биз тадқиқ этган Қорақиясой, Нокисой, Чорбоғсой, Илонбулоксой, Қудуқчасой, Сузмойилота, Устуксой ва бошқа ёдгорликлар қояларида аниқланиб ўрганилди (З-расм). Улар жез даврига мансуб ёввойи буқа тасвирлари билан ёнма-ён ёки улар билан бир бутун манзарада акс этиши билан бирга, чизилиш техникаси, услуби, сақланиш даражаси, офтоб таъсирида куйиш даражаси ва сиртининг бироз силлиқлашганлиги билан бу давр тасвирларидан фарқ қилмайди. Шу билан бирга илмий тадқиқотларимиз давомида улар бошқа шу каби ёдгорликлар расмлари билан қиёсий ўрганилиб, бу тоғ эчкиларига ўхшаш тасвирларни яна республикамиз ҳудудидаги Сармишсой (Кабиров, 1976. Б. 36. 15, 20, 23-расмлар; Хужаназаров, 1998. С. 25-28), Моргузар тоғларидаги Сайхансой, Такатош (Хужаназаров, 2001. С. 60; 2002. С. 129), Тошкент воҳасининг Қорақиясой, Хўжакент (Хужаназаров, 1995. С. 67-68. Рис. 25, 47) ҳамда қўшни Қозоғистон ҳудудидаги Арпаузен, Қўйбоқар I, II (Кадырбаев, Марьяшев, 2007. Рис. 10, 11, 22) ва бошқа кўплаб ёдгорликлар қояларида ҳам мавжудлиги аниқланди. Ушбу ёдгорликларни ўрганган шу соҳа тадқиқотчилари томонидан мана шундай айрим тоғ эчкиларининг расмлари мил. авв. III–II минг йилликлар билан даврлаштирилган. Шунингдек, услуб жиҳатидан Қорақиясой, Нокисой, Чорбоғсой, Илонбулоксой, Қудуқчасой, Томчисой, Голдиротасойдаги тоғ эчкилар расмларига ўхшаш тасвирлар Жанубий Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудларидаги илк деҳқончилик маданиятига оид сопол идишлар сиртида ҳам учрайди (Асқаров, 1977. С. 78; Массон, 1956. Табл. 5, рис. 5,6,7; Табл. 28, рис. 2; Сарианиди, 1965. Табл. 14, рис. 22, 24).


Шу жумладан, Нурота тоғ тизмасидаги бу янги ёдгорликлар қояларида одам тасвирлари ҳам кўплаб учрайди. Улар ҳам қадимги рассомлар томонидан турли ҳолатларда уриб-чўқичлаб ёки қизил табиий бўёқ (охра) да чизилиш техникалари асосида, оддий схематик, соя услубларида реалистик ва ярим реалистик тарзда ишланган. Бу одам расмларининг баъзилари ишланиш техникаси, сақланиш ва қуёш нури таъсирида куйиш даражаси жиҳатидан, ёдгорликлардаги жез даврига мансуб тасвирларига ўхшаш бўлиб, илмий изланишларимиз натижасида улар Нурота тоғ тиз-



3-расм. Тоғ эчкилари тасвири ва улар билан боғлиқ композицион монзаралар (1 - Қорақиясой; 2 - Чорбоғсой; 3 - Ноқисой; 4 - Қудуқчасой; 5 - Сузмойилота; 6 - Устуксой)

масидаги Қудуқчасой, Иоқисой, Чорбоғсой, Илонбулоксой, Қудуқчасой, Томчисой, Ғолдиротасой, Бекларсой каби ёдгорликлар қояларида аниқланиб ўрганилди.


Бу ёдгорликлар қояларида асосан эркак кишиларнинг суратлари акс эттирилган бўлиб, улар алоҳида-алоҳида ёки турли ёввойи ҳайвонлар билан ёнма-ён тасвирлан-



4-расм. Одам тасвирлари
(1 - Олмалисой; 2-3 - Қорақиясой)

ган. Баъзи манзараларда эса улар жез даврига оид ёввойи бука, туя ва мушуксимонлар оиласига мансуб бўлган йиртқич хайвонларни (йўлбарс (?), гепард ёки леопард) таъкиб қилиб бораётгани ёки улар билан юзма-юз турган ҳолатда уларга қарата камондан ўқ узаётгани қадимги расмлар томонидан жуда маҳорат билан акс эттирилган (4-расм; 1:1, 1:3, 1:5, 1:8-расм; 2:1, 2:3-расм; 3:1-расм). Шундай экан бундай манзаралар билан боғлиқ одам расмларининг кўпчилиги бу ёдгорликлардаги энг қадимги тасвирлар билан тенгдош деб айtilса, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди.

Шунингдек, бу одамларнинг баъзилари “қуёшбошли” кўринишда акс эттирилганлиги киши эътиборини ўзига тортади. Уларнинг боши кичкина, бироқ, атрофи нур-чамбар билан айлантирилган; гавдаси чўзиқ, қўллари ёнига бироз кўтарилган ва пастга туширилган; оёқлари калта лекин, унинг учлари эгрн-бугри ёки тўғри қилиб кўрсатилган; эркаклик белгиси ёки думи бўртириб акс эттирилган. Бундай расмлар биз тадқиқ этаётган Илонбулоксой, Қудукчасой, Ғолдиротасой ёдгорликлари қояларида аниқланиб илмий муомалагага киритилди (5-расм). Бироқ, улар Қозоғистоннинг Тамғалитош (Максимова, 1958. С. 108-110. Рис. 33, 34; Frumkin, 1970. P. 41; Самашев, 2006. С. 172) ёдгорлигидаги “қуёшбошли” одам тасвирларидан бироз фарқ қилади. Бу ёдгорликдаги “қуёшбошли” одам расмларининг боши доира шаклида ёруғлик гардиши бўлиб, ундан нур таралаётган ҳолат, яъни узун чизикчалар ёки донна нуктачалар билан безатиб чиқилган. Илонбулоксой, Қудукчасой, Ғолдиротасойдаги “қуёшбошли” одам тасвирининг боши атрофида доира шаклидаги ёруғлик гардиши бўлсада, аммо нур таратаётгандек ҳолат акс эттирилмаган. Бу билан биз уни «қуёшбошли» одам тасвири эмас, деб айта олмаймиз. Чунки, петроглифлар билан шуғулланувчи соҳа мутахассислари томонидан баъзи қоятош ёдгорликлари тадқиқоти жараёнида қуёш шаклидаги белги тасвирлари деб



5-расм. Куёшбошли одам тасвирлари
(1 - Фолдиротасой; 2 - Қудуқчасой; 3 - Илонбулоқсой)

юритилаётган расмларининг кўпчилиги ўзидан нур таратаётгандек қилиб чизилмаган. Бундай тасвирлар нафақат Ватанимиз худудидаги Сармишсой (Хужаназаров, 1998. С. 81-90), Поракандасой (Хўжаназаров, 1983. С. 105), Сайхонсой (Хужаназаров, 2002. С. 128-129), Хўжакент, Қорақиясой (Хужаназаров, 1995. С. 67. Рис. 21, 36) ҳамда, Қозоғистоннинг Қоратоғ худудидаги (Кадырбаев, Марьяшев, 1977. Рис. 96, 105; 2007. С. 56. Рис. 23, 26), Оқ денгиз ва Онега кўли атрофларидаги (Равдоникас, 1936. С. 84), Кавказ худудларидаги (Мартиросян, Израелян, 1971. С. 38-42), Доғистондаги (Котович, 1974. С. 41-43), Олтой ва Сибир худудларидаги (Окладников, 1964. С. 43; Окладников, Запорожская, 1969. С. 105), Якин Шарқ худудларидаги (Werth, 1954. P. 310-330) қоятош расмларида ҳам учрайди. Уларда куёш тасвирлари баъзан оддий доира шаклида, ички қисми соя услубида ёки ҳар хил чизиқлар билан безатилган. Бундай тасвирлар соҳа мутахассислари томонидан куёш шаклидаги белги (солярный знак) тасвирлари деб аталиб, кишилиқ тарихий тараккиётининг жез даври билан даврлаштирилган.

Шунингдек, Илонбулоқсой, Қудуқчасой, Фолдиротасойдаги «куёшбошли» одам расмига айнан ўхшаш тасвир Қозоғистоннинг Оқ-Қайнар ёдгорлиги жез даврига (мил.авв. II минг йилликка) оид суратлари орасида ҳам учрайди (Байпаков, 2009. С. 23. Фото. 15).

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазаларга таяниб, Нурота тоғ тизмасидаги бу янги қоятош расмлари ёдгорликлари қояларидаги «куёшбошли» одам тасвирларини ҳам мил.авв. III-II минг йилликка оид деб айтишимиз мумкин.

Хусусан, жез даври қоятош расмлари қаторига яна Қорақиясой, Чорбоғсой, Қудуқчасой, Илонбулоқсой, Сойиболо ва бошқа янги ёдгорликлар қояларида аниқланган бир ва икки ўрқачли туя тасвирларини ҳам киритиш мумкин (6-расм).

Улар қадимги рассомлар томонидан асосан соя услубида уриб-чўкичлаб ишланган бўлиб, вазмин танали, бир ёки икки ўрқачли, узун қайрилган бўйинли, йирик бошли ва оёқлари бақувват кўринишда акс эттирилган. Бу туя расмлари сирти ҳам офтобда кучли куйиб-униққан ва табиат ҳодисалари (қор, ёмғир, шамол) таъсирида силлиқлашган. Бу каби туя тасвирлари нафақат, республикамиз балки, қўшни ҳудудлардаги ёдгорликлар жумладан, Сармишсой (Хужаназаров, 2002. С. 119), Қирбуқан, Бохали, Архар (Оськин, 1976. С. 83-88), Пўлатбулоксой (Шацкий, 1973, С. 88-89), Зарафшон тоғ тизмаси шимолий-шарқий қисмида жойлашган Илонсой (Шацкий, 1973. С. 92-93), Қўйбоқар, Арпаузен (Кадырбаев, Марьяшев, 2007. С. 57-59. Рис. 28,29,30) қояларида учрайди. Тадқиқотчилар томонидан бу ёдгорликлардаги бактриана зотига мансуб туя тасвирларининг ёши мил. авв. IV минг йилликдан то I минг йиллик бошларигача бўлган даврлар билан белгиланган. Шунингдек, уларнинг хронологик ёшини аниқлашда Марказий Осиё ҳудудидаги неолит, энеолит ва бронза даври ёдгорликларидан топилган сопол ҳайкалчалари ёки сопол парчаларига қабартма шаклда ишланган туя тасвирларининг учраши муҳим аҳамиятга эгадир (Массон, 1964. С. 47; Массон, Сарияниди, 1969. С. 86-89; Ермолова, 1976, С.109-111).

Қиёсий ўрганишларимиз давомида Қорақиясой, Чорбоғсой, Қудукчасой, Илонбулоксой қояларидаги туя тасвирлари билан бу ёдгорликлардаги туя расмлари ва уларнинг сопол ҳайкалчалари ўртасида ўзаро ўхшашликлар мавжудлиги аниқланди. Бу эса тасодифий ҳодиса бўлмасдан, балки уларнинг бир даврга оидлигини билдириши мумкин.

Нурота тоғларидаги бу ёдгорликларда амалга оширган тадқиқотларимиз жараёнида, юқорида айтиб ўтганимиздек, ёввойи буқа ва бошқа ҳайвонларни ов қилиш манзараларида овчилар кўлларида ўқ-ёй билан бирга тасвирланган. Қояларда бу жанг ва ов қуролларининг икки тури - оддий ва мураккаб ёйлар учрайди.

Бунда оддий ёйлар содда кўринишда бўлиб, ёғочнинг бирор-бир бутун бўлагидан эгиб ясалган. Мураккаб ёй эса бошқачароқ тузилишга эга бўлиб, уч бўлак, яъни ёғоч, суяк ва шохдан ташкил топган бўлади. Мураккаб ёй асосининг ўрта қисми ичкарига ботикрок бўлади (Кабиров, 1976. Б. 38-39).

Бундай ёй тасвирлари Қорақиясой, Ноқисой, Чорбоғсой, Илонбулоксой, Қудукчасой, Каттасой, Сузмойилота қояларидаги айрим жез даврига оид ов манзараларида ҳам учрайди (1:1, 1:5, 1:8-расм; 2:1, 2:3-расм; 3:1-расм). Бу манзараларда акс эттирилган овчилар кўлидаги ўқ-ёй расмларининг ишланиш техникаси, услуби ва сақланиши жиҳатидан қадимий тасвирлардан фарқ қилмайди ва бир бутун маънони англатувчи ов манзараларининг ажралмас қисмини ташкил этади. Шундай экан бу ёдгорлик қояларидаги баъзи ўқ-ёй тасвирлари ҳам жез даври расмлари билан тенгдошдир.

Шунингдек, бундай ўқ-ёй расмлари яна мамлакатимиз ҳудудидаги Сармишсой (Кабиров, 1976. Б. 38-39. Расм. 2, 3, 4, 5, 9), Хўжакент, Қорақиясой (Хужаназаров, 1995. Рис. 3, 34, 35), Буканоғдаги Архар (Оськин, 1976. С. 85), Сайхонсой (Хужаназаров, 1996. С. 10-12. Рис. 1, 2), Қозоғистоннинг Қўйбоқар, Арпаузен (Кадырбаев, Марьяшев, 2007. Рис. 20, 21, 22, 25), Манголиядаги Хобд-Самон (Окладников, 1980. – Табл 3. Рис. 7, 54, 85, 90) ёдгорликлари қояларида учрайди. Бу ёдгорликлардаги ўқ-ёй тасвирларининг ҳам жез даврига тааллуқли ягона мазмунга эга манзараларда акс эттирилган айникса диққатлидир.



6-расм. Бронза даврига оид тасвирлари
(1 - Қорақиясой; 2 - Қудуқчасой; 3 - Соғиболо; 4 - Шаҳитсой; 5 - Ноқисой;
6 - Чорбоғсой)

Оддий ўқ-ёйнинг кашф қилиниши қадимги тош даврининг сўнги босқичига бориб такалади. Бунинг натижасида вақт ўтиши билан оддий ўқ-ёй кишилар томонидан такомиллаштирилиб, унинг янги мураккаб тури яратилган. Аммо, бу ихтиро ер юзининг қайси жойида амалга оширилганлиги номаълумдир. Бироқ, Ж.Кабиров ўзининг узоқ йиллик илмий изланишлари натижаси ва археологик материалларга асосланиб, мураккаб ёйни Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё, Евросиёнинг Улуғ дашти, Жанубий Сибир ва Марказий Осиёни ўз ичига олган катта территорияларнинг бирида кашф қилинган бўлиши мумкин, деган фикрни билдириб ўтган (Кабиров, 1976. Б. 39).


Бу янги қоятош расмлари ёдгорликлари қояларида яна бир қанча турли шаклдаги геометрик белгилар, яъни ромб, зиг-заг, доира, ғилдираксимон, нақшли ва очки кўринишидаги турли тасвирлар ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилиги ўзининг ишланиш техникаси, услуб хусусиятлари, офтобда куйиш ва сақланиш даражасини эътиборга олсак жез даври расмларидан фарқ қилмайди.

Булар орасида ромб тасвирлари айниқса диққатли бўлиб, тадқиқотларимиз давомида бундай тасвирлар Қорақиясой, Йоқисой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Олмалисой ёдгорликлари қояларида ҳам аниқланди (7-расм). Бу ёдгорликлардаги ромблар қадимги рассомлар томонидан нафис нақшинкор, соя ва соя-контур услубларида, уриб-чўкичлаб ёки табиий бўёқ (охра) билан чизиб ишланган.

Бу ёдгорликлардаги ромб тасвирларига ўхшаш расмлар яна республикаимиз худудидаги Ёнбошсой қояларида кўплаб учрайди. Хусусан, Ёнбошсойдаги ромб тасвирларини ўрганган тадқиқотчи ҳам уларни мил. авв. 2 минг йилликга оид эканлиги айтиб ўтган (Кондрикова, Хужаназаров, 1992. С. 22-26).


Шунингдек, Бекларсой ёдгорлигидаги тош айвон деворларидаги табиий бўёқ (охра) да ишланган турли геометрик ва нақшсимон тасвирлар ҳам айниқса диққатлидир (8-расм). Улардан бири худди гул тасвирига жуда ўхшаш бўлиб, бунда тўртта ярим учбурчаксимон чизиқлар бир нуқта томон қаратиб чизилган. Уларнинг тўртта ёки бештаси бир қатор қилиб, композицион кўринишда акс эттирилган (8:1-расм). Шу билан бирга бу ерда яна бир нечта қизиқарли тасвирлар ҳам мавжуд бўлиб, унда иккита остин-устин чизилган доира ва улар ўртасидан тўғри чизиқ тортилган ва бу тўғри чизиқ икки доира сатҳидан ҳам бироз ташқарига чиқиб кетган (8:2-расм). Кишига бир қарашда расмдаги икки айлана араванинг икки ғилдираги ва уларни туташтириб турувчи тўғри чизиқ эса ғилдираклар ўртасидаги ўкни эслатади. Аммо, эътибор бериб қаралса улар арава ғилдираклари эмас балки, қадимги инсонлар диний эътиқоди билан боғлиқ тасвирларни эслатади. Бунда қадимги рассом икки дунё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиб бермоқчи бўлган бўлиши мумкин. Шу билан бирга унинг ёнида тагма-таг ишланган иккита ярим доира ишланган. Уларнинг бир-бирига яқин ўрта қисми икки ёнида калта чизиқчалар ҳам чизилган бўлиб, бу ягона композицион манзарани ташкил этади (8:2-расм). Тош айвонда бу расмлардан ташқари яна кетма-кетлик асосида чизилган уч қатор калта чизиқчалардан иборат линиялар ҳам учрайди. Унинг ён томонидан эса бошқа бир шу каби чизиқлар унга бориб қўшилган. Бу гўёки, бирор-бир йўл ёки сой ўзанининг бир-бирига туташган харитасини эслатади (8:3-расм). Тадқиқотларимиз давомида бундай кўринишлардаги тасвирларни, ҳозирча бошқа бирор ёдгорлик қояларида учратмадик.

Чорбоғсой, Бекларсой қоятош расмлари тадқиқоти жараёнида зиг-заг (тўлқинсимон) шаклидаги тасвирлар ҳам мавжуд (9-расм). Улар қизил табиий




7-расм. Ромб тасвирлари


(1-3 - Қорақиясой; 4 - Илонбулоқсой; 5 - Ноқисой; 6 - Олмалисой)



8-расм. Бекларсой тош айвончасидаги турли нақшисимон геометрик белгилар тасвири (1 - Безаксимон тасвир; 2 - Филдираксимон ёки инсонлар диний эътиқоди билан боғлиқ тасвирлар; 3 - Бирор йўл ёки сой ўзани харитаси тасвири)



*9-расм. Тўлқинсимон геометрик тасвир
(1 - Бекларсой; 2 - Чорбоғсой)*



*10-расм. Турли қуёш белгисини ифодаловчи тасвирлар
(1 - Чорбоғсой; 2 - Толчисой; 3 - Илонбулоқсой; 4 - Қудуқчасой; 5 - Қорақиясой)*

бўёқда (охра) ва уриб чўкичлаш техникасида ишланган бўлиб, узун тагма-таг кўринишда бир, икки ёки бир неча қатордан иборат қилиб чизилган.

Бундай тасвирларни яна республикаимиз ҳудудидаги Сийпантош (Сулейманов, 2002. С. 71), Сангжумонсой (Хужаназаров, 1992. С. 153-154), Оқсоколотасой (Хужаназаров, 1992. Б. 26-27) қояларида ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, бу зигзаг (тўлқинсимон) ва ромб шаклидаги белгиларнинг даврий санасини билишимизда, республикаимиз ва унга қўшни ҳудудлардаги Жойтун маданиятига тегишли ёдгорликларда (Массон, 1964. С. 86-88. Рис. 16), Йомозгоҳ I (Массон, 1964. С. 28-30. Рис. 20) ва Даштли-тепа (Массон, 1964. С. 132-133. Рис. 21) амалга оширилган археологик қазишмалар жараёнида топилган мил.авв. VI-IV минг йилликларга оид сопол идишлар сиртига ишланган шу каби тасвирлар билан қиёслаб ўрганиш ишлари ҳам улар даврий санасини аниқлашимизда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мана шу қиёсий таҳлиллар натижалари ва қўлимиздаги мавжуд маълумотларга таяниб, бу тасвирларни тахминан мил.авв. IV минг йиллик охири ва III минг йиллик боши билан даврлаштирсак, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди.

Шунингдек, Ўрота тоғ тизмасидаги бу янги қоятош расмлари ёдгорликларида қадимги рассомлар томонидан уриб чўкичлаш техникасида ишланган доира шаклидаги белги тасвирлари ҳам кўплаб учрайди. Улар контур ёки соя услубларида чизилган бўлиб, баъзан бу доира тўрт кегайли (спица) ғилдираксимон ёки бу кегайлар марказдаги яна бир кичик доирага туташган кўринишларда тасвирланган. Айримларининг эса ичига турли чизиқлар туширилган ёки ўртасида кичкина нуқтаси бор, яна бирларининг эса атрофида узун чизиқчалар мавжуд бўлиб, худди нур таратаётгандек акс эттирилган. Очки шаклидаги белги тасвирлар эса, узун ёки калта тўғри чизиқ ва у икки доира шаклидаги белгиларни бирлаштириб турган кўринишда тасвирланган. Уларнинг баъзилари кейинги рассомлар томонидан қайта уриб-чўкичлаб янгиланиши натижасида бузилган ўзгартирилган. Айримлари эса қор ва ёмғирлар ёғиши натижасида тош сиртининг мох-лишайниклар билан қопланиши жараёнида уларнинг остида қолиб кетган. Бу расмлар қадимги рассомлар томонидан алоҳида-алоҳида ёки жез даврига оид бўлган ибтидоий буқа, ромб ва бошқа тасвирлар билан ёнма-ён ҳолда ягона мазмундаги манзараларда ифодаланган. Бундай суратлар тадқиқотимиз жараёнида Қорақиясой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Қудукчасой, Томчисой ва бошқа ёдгорликлар қояларида аниқланиб ўрганилди (10-расм).

Бу каби қоятош расмлари соҳа тадқиқотчилари томонидан қуёш белгиси (солярный знак) деб номланиб, бундай тасвирларни Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлардаги кўплаб қоятош расмлари ёдгорликларида, жумладан, Сармишсой (Хужаназаров, 1998. С. 81-90), Поракандасой (Хўжаназаров, 1983. С. 105), Сайхонсой (Хужаназаров, 2002. С. 128-129), Хўжакент, Қорақиясой (Хужаназаров, 1995. С. 67. Рис. 21, 36) ҳамда, Қозоғистоннинг Қоратоғ ҳудудидаги (Кадырбаев, Марьяшев, 1977. Рис. 96, 105; 2007. С. 56. Рис. 23, 26), Оқ денгиз ва Онега қўли атрофларидаги (Равдоникас, 1936. С. 84), Кавказ ҳудудларидаги (Мартиросян, Исраелян, 1971. С. 38-42), Доғистондаги (Котович, 1974. С. 41-43), Олтой ва Сибир ҳудудларидаги (Окладников, 1964. С. 43; Окладников, Запорожская, 1969. С. 105), Якин Шарқ ҳудудларидаги (Werth, 1954. P. 310-330) қоятошларда ҳам учратиш мумкин.

Улар тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилиниб, турли фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бундай белгининг пайдо бўлиши

хакида, кўпгина тадқиқотчилар инсониятнинг оловни ўзлаштириши билан боғласа (Липс, 1954. С. 88; Рыбаков, 1968. С. 30), баъзилари уларни қадимги одамларнинг самовий тушунчалари махсули бўлиб, кўкдаги ой ва қуёш тасвирини англаганлигини таъкидлашади (Равдоникас, 1937. С. 12-13).

Шу билан бирга очки шаклидаги белги тасвирлар Кавказ ва Кавказорти худудларидаги баъзи ёдгорликлардан топилган бронза даврига оид идишлар сиртида учрайди. Улар тадқиқотчилар томонидан қуёш ёки ойнинг чиқишидан то ботишигача бўлган йўл сифатида талкин қилинади (Урушадзе, 1971. С. 66).

Демак, амалий тадқиқотларимиз ва қиёсий ўрганишларимиз натижаси ўларок, Қорақиясой, Ноқисой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Қудуқчасой, Томчисой қояларидаги бу белги тасвирларни мил. авв. III–II минг йилликларга оид деб тахмин қилишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Нурота тоғ тизмасидаги биз тадқиқ этаётган Қорақиясой, Ноқисой, Чорбоғсой, Илонбулоқсой, Қудуқчасой, Томчисой, Голдиротасой, Бекларсой, Олмалисой, Устуксой, Ёнғоклисой, Кўктўнлисой, Сузмойилота каби янги қоятош расмлари ёдгорликларидаги расмларнинг энг қадимийларини, илмий изланишларимиз мобайнида қўлга киритган маълумотларга таяниб, ҳамда Республикамиз ва унга қўшни худудлардаги бошқа ёдгорлик петроглифлари билан қиёсий таҳлил қилишимиз натижасида, тахминан инсоният тарихий тараққиётининг тош даври охири ва бронза даври билан яъни, мил.авв. IV минг йиллик охири ва III–II минг йилликлар билан даврлаштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
- Аскарлов А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
- Байпаков К.М., Марьяшев А.Н. Петроглифы Ак-Кайнара. Алма-Ата, 2009.
- Батиров Б.Х. К истории охотничье-промысловых животных и скотоводства Узбекистана // ТД. СПИПАИ, 1972. Ташкент, 1973.
- Батиров Б.Х. Остатки млекопитающих из слоев Самаркандской верхнепалеолитической стоянки // Материалы 24-й науч. конф. проф.-препод. состава биол. СамГУ. Самарканд, 1967.
- Батиров Б.Х. Характер изменения видового состава и ареалов млекопитающих юга Узбекистана. Самарканд, 1969.
- Бернштам А.Н. Наскальные изображения Саймалыташ // СЭ. 1952. №2.
- Городцов В.А. Скальные рисунки Тургайской области // 1 ГИМ. Т.1. 1926.
- Джафарзаде Н.М. Гобустан. Баку, 1973.
- Джафарзаде Н.М. Наскальные изображения Кобыстана // Археологические исследования в Азербайджане. Баку, 1965.
- Ермолова Н.М. Где же одомашнили двугорбого верблюда? // Природа. 1976. №10.
- Нсломов У.Н. Обиширская культура. Ташкент, 1980.
- Кабилов Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. Тошкент, 1976.
- Кадырбаев М.К., Марьяшев А.Н. Наскальные изображения хребта Каратау. Алма-Ата, 1977.
- Кадырбаев М.К., Марьяшев А.Н. Петроглифы хребта Каратау. Алматы, 2007.
- Кондрикова М., Хужаназаров М. Наскальные изображения Янбашая // Ўзбекистон қадимда ва ўрта асрларда. Самарканд, 1992.
- Котович В.М. Опыт классификации древних писаниц горного Дагестана // Древности Дагестана. Махачкала, 1974.

- Липс Ю. Происхождения вещей // Из истории культуры человечества. М., 1954.
- Максимова А., Г, Ермолаева А.С., Марьяшев А.И. Наскальные изображения урочища Тамгалы. Алма-Ата, 1985.
- Максимова А.Г. Наскальные изображения ущелья Тамгалы // ВАН Каз. 1958. №9.
- Маргулан А.Х. К изучению памятников района реки Сарысу и Улутуа // Вестник АН КазССР. Вып. 2. Алма-Ата, 1948.
- Мартirosян А.А., Израелян А.Р. Наскальные изображения Гегамских гор. Ереван, 1971.
- Массон М.Е., Сарияниди В.И. О знаках на среднеазиатских статуэтках эпохи бронзы // ВДИ. 1969. №1.
- Массон М.Е. Памятники развитого энеолита Юга-Западной Туркмении. М.-Л., 1962.
- Массон М.Е. Расписная керамика Южной Туркмении по раскопкам Б.А. Куфтина // ТЮТА-КЭ. Т.VII. 1956.
- Массон М.Е. Средняя Азия и Древний Восток. М.-Л., 1964.
- Мирсаатов Т. Древние шахты Учтута. Ташкент, 1972.
- Окладников А.П. Олень – золотые рога. М.-Л., 1964.
- Окладников А.П. Петроглифы Ангары. М.-Л., 1966.
- Окладников А.П. Петроглифы Центральной Азии. Л., 1980.
- Окладников А.П., Запорожская В.Д. Петроглифы Забайкалья. Ч. 1. Л., 1969.
- Оськин В. А. Петроглифы Букантау // Природа. 1976. №10.
- Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана (С древнейших времен до середины девятнадцатого века). М., 1965.
- Равдоникас В.И. К изучению наскальных изображений Онежского озера и Белого моря // СА. 1936. №1.
- Равдоникас В.И. Элементы космических представлений в образах наскальных изображений // СА. 1937. №4.
- Рыбаков Б.А. Космогония и мифология земледельцев эпохи неолита // СА. 1968. №1.
- Самашев З. Петроглифы Казахстана. Алматы, 2006.
- Сарияниди В.И. Памятники позднего энеолита юга-восточной Туркмении // САИ. БЗ-8. Ч.IV. М., 1965.
- Сарияниди В.И. Энеолитическое население Геоксюр // Труды ЮТАКЭ. Т.Х. Ашхабад, 1961.
- Сулейманов Р.Х. Сийпанташ – новый памятник первобытного искусства в долине Кашкадарьи // Цивилизации Центральной Азии: земледельцы и скотоводы; традиции и современность. Тезисы докладов международной научной конференции. Самарканд, 2002.
- Урушадзе И.Е. К семантике прикладного искусства древнего Кавказа и Закавказья // СА. 1971. №1.
- Формозов А.А. Очерки по первобытному искусству. М., 1969.
- Хўжаназаров М.М. Навоий петроглиф отрядининг 1991 йил Самарқанд вилояти қоятош расмлари ёдгорликларини ўрганиш бўйича ҳисоботи // Фонд 4. Опись 1. Дело 204. 1991.
- Хўжаназаров М.М. Наскальные изображения Ходжакента и Каракияся. Самарканд, 1995.
- Хўжаназаров М.М. Нурота тоғлари қоятошларидан топилган янги тасвирий санъат ёдгорликлари // Ўзбекистон – қадимда ва ўрта асрларда. Самарканд, 1992.
- Хўжаназаров М.М. Наскальные изображения Сармишя // ОНУ. Ташкент, 1998. № 4-5.
- Хўжаназаров М.М. Наскальные рисунки Сангжуманся // Средняя Азия и Мировая Цивилизация. Тезисы докладов Международной конференции. Тошкент, 1992.
- Хўжаназаров М.М. Наскальные изображения Паракандася // ИМКУ. Вып. 18. Ташкент, 1983.
- Хўжаназаров М.М. Наскальные рисунки и реальная жизнь // ИМКУ. Вып. 27. Самарканд, 1996.

- Хужаназаров М.М.** Наскальные рисунки Узбекистана // Отчет о научно исследовательской работе окружающей средк и истоки древнего каменного века Узбекистана (промежуточный). Институт археологии им. Я.Г. Гулямова. Самарканд, 2001.
- Хужаназаров М.М.** Наскальные рисунки Узбекистана // Отчет о научно исследовательской работе окружающая среда и истоки древнего каменного века Узбекистана (заключительный). Институт археологии им. Я.Г. Гулямова. Самарканд, 2002.
- Цалкин В.И.** Древнее животноводство племен Восточной Европы и Средней Азии. М., 1966.
- Шацкий Г.В.** Рисунки на камне. Ташкент, 1973.
- Шер Я.А.** Петроглифы Средней и Центральной Азии. М., 1980.
- Frumkin G.** Archaeology in Soviet Central Asia. London, 1970.
- Khuzhanazarov M.M.** Ancient Rock Astr in Uzbekistan // Archaologische Mittelungen aus Iran und Turan. Band-31 Deutsches archaologisches Innstitut Eurasien – Abteilung. Berlin, 1999.
- Lasota-Moskalewska.** Faunal Remains – Arhaeozoological Experts opinion on animal remains from Ayakagytma the site, Uzbekistan (1998 season) // General Report Excavation in Ayakagytma the site, SE Kyzul-kum, Uzbekistan. Warsaw-Samarkand, 1999.
- Werth E.** Gradstock und Plug. Lundwisburg, 1954.

УДК: 902.1 (575.1)

**КОФИРҚАЛЪДА ПИШИҚ ҒИШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА
ЯИГИ МАЪЛУМОТЛАР**

© 2017. А. Сандибоев

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Археология тадқиқотлар институти*

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Суғд, Кофирқалъа, Самарқанд, Ривдод, кулолчилик хумдони, пишиқ ғиштлар

В статье анализируются новые археологические материалы по производству жжённых кирпичей в раннем средневековье и их применение в строительстве на памятнике Кофиркала.

NEW INFORMATION ABOUT PRODUCTION OF CERAMIC PRICKS IN THE KAFIRKALA

A. Sandibaev

The article discusses the new found itene in Kafirkala memorial a ceramic vase, on the example of which the technology of production of baked brick and its drying processes on the basis of new archeological materials.

Бинокорлик–инсониятнинг акли ва тафаккури натижасида энг қадимги даврларда яратилиб, асрлар давомида ривожланиб келган, унинг турлари ва кўринишлари турли хил шарт шароит, табиий-географик муҳит асосида шаклланган. Албатта, ҳар қандай бино ва иншоотнинг мустаҳкамлиги, сифати, унинг кўрки ва тузилиши ўша худудда кенг тарқалган қурилиш материалларининг мавжуд бўлишига боғлиқ бўлган. Хусусан, Маразий Осиёнинг тарихий географик ўлкаси ҳисобланган Суғд шаҳарларида соз тупроқдан қилинган пахса, гувала, хом ғишт уларга қўшимча ҳолда, хом ашёси ҳисобланиб, ривожланган ўрта асрларга қадар ёғоч, тош, пишиқ ғишт ёрдамчи қурилиш материал сифатида ишлатилиб келинган.

Пишиқ ғишт Марказий Осиё қурилиш маданиятида милоддан аввалги III-II асрлардан қўлланила бошланган бўлиб, фақатгина IX-X асрлардан бошлаб асосий қурилиш материалга айланади. Жумладан, X-XII асрларга мансуб Эски Термиз (Массон, 1940. С. 100; Шишкин, 1940. С. 145), Қува (Ахраров, 1962. С. 80-85), Афросиёб (Шишкина, 1975. С. 23-42), Самарқанд атрофидаги Чўпонота тепалигидан (Саидов, 2016. 149-155 бетлар) ҳамда Марв воҳасидан (Пругер, 1969. С. 227-236) топиб ўрганилган ғишт пиширишга ихтисослашган маҳсус хумдонларни топилиши ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Антик ва илк ўрта асрларда пишиқ ғиштлардан асосан қоплама сифатида ишлатилган (Кубаев, 2015. 64-б.). Илк ўрта асрларда пишган ғиштлар маҳсус хумдонларда эмас, балки кулоллик хумдонларида пиширилганлигини Кофирқалъада ёдгорлигида аниқланган хумдон мисолида кўришимиз мумкин. Кофирқалада олиб борилган казишмалар натижасида топилган хумдоннинг илмий таҳлили бу мавзудаги фикрларни янада аниқлаштириш имконини беради.

Кофирқалъа ёдгорлиги Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёбдан 12 км жанубда, Дарғом каналининг чап соҳилида жойлашган бўлиб, арк, шаҳристон ва работ

кисмларидан иборат (Бердимуродов, Мантелини, Матбобоев, 2007. С. 15). Ёдгорликда кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кўплаб моддий ашёлар кўлга киритилган. Хусусан, 2007-2008 йилларда Илонсой хавзасида олиб борилган казишмалар жараёнида 6 та хумдонлар қолдиқлари қайд этилган бўлиб, улар орасидаги 4-хумдондан кулоллик идишлари билан бир қаторда пишиқ ғиштлар ҳам топилди (1-расм). Мазкур хумдон Илонсойнинг ўнг қирғоғида, тик жарлик ён бағрида жойлашган бўлиб, сув ювиши натижасида хумдоннинг фақат ўтхона поли ва пишириш каватида кириш қисми сақланиб қолган холос (2-3 расмлар). Хумдоннинг ўтхона қисми лёсс материк ўйиб қурилган, ўтхонанинг поли кучли харорат остида тошқолга айланиб кетган. Ўтхонанинг сақланган қисмини ўлчами 1,60x1,30 м (4:1-расм).

Хумдоннинг пишириш кавати сақланмаган. Фақат ўтхонанинг шимоли-шарқий томонида, 1,5 м майдонда пишириш каватига кириш йўлакчаси қисман сақланган. Мазкур йўлакчанинг поли кучли харорат таъсирида қизил тус олган (4:2-расм).

Хумдоннинг шарқий томонида қалъа ва хом ғиштлардан қурилган меъморий қурилиш қолдиғи аниқланган бўлиб, ушбу хона «П» харфсимон кўринишда, томонлари 1,30x0,80 м, баландлиги эса 1,50 м (4:3-расм).



1-расм. Кофирқалъа ёдгорлигининг юқоридан кўриниши



2-расм. 4-хумдоннинг узоқдан кўриниши.




3-расм. 4-хумдон ва унинг боғлиқ бўлган хонанинг гарбий томондан кўриниши.



4-расм. 1-оловхона, 2-пишириш қавати, 3-хўжалик хонаси

Хумдон ва унинг шарқий томонидаги хонадан хўжалик, ошхона, ўчоқбоши идишлари, учун боши, қувур колдиклари ҳам топилган. Хумдонда аниқланган сопол идишлар турлари Суғд (Маршак, 2012. Ил. 134, 2,7. Ил. 142, 12; Соколовская, 2015. Рис. 66,6,9; Рис. 67,9,16; Рис. 68,11,12,40,50;), Чоч (Маршак, 2012. Ил. 150,4), Тохаристон (Аннаев, 1988. Рис. 24,2; Табл. VIII, 7-8) ва Фарғонанинг (Анарбаев, 2013, XXXIX, 2,6; Матбобоев, 2009. Рис. 96,2-3;) VII-VIII асрлар қатламларида кенг тарқалган.

Умуман олганда, хумдонда аниқланган идишларнинг ўзига хослиги, идишларнинг ички ва ташқи томонларига ўсимликлар ва зооморф тасвирлар туширилиши ва слюда билан ишлов берилганлигидадир. Слюда хумдонда топилган кулоллик идишларнинг барча турларига сепилмаган. Мазкур минерал ялтироқ тош эйнохой кўринишдаги кўзалар, ликопчалар ва ёғлоғи каби идишларга сепилган бўлиб, тадқиқотчилар бундай турдаги идишларни сосонийларнинг металл идишларига тақлид қилиб ишлаб чиқарилганлигини таъкидлайдилар (Григорьев, 1946. С. 96; Маршак, 2012. С. 246). Шунингдек, хумдоннинг шарқий томонидан хона девори ёнидан кўндаланг тарзда 3 қатор қилиб терилган 55 дона пишиқ ғиштлар ҳам қайд этилди. Пишиқ ғиштлар тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўлчамлари 35x21,5-22x3 см. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли томонидан 4-хумдон атрофидаги сой бўйидан бир дона яхши сақланмаган фигурали пишиқ ғиштли декор ҳам топиб олинган бўлиб, бундай кўринишдаги ғиштлар антик даврга оид Халчаён (Пугаченкова, 1966. С.49. Рис. 26) ёдгорлигида қайд этилган. Илк ўрта асрларга келиб улар Марказий



5-расм. Сопол идиши намуналари (Dimartin, 2011. Fig. 3.6).

Осиёда кенг тарқалиб, улардан қасрларни безашда декор сифатида кенг фойдаланилган (Тереножкин, 1950. XXI, 19).

Маълумки, Марказий Суғд шаҳарларида илк ўрта асрларга келиб ҳунармандчилик юксак даражада ривожланди, кулоллик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари санъат даражасига кўтарилди. Ёзма манбаларда аслзодалар, савдогарлар ва бой деҳқонларнинг шаҳар ташқарисиди ўзлари учун маҳобатли турар жойлар барпо эттирганлиги қайд этилган.

Кейинги йилларда Кофирқалъа аркида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида йирик меъморий иншоотлар, юқори сифатли кулоллик маҳсулотлари ва 900 яқин буллаларнинг топилиши Кофирқалъа ёзма манбаларда тилга олинган Самарқанд ҳукмдорларининг шаҳар ташқарисиди жойлашган қароргоҳи бўлмиш Ривдод маркази бўлганлигини тасдиқлайди. Мазкур шаҳарда қабуллар, тантана ва маросимлар ўтказилган (Бердимуродов, Индиаминова, 2017. 95-96 бетлар). Кофирқалъанинг VII-VIII асрларга оид қабуллар залидан нақшлар солинган куйган ёғоч бўлаклари топилган бўлиб, мазкур хонанинг поли 46-47x25-26x2,5-3 см

ўлчамдаги пишиқ ғиштлар билан қопланган. Кофирқалъа арабларнинг Суғдга қилган юришлари натижасида вайрон бўлган, шаҳарни ёқиб юборилгани бу ердаги калин кул қатламларидан маълумдир. Ёдгорликнинг VIII асрнинг иккинчи ярмига оид 26-хонасидан узунлиги 104 см, эни 88 см ўлчамдаги оташгоҳ (алтар) топилган бўлиб, юзаси 34x23-22x3 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлар билан қопланган. Шунингдек, 24-хона яъни юмалоқ шаклдаги минора супалари ҳам пишиқ ғиштлардан қопланган (Бердимуратов, Богомолов, Асланов, 2016. С.20,25). Хоналарда қайд этилган ғиштларнинг ўлчамлари кейинги даврларда кичрайиб борганлигини ва VIII асрларга келиб хумдонда аниқланган ғиштлар билан бир хил ўлчамда эканлигини кўришимиз мумкин.

Кофирқалъада аниқланган бошқа хумдонлар ва этнографик манбаларга асосланган ҳолда ёдгорликнинг қулоллик ва ғишт пиширишга мўлжалланган 4-хумдони юмалоқ шаклда икки қаватли, ўтхона ва пишириш қаватларидан иборат бўлган. Хунармандлар хумдондан сопол ва ғиштларни пиширишда бир қанча жараёнларни-қуритиш, пишириш ва совитиш усулларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқарганлар. Бунда уста хунармандлар ғиштларни тайёрлашда асосан лёсс тупроқлардан фойдаланган. ва мустаҳкамлигини яхшилаш мақсадида таркибига кварц, слюда, сополнинг майдаланган кукунини қўшган. Маҳсулотни қуритишда ёрилишни олдини олиш мақсадида таркибига майдаланган сомон қўшилган, баъзи ҳолларда ерга сомон тўшалиб устига ғиштлар ёғоч қолиплар ёрдамида қуюлган (ғиштлар атрофида қолип излари сақланиб қолган) (5, 25-расм). Ғиштлар табиий шароитда яхшилаб қуритилгандан сўнг хумдоннинг пишириш қаватига терилиб чиқилган. Хумдонда пиширишда ўтин дастлаб паст ёқилиб аста-секинлик билан кўтариб борган ва ғиштлар 800-900°да температурада пиширилган. Агарда ғиштлар етарли даражада пиширилмаса уларнинг сифати паст, сувга ва совуққа чидамлилик даражаси пасаяди. Тайёр бўлган ғиштлар хумдон атрофида тахланиб, ўз навбатида хонадон эгасига етказиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрларда Кофирқалъа қулоллик хумдолида пиширилган ғиштлар ёрдамчи қурилиш материали сифатида буюртма асосида ишлаб чиқарилган. Мазкур ғиштлардан дастлаб шаҳарлардаги саройлар ва турар жойларда, кейинчалик ибодатхона ва аҳолининг бой қатламларининг турур жойларида фойдаланилган бўлса, ривожланган ўрта асрга келиб Суғдда пишиқ ғиштлардан мураккаб қурилиш усуллари асосида, йирик меъморий мажмуалар яратилди. Қурилиш техникасида хилма-хил усуллар пайдо бўлди, натижада, пишиқ ғиштлар ёрдамчи қурилиш материалларидан асосий қурилиш материалларига айланди. Энди уста хунармандлар ғиштларни махсус хумдонларда пиширганлар, яъни ғишт пишириш хумдонларига ихтисослашув вужудга келган. Қурилишда пишиқ ғиштлардан муслмон меъморий қоидаларига мос бўлган масжидлар, мақбаралар ва йирик маъмурий бинолар бунёд этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения северного Тохаристана. Ташкент, 1988.
Ахраров И. Кирпичеобжигательная печь XI в. на старом городище Кува // ИМКУ. Вып.3. Ташкент, 1962.
Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. Ташкент, 2013.
Бердимуратов А.Э., Богомолов Г.И., Асланов А.П., Археологическое изучение городища Кафиркала: отчет за 2016 год // Архив Института археологии АН РУз.
Бердимуратов А.Э., Индиамнинова Ш.А. Буюк Ипак йўли. Тошкент, 2017.

- Григорьев Г.В.** К вопросу о художественном ремесле до мусульманского Согда // КСИИМК. № 12. М., 1946
- Кубаев С.** Марказий Осиё қурилиш маданиятида пишиқ ғиштлардан фойдаланишнинг бошланиши ҳақида (антик ва илк ўрта асрларда) // O'zbekiston arxeologiyasi. №2 (11). Самарқанд, 2015.
- Маршак Б.И.** Керамика Согда V-VII веков как историка культурный памятник (К методике изучения керамических комплексов). С.-Пб., 2012.
- Массон М.Е.** Городища Старого Термеза и их изучение // Труды УзФАИ СССР. Серия 1. Вып.2. ТАКЭ, 1936. Ташкент, 1940.
- Матбобоев Б.Х.** Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларнинг тарихий таҳлили асосида). Диссертация. Самарқанд, 2009.
- Пругер Е.Б.** Кирпичеобжигательное производство средневекового Мерва // Труды ЮТАКЭ. Том XIV. Ашхабад, 1969
- Пугаченкова Г.А.** Халчаянк проблеме художественной культуры Северной Бактрии. Ташкент, 1966
- Саидов М.М.** Қорахонийлар даврига оид ғишт пишириш хумдонлари // O'zbekiston arxeologiyasi. №1(12). Самарқанд, 2016.
- Соколовская Л.Ф.** Иглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалом городища Афрасиаб конца VII начала XIII в.). Самарқанд: МИЦАИ, 2015.
- Шишкин В.А.** К исторической топографии Старого Термеза // Труды УзФАИ СССР. Серия 1. Вып. 2. ТАКЭ, 1936. Ташкент, 1940.
- Шишкина Г.В.** Бухарские ворота средневекового Самарканда // Афрасиаб. Вып. IV. Ташкент, 1975.
- Тереножкин А.И.** Сугд и Чач // КСИИМК. Вып. XXXIII. М., 1950.

УДК: 902.01 (902.6)

**Я.Ғ. ҒУЛОМОВИИГ ОРОЛ БУЙИ ЎРТА АСР
ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ**

© 2017. О.-Ш. Қдырниязов

Қорақалпоқ Давлат университети

Калит сўзлар: *Жанубий Орол. Ўрта аср. Я.Ғ. Ғуломов, шаҳар. Аграр соҳа, маҳсулот.*

В статье анализируются результаты исследований по истории средневековых городов, аграрная деятельность горожан и роль искусственного орошения в развитии городов Южного Приаралья в работах академика Я.Г. Гулямова. Исследователь отмечает способствующие факторы к развитию городской культуры региона, на основе данных источников и археологических памятников определяет вопросы локализации отдельных городов.

THE RESEARCHES OF YA. GULYAMOV OF HISTORY OF THE MEDIEVAL CITIES UNDER THE ARAL

O.-Sh. Kdirniyazov

The article analyzes the results of the study of the history of medieval cities, the agrarian activity of townspeople and the role of artificial irrigation in the development of the cities of the South Aral Sea in the works of Academician Ya.G. Gulyamov. The researcher notes the contributing factors to the development of the urban culture of the region, on the basis of these sources and archaeological monuments, determines the localization of individual cities.

Буюк ўзбек археологи академик Я.Ғ. Ғуломов (1908-1977) илк ва мустақил археологик тадқиқотларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа худудлари билан қатор 1936 йилдан Жанубий Оролбуйи, қадимий Хоразм воҳаси ёдгорликларида амалга оширди. Экспедиция таркибида ўша вақтлар ёш, кейинчалик машҳур бўлган археологлар А.И. Тереножкин, архитектор Б.Н. Засыпкин, биринчи ўзбек этнографы Т.М. Мирғиёсов бўлган. Ушбу экспедиция ўз ишларини жанубий Қорақолпоғистондаги Пилқалъа, Норинжон бобо, Гулдурсун, Қумқалъа қалъалари билан қатор Кубо тоғ тепалигидаги оссуарий ёдгорликларини ўрганишдан бошланди (Gulam, 1937. Б.6; Ширинов, Пардаев, Мирзааҳмедов, 1998. С. 4; Алпаткина, Алимухамедова, Минасянц, 2010. С. 245). Ушбу ёдгорликлар тизимидаги шаҳарлар илк ўрта асрларга оид бўлиб, бу даврда уларнинг тарҳи ва маданий киефаси илк бор ўрганилди. Я.Ғ. Ғуломов 1938 йилдан С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик экспедицияси (ХАЭЭ, 1937-1992) билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини бошлади. Тадқиқот фаолияти якунида Я.Ғ. Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» асари ёзилди. Бу йирик асарда қадимий воҳанинг суғориш иншоотлари қаторида Жанубий Оролбуйи ва Хоразм воҳаси шаҳарлари тарихи ҳам ёритилган. Асарда уларнинг жойлашуви, топографияси, ёдгорликларни ёзма манбалардаги локализациялаш масалалари ечимини топган. Бу ёдгорликлар тизимидаги шаҳарлар илк ва ривожланган ўрта асрларга оид бўлиб, уларнинг маданий ҳолати илк бор ўрганилди. Я.Ғ. Ғуломовнинг илмий тадқиқотлари ўша даврдан бошлаб воҳадаги шаҳарсозлик маданияти, қалъалар ва қадимги суғориш иншоотлари тарихини ўрганишга бағишланади. Воҳанинг урбанистик маданиятига

тааллукли бўлган, «Хива шаҳри обидалари» номли монографик асарини 1941 йилда нашр этди (Гулямов, 1940). Академик Я.Ф. Гуломовнинг «Хоразмнинг суғориш тарихи» асари шу кунгача археология ва тарих йўналишидаги ўз аҳамиятини йўқотмаган (Гулямов, 1957; Гуломов, 1959). Ёзма манбалар ва археологик материалларни қиёсий таққослаш йўли билан Жанубий Оролбуйи халқлари шаҳарсозлик маданияти, суъний суғориш ишлари, деҳқончилик, тарихига бағишлаб ёзилган ушбу илмий асар нафақат воҳа қадимшунослари балким, Марказий Осиё археолог, тарихчи олимларининг тадқиқотларида йиллар давомида фойдаланиб келаётган қомусий мазмунга эга адабиёт бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотчи тарих, археология, шарқшунослик, этнография, манбашунослик соҳаларининг бой манбавий салоҳияти асосида Хоразм воҳасидаги деҳқончилик ва суъний суғориш шаҳобчаларининг вужудга келиш тарихини мукамал ўрганди. Ушбу асарда Я.Ф. Гуломов Оролбуйи ўрта аср шаҳар маданиятига ҳам алоҳида тухтайди, уларнинг шаклланиш тарихига илмий жиҳатдан ёндашади. Олим «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» монографиясида хоразмшоҳлар даврининг савдо-хунармандчилик марказлари, кўрғон-қалъалари: Қат, Хива, Хазарасп, Урганч, Шемақақалъа, Миздахкан, Бўғроҳон, Пульжой, Бағдод, Қизқалъа, Йигитқалъа, Иаргиз, Ақ рабат, Тошқалъа, Мешекли каби ўнлаб ёдгорликларни ўрганди ва кўпчилигини локализациялади (белгилади). Жумладан, Устюрт қири буйлаб жойлашган чекка худудаги қалъалар номларини ёзма манбалар маълумотига таққослаш ижобий ечимини топган. Тадқиқотчи араб географи ал Мақдисийнинг «Ахсан ат тоқасим фи маърифат ал ақолим» («Мамлакатларни ўрганиш учун энг яхши тақсимот», 985-1000 йй. ёзилган) асарида келтирилган Баратегин қишлоғи—Қизқалъа (Куботоғ), Мадминия шаҳрини—Бўғроҳон, Ғитни-Пулжой, Куджоғни (Тупроққалъа-Кўхтан қалъаси Қунғирот) билан таққослайди. Ушбу шаҳарлар тизимига Гурганждан йироқда, унинг ғарбида Устюрт қири бурнида, воҳадан бошланадиган савдо йўли бошида жойлашган Кумкенд-Тирсак (Шемақақалъа) ҳам қирган. Қир бўйлаб жойлашган қалъа-шаҳарларни қуриш сахро ғузларига қарши тўсиқ мақсадида хоразмшоҳ маъмунийлар: Маъмун ибн Али (907-1004), Маъмун ибн Маъмун (1004-1017) давридан бошланди. Я.Ф. Гуломов ушбу қалъалар IX-X асрдан сахро кучманчиларидан воҳа чегералари хавфсизлигини таъминлаш учун қурилганин таъкидлаб, уларнинг атрофидаги рустаклар учун мудофаа ўрни ва мамурий маркази бўлганин ҳам кўрсатади. Оқибатда илк ўрта асрдан бошлаб урбанизация зоналарининг Устюрт ва «Шахристон йўли» томон (Қорақум, Эрон тарафга) кенгайиши, натижада XI-XIII асрлардаги сиёсий ва маданий юксалиш воҳа тарихидагина эмас, балки «мусулмон Шарқида» ҳам кузатилмаганин таъкидлайди (Гулямов, 1957. С.158). Олим «Буюк Хоразмшоҳлар» даврида шоҳ Такашдан бошлаб (1172-1200) Хоразмнинг чекка худудларида маданий ҳаёт, савдосотиқ алоқалари гуркираб ривожланганин ижобий боҳллаган. Я.Ф. Гуломовнинг Амударёнинг қуйи дельтаси шаҳарларини локализациялаш хулосалари шу кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Жумладан, Курдар шаҳрини (эски Чимбой, ҳозирги Кегайли худуди), Жувакинни (Куюққалъа), Боғдодни (Боғдод, Қораўзак) ва бошқа шаҳар ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Олим тадқиқотларида таҳлил этилган Оролбуйи шаҳарсозлик зоналари баъзи бир ўзига хос хусусиятлари билан умумийлик белгиларга ҳам эга бўлган. Шаҳарлар обод ва аҳолиси кўп бўлиб, худудий жиҳатдан кенгайган. Сунъий каналларга яқин жойлашган деҳқончилик воҳалари, савдо-хунармандчилик шаҳарлари, қадимдан ривожланган меъморчилик, қурилиш ишлари, тоғ-кон захиралари

(Султон Увайс—Қоратоғ), ривожланган савдо алоқалари, мустақил давлатнинг шаклланиши шаҳар маданиятининг ривожланишига таъсир этган омиллардан бўлган. Шаҳарликлар Ғазнавийлар (1017-1040), Салжуқийлар (1130-1157), Қорахитойларга (1137-1158) қарши курашган, мустақиллигини тиклаган. Аҳоли Хоразмнинг ҳарбий кудрати туфайли ўз чегараларини Сирдарёдан бошлаб Эроннинг ички вилоятларигача чўзди, «мўғуллар истилоси давригача, хоразмшоҳлар давлати мусулмон шарқида энг кудратли давлатлардан бири бўлиб қолди». Буюк Хоразмшоҳлар даврида антик давридан инкироз ҳолатида бўлган Амударёнинг чап қирғоғидаги маданий ҳаёт қайтадан тикланди. Эски қалъа шаҳарлар Замахшар, Шохсанам, Говурқалъа, Девқалъа, Қалалиқир II да ўрта аср артефактлари мавжуд, уларнинг атрофларида эса қишлоқ хўжалиги ривожланди.

Умуман олганда, академик Я.Ғ. Ғуломовнинг тарих, археология, этнография, шарқшунослик манбалари бўйича хулосаларини илк ва ривожланган ўрта аср Жанубий Оролбўйи, Устюрт қирларига яқин жойлашган ёдгорликлар (Тупроқ қалъа, Буғроҳон, Пулжой) Хоразм тарихининг кўплаб соҳаларини ўрганишга тадбиқ қилиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчи ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар асосида ўрта аср ирригация тармоқлари деҳқончилик маданиятининг ўсиши, хунармандчилик маҳсулотларнинг кўпайиши, эски шаҳарларнинг кенгайиши ва янги шаҳарларнинг юзага келганини таъкидлайди. Буюк Хоразмшоҳлар вакили Такашдан бошлаб эски Чирмонёб зонасида маданий ҳаёт тикланди. Воҳадаги Шохсанам, Замахшар, Говурқалъа, Девқалъа, Қалъалиқир 2, Ақча Гелин, Дарялик кўл атрофидаги қалъаларда ҳаёт яна қайтадан жонланади (Ғуломов, 1959. Б. 165). Бу даврда Жанубий Орол худудида дарё дельтасининг шимолий, ғарб қисмида шаҳарсозлик маданиятининг янги марказлари: Шемахақалъа, Шехрлик, Катта Ойбуғир, Мунчокли, Кетенлар, Тупроққалъа (Кунғирот), Буғроҳон ва Пулжой каби янги савдо-хунармандчилик шаҳарлари шаклланди. Бир тарафдан эски ва янги сунбий каналларга яқин жойлашган, иккинчи тарафдан Устюрт қирлари орқали кўчманчи дала қавмлари билан иқтисодий алоқада бўлган бу чекка худудлардаги шаҳарлар Буюк Ипак йўлининг тармоқлари билан туташиб IX-X ва XI-XV асрларда урбанистик ривожланиш жараёнларида ўзига хос ўринга эга бўлган. Тақдиротчи олим археологик текширишларга асосланиб «эски шаҳарлар ривожини ва янги шаҳарларнинг юзага келганини» қайд қилиб ўтади. Шаҳарларда Марказий Осиё шаҳарлари каби хунармандчиликнинг кулолчилик, шишасозлик, тоштарошлик, донни қайта ишлаш турлари ривожланиб, улар атрофидаги рустоклар учун маъмурий ва мудофаа марказлари вазифаларин ҳам бажарган. Ушбу фикрни Я.Ғ. Ғуломов «бу кўшкларнинг жойлашишида маълум даражада иерархия бўлиши керак» деб таъкидлайди.

Тадқиқотлар кўрсатишича хоразмшоҳлар (1097-1231) ва кейинги мўғиллар даврида (1221-1388) маҳаллий шаҳарлар аграр хўжалик билан ҳам алоқодор ривожланди. Ёзма манбалар, жумладан ал Мақдисий (X аср), Ибн Баттута, ал Умарий (XIV аср), Ибн Арабшоҳ (XV аср), Эски Қрим ноториал актлари (XIII аср) ахборотларида Жанубий Оролбўйи аҳолиси дон маҳсулотларини, ипак хом-ашёсин савдога чиқариш, истеъмол қилиш билан қатор шаҳар иқтисодида аграр хўжалик ютуқларини товар-сотиш ҳаракатларига киритгани кўрсатилади. Ушбу маълумотлар ёзма манбалар ва сўнги археологик тадқиқотлар билан ҳам тасдиқланади. Жумладан, мустақиллик йилларида Миздахкан, Пулжой ёдгорликларидаги олиб борилган тадқиқотларда шаҳар аҳолисининг дон етиштириш, қайта ишлаш соҳаларига

алоқадорлигига оид янги маълумотлар аниқланди. 1985-2017 йй. Миздахконда очилган 500 яқин турар жойлар маҳаллаларида ханодонларнинг ўртача 36% дан 42% гачасида дон сақлаш омборхоналари, 68% катта ҳажмдаги тандирлар, 28% да уй тегирмони ва хорозлар мавжуд (Қдырнийзов, 1999. С.84; Қдырнийзов, 2010. С.52, 98-99; Қдырнийзов, 2015. С. 141-145). Ёдгорликнинг «Шарқий II», «Шимоли-ғарбий» ва «Жанубий» деб шартли номланган маҳаллаларида маҳсус катта хунармандчилик ҳовлилар ичидаги тегирмон, узум шарбатини олишга мўлжалланган сикиш-эзгич тош мосламалари, ярим ертўлаларда сақлаш учун мўлжалланган хумлар, шиша графинлар, жувоз-хоналар ушбу шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларин ихтисослашган асосда товар ҳолатига келтириб бозорга чиқарганини исботлайди. Ушбу археологик артефактлар сўнгги йилларда Пулжой ёдгорлигида (Қўнғирот тумани) ҳам қайд этилмоқда. 2012-2016 йиллардаги қазиларда ёдгорликнинг «карвон сарой» деб номланган мажмуасида катта ҳовлида бир-нечта дон сақлаш хоналари ва иккита тегирмон очилди (Қдырнийзов, Қдырнийзов О.-Ш, Саипов, Алимбетов, 2015. С.84-90).

Жанубий Орол ўрта аср шаҳрининг аграр тарихига алоқадор маълумотлар академик Я.Ф. Гуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» асарида келтирган Хива музейидан топилган вақф ҳужжатида ҳам акс этган. Ҳужжат 1349 йил Олтин Ўрда ноиб Хоразм амири Кутлуғ-Темур тарафидан Гурганджда таъсис этилиб, асосан Миздахкан (Хўжайли) ва Боғдод (Қораўзак тумани) атрофидаги ерлар ва буғдойзорлар шайх Сулайман Хаддодий Мусавийга мулк этиб инъом этилгани туғрисида маълумот беради. Миздахканга тегишли ерлардан 8000 ман оғирликда, Боғдодга тегишли ерлардан эса 15000 ман буғдой олиш мумкин бўлган (Ғуломов, 1959. Б. 177). Ф.Б. Пеголоттининг «Савдогарларга кўрсатма» рисоласидаги маълумот буйича Хоразм мани 1187, 85 граммга тенг (Pegolotti, 1936. P. 27). Оддий статистик ҳисоблаш шайх Сулейман Мусави Хададий авлодлари Миздахкан атрофидан 9,5 тонна (1187,85x800 ман=9502,8 кг), Боғдод атрофидан эса 17,82 тонна (1187,85x1500 ман) буғдой олганини курсатади. Шихаб аддин ал Умарий (1301-1349) маълумоти буйича «Хоразмда дон ратль ўлчовида сотилган», унинг ёзишича «Хоразмда ратль оғирлиги 330 дирхамга тенг» (Тизенгаузен, 1884. С. 242). Таниқли нумизмат ва археолог олим Г.А. Федоров-Давыдов тадқиқотларига кўра «Хоразм ратли 455,4 граммга тенг» бўлган (Федоров-Давыдов, 1965. С. 200). Хулосада дон маҳсулотларин сотиш эки қайта ишлаш эвазига шайхлар авлоди фақат Миздахкан атрофидаги рустоклардан 14,89 минг динор ёки 89,361 минг дирхам соф фойда олган (Қдырнийзов, 1999. С. 85). Шу атрофда бошқа катта мулк эгалари - амирлар, «буюк хонзода» Тўрабек хоним, саййидларнинг ер мулки бўлиб улар ҳам шаҳарнинг аграр соҳаси товар-сотиш йўналишида иштирок этганини исботлаш мумкин. Кутлуғ-Темурнинг вақф ҳужжатидаги маълумотлар узвийлиги Абдулғози Баҳодирхоннинг (1603-1664) «Миздахкандан то Ўғурчигача бўлган ерларда (Каспий буйи Болкон атрофи) экинзорлар, боғ ва дарахтзорлар билан банд» деган хабарномаси билан ҳам таъкидланади (Толстов, 1948. С. 296). Ушбу маълумотларга асосланган академик Я.Ф. Гуломов Хоразмнинг энг йирик рустокларидан бири Миздахкан, унда «12000 кўшк-қўрғон бўлган» (ал Мақдисий), «бу кўшкларнинг жойлашишида маълум даражада иерархия бўлиши керак» деб хунармандчилик ва аграр хўжаликка асосланган Миздахкан каби шаҳарларнинг иқтисодий марказ сифатида кучайганини бир-неча марта таъкидлаб кўрсатади.

Жанубий Оролбўйи шаҳарларининг хоразмшоҳлар даврида давлат чегаралари ва ички худудларида дехқончилик воҳачалари маркази сифатида давлатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида мавқеи катта бўлган. Масалан, Буғроҳон (Мазминия, Хованд Мунис-Огаҳий) шаҳри воҳанинг шимол худудларидаги диний сиғиниш (Ҳаким ота Боқирғоний макбара қадам жойи) ва иқтисодий марказ бўлиб, «Қоракўл» деб номланган дарё ўзани бўйлаб сув йўлидаги порт (кема тўхташ) жойи вазифасин ҳам бажарган (Ғуломов, 1959. Б. 159). Шаҳар Шарқнинг, жумладан Марказий Осиё урбанистик принцип асосида уч қисмли «триада» тизимига мос қурилган. Ёдгорликнинг арк-цитадели 60x50 м, шаҳристон 250x200 м майдонни эгалаб, унинг атрофида катта рабод (25 га), жами 60 га шаҳар майдони шаклланди. Шаҳарнинг микро-топографик тизимида XX асрнинг 60-йилларгача баландлиги 3-4 м бўлган тўрт бурчакли ташқи девор тизими, шаҳристон дарвозаси, бозор майдони ва кулолчилик хунармандчилиги жойи ва аҳоли турар жойларининг ўринлари аниқ кўринади. Янги археологик тадқиқотларда хоразмшоҳлар даврига оид жоме масжиди ва унинг минораси аниқланди (Туребеков, Алимбетов, 2001. С. 158; Туребеков, Ҳакимниязов, Утепбергенов, 2002. С. 155; Туребеков, 2013. С. 356). Бу сўнги меъморий қурилишлар Оролбўйи чекка худудларлари ва Орол-Каспий атрофи турк кўчманчиларига исломнинг оммавий тарқатилиши жараёнида сарҳад шаҳар марказларининг мавқеи катта бўлганини исботлайди. Пулжой шаҳри (Гит, Джит) ҳам қадимий даврларидек давлатнинг чегара қалъаси олдидан ташкил топган ва шаҳар аҳолисининг кўчманчи дала қабилалари, Жанубий Орол бўйи худудининг Шарқий Европа билан маданий ва савдо алоқаларида муҳим роль уйнаган. Ёдгорликнинг пастки мудофааланмаган шаҳристон қисмида масжид, карвон сарой, хумдонлар, макбаралар, турар жойлар қазилди. Хилма-хил артефактлар мажмуаси шаҳарнинг катта мавқеидан дарак беради (Кдырниязов, Кдырниязов О.-Ш., Саипов, Алимбетов, 2015. С. 84-90; Кдырниязов, Кдырниязов О.-Ш., 2016. С. 88-83).

Я.Ғ. Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» шох асарида ўрта аср манбалари асосида Жанубий Орол бўйи ва Хоразм воҳаси шаҳарларининг шаклланиш тарихи, жойлашуви ва унинг локализацияси ечимини топишда аниқликлар киритилган. Монографияда хоразмшоҳлар даврининг савдо-хунармандчилик марказлари, кўрғон-қалъалари: Қат, Хива, Хазарасп, Миздахкан, Бағдод, Урганч, Бограхан, Пульжой, Шемаха қалъа, Қиз қалъа, Йигит қалъа, Наргиз, Ақ рабат, Тош қалъа, Мешекли каби ўнлаб ёдгорликларнинг топографик ҳолати ўрганилган ва кўпчилигини локализацияланган (белгилади). Бу ёдгорликлар тизимидаги шаҳарлар илк ва ривожланган ўрта асрларга оид бўлиб, уларнинг маданий кифоаси илк бор ўрганилди. Олимнинг таъкидлашича «Буюк хоразмшоҳлар» даврида шох Такашдан бошлаб (1172-1200) воҳанинг чекка худудларида маданий ҳаёт, савдо-сотик алоқалари гуркираб ривожланган, илк ўрта асрлардан урбанизация зоналари Устюрт ва «Шаҳристон йўли» томон кенгайган. Оқибатида XI-XIII асрлардаги сиёсий ва маданий юксалиш воҳа тарихидагина эмас «мусулмон Шарқида» ҳам кузатилмаганини таъкидлайди. Бу юксалишни мўғул босқинчилари вакиллари ҳам юқори баҳолашганини тадқиқотчи таъкидлаб ўтган. Жумладан, Я.Ғ. Ғуломов Ан Насавийнинг «Сира ас султон Жалолиддин Мангуберди» асарида келтирилган «Мўғул қўшинлари Гурганч яқинидаги қишлоқларини талон-тарож қилишга уринмадилар, Гурганчни бошқа вилоятлардан юқори қўйиб, унга зўр эътибор ҳамда эҳтиёткорлик билан қаради ва уни йўқ қилиб юбормаслиги учун тиришди» - деган хабарнома асосида шарқшунослик ва тарихшунослик адабиётларидаги остона шаҳар ва унинг

атрофидаги элатлар иқтисоди, маданияти салоҳияти юқори бўлгани яна бир қарра таъкидлайди (МИТТ, 1939. С. 480-481; Фуломов, 1959. Б. 171).

Академик Я.Ғ. Фуломовнинг юқорида келтирилган асарларида Оролбўйи шаҳар маданиятининг кўп минг йиллик ривожланиш босқичлари тарихига оид маълумотлар жамланади. Лекин биз ўрта асрларга оид маълумотларни сўнги археологик тадқиқотлар билан қиёсий таҳлил усулида ўрганишга ҳаракат қилдик. Йирик тадқиқотчи мулоҳазаларига кўра, воҳанинг шаҳарсозлик маданиятининг ривожига таъсир этган омиллар бўлган. Уларга шаҳарларнинг географик жойлашиши, хунармандчилик салоҳияти, серкатнов халқаро савдо йўлларининг туталиши (Мовароуннаҳр, Хуросон - «Шахристон йўли», Гурганж-Устюрт-Волгабўйи йўналишлари) ва Амударё сув манбаининг аҳамияти ижобий таъсир этган. Шу билан бирга воҳанинг чекка худудларида саҳро кўчманчиларининг воҳа чегараларига хавфи IX–X асрлардан осойишталикни таъминлаш учун (Устюрт қири, Амударё бўйи) қалъалар, қоровул тепалар қўрилиб улар атрофида аҳоли тўпланиб, рустоклар шаклланиб, «иерархиялик марказ» шаҳарларнинг шаклланишига таъсир этгани ҳам кўрсатиб ўтилади. Шундай қилиб академик Я.Ғ. Фуломов Жанубий Оролбўйи худудларининг фақат аграр муаммаларигина эмас, балки воҳанинг шаҳарсозлик маданияти тарихи тадқиқотига ҳам катта ҳисса қўшган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Ал Мақдиси. Ахсанаттақасимфи-маърифатал-акалим» асариданузунди // МИТТ. Т.1, Л.-М., 1939.
- Алпаткииа Т.Г., Алимухамедова З.У., Мниасяиц В.С. Т.М. Миргиязов и материалы раскопок 1936 г. в Хорезме // Отзвуки великого Хорезма. М., 2010.
- Гулямов Я.Г. Памятники города Хивы // Труды ИИЯЛ Уз ФАН СССР. Серия 1. История. Археология. Вып. 3. Ташкент, 1941.
- Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1957.
- Фуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғориш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. Тошкент, 1959.
- Кдырниязов М.-Ш. Об аграрном характере производственной деятельности населения Миздахкана // Общественные науки в Узбекистане. 1999. № 5-6.
- Кдырниязов М.-Ш. Средневековый Миздахкан. Самарканд, 2010.
- Кдырниязов М.-Ш. Культура Хорезма в XIII-XIV вв. Самарканд, 2015.
- Кдырниязов М.-Ш., Кдырниязов О.-Ш., Саипов С.Т., Алимбетов А.К. Городище Пульжай // Вестник КГУ им. Бердаха. 2015. № 1.
- Кдырниязов О.-Ш., Кдырниязов М.-Ш. Особенности городской цивилизации в контактной зоне оседлой и кочевой культур (по материалам Хорезма) // Сборник материалов Международной научно-практической конференции «Казахское ханство, как историческая основа независимого Казахстана в контексте идеи Мангилик ел». Шымкент, 2016.
- Кдырниязов О.-Ш. Хорезм в системе торговых отношений Востока и Запада // International symposium on «Culture dialogue of the Silk road countries». 5-6 th May 2016. Erzurum. Turkey.

- Материалы по истории туркмен и Туркмении (МНТТ).** Т. I. VII-XV вв. Арабские и персидские источники / Труды Института востоковедения. XXIX. М.-Л., 1939.
- Неразник Е.Е.** Сельское жилище в Хорезма (I-XIV вв.). М., Наука, 1976.
- Тизенгаузен В.Г.** Сборник материалов, относящиеся к истории Золотой Орды. Т. I. С.-Пб., 1884.
- Толстов С.П.** По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1948.
- Туребеков М.Т., Алнмбетов А.** Раскопки городища Бограхан // АИУ-2000 год. Самарканд, 2001.
- Туребеков М., Хакимниязов Ж., Утепбергенов Ф.** Работы Кунградского отряда // АИУ-2001. Ташкент, 2002.
- Туребеков М.Т.** Археологические исследования городище Бограхан // «Марказий Осиё халқлари тарихи манбашуноси ва тарихнавислиги масалалари» мавзудаги Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. Тошкент, 2013.
- Федоров-Давыдов Г.А.** Нумизматика Хорезма золотоордынского периода // Нумизматика и эпиграфика. Т. V. М., 1965.
- Ширинов Т.Ш., Пардаев М.Х., Мирзаахмедов Ж.К.** Академик Я.Ф. Фуломовнинг хаёт йўли ва илмий мероси // ЎММТ (ИМКУ). 29 нашри. Самарканд, 1998.
- Ягодин В.Н.** Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-Дарьи // МХЭ. Вып. 7. М., 1963.
- Gulam J.** Otmiz izlari (Arxeologik tadgigotlar) // Gulistan, 1937. № 4.
- Pegolotti F.B.** Lapracticca del la Mercature. Combridge-Masschusetts, 1936.

УДК: 902.01 (902.6)

УСТРУШОНАНИИГ ЎРТА АСР МЕТАЛЛСОЗЛИГИ ХУСУСИДА

© 2017. Ж.И. Гофуров

Жиззах давлат педагогика институти

Калит сўзлар: Металлсозлик, ёзма манбалар, археологик манбалар, қимматбаҳо метал (олтин, кумуш, мис), темир рудаси (қурол аслаҳалар, меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари), қишлоқ маконлари.

Данная статья посвящена истории развития горного дела и металлургии средневековой Уструшаны. Рассмотрены вопросы особенностей ювелирного дела и изготовления оружия и доспехов из железа и стали.

ABOUT THE METALLURGY OF USTRUSHANA IN THE MIDDLE AGES

J.I. Gofurov

This article is dedicated to the metallurgy sphere and analyzing activities of specialized centuries of mountain mine industry in Ustrushana in the Middle Ages. Also there sayed about preparing of jewelleryes from precious metals and weapons from Iron.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг барча вилоятларида тоғ-кон қазилма бойликларини очиш, уларни қайта ишлаш ва бу орқали ҳунармандчиликнинг турли соҳалари учун бой хом-ашё базасини яратиш ишига катта эътибор қаратилган. Хусусан, Фарғона вилоятининг Ахсикент атрофидаги Некад ва Юқори Ниса номли мавзелардаги конлардан олтин, қалай, кумуш, темир, мис, кўрғошин, асбест, Сўх атрофидан симоб, Ўзгандан нашатир, Исфара яқинидан “қора тош”, яъни тош кўмир қазиб олингани ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Ал-Истаҳрийнинг хабарига кўра, бу даврда Фарғонада ҳатто нефть ҳам ишлаб чиқарилган ва ундан шаҳар, қишлоқлар мудофааси даврида махсус қурол, сопол идишларга солиб отилган “ёнувчи бомба” сифатида фойдаланилган (Негматов, 1957. С. 71).

Фарғона билан чегарадош Илоқ вилоятининг Хожистон номли мавзеси яқинидаги конда ош тузи қадокланган. Бу ерда ишлаб чиқарилган ош тузи Чоч-Илоқ, Фарғона ва Хўжанд аҳолиси истеъмол таъминоти учун етарли даражада бўлган. Шунингдек, Илоқ бу даврда ўзининг бой руда конлари туфайли кумуш-кўрғошин ишлаб чиқаришга ихтисослашган муҳим тоғ-кон саноати марказига айланган. Илоқнинг кумуш конлари ўзининг бой захиралари ва ишлаб чиқараётган фойдали қазилмалари ҳажми бўйича Мовароуннаҳрда етакчи ўринда турган. Кумушдан ташқари Илоқ тоғларидан оловбардошли лой каолин-гилбўта, тегирмонтош, феруза каби фойдали, ярим қимматбаҳо тош ва металл қазиб олинган.

Ўрта аср ҳунармандчилиги бўйича худди шундай маълумотлар Суғд, Бактрия-Тохаристон, Хоразм ва албатта, Уструшона учун ҳам хос бўлиб, бу ўлкаларда тоғ-кон ишлари, рудани қайта ишлаш ва эритиш, металлдан қишлоқ хўжалик

куроллари ва уй-рўзгор буюмлари, ҳарбий аслаҳалар яшаш, тўқимачилик (пахта-ип, ипак, жун, тивит матолар), кулоллик, ёғочсозлик, тери ва чармдан тикиладиган ашёлар, сув тегирмончилиги, заргарлик кенг миқёсда қўлланилган ва ривожланган. Уструшопада ҳам хунармандчиликнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг айрим соҳалари бўйича Бунжикат, Минк, Марсманд, Зомин, Дизак, Мунчоктепа, Сабат ихтисослашган марказлар сифатида фаолият кўрсатган.

Н. Негматовнинг ёзишича, Юқори Зарафшон воҳасида қадимги даврлардан олтин қазиб олиш йўлга қўйилган. Бу фаолият IV-X асрларда ҳам давом этган. Хитой муаллифлари ва араб географлари маълумотларида бу ҳақида атрофлича бўлсада, маълумотлар бор. Хусусан, Хитой хроникаларидан бири “Бэйши”да Ми (Маймурғ) вилоятининг шарқий томонидаги тоғлардан (Юқори Зарафшон) аъло сифатли олтин қазиб олинди қайд этилган. Яна бир Хитой хроникаси “Суй-шу” маълумотига қараганда, Кан (Суғд) давлати ҳудудидаги тоғлардан кўп миқдорда олтин қазиб олинган. Ал-Яқубийнинг ёзишича, Суғд дарёси (Зарафшон) суви таркибида олтин бўлиб, Хуросонда бу даражада кўп олтин мавжуд бўлмаган (Пардаев, Ғофуров, 2016. 290-296 б.).

Ибн Хордадбех олтин олишнинг энг осон ва содда усулини ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, Ваҳад қишлоғи аҳолиси Жайхун дарёси қирғоғига келиб эчки териси сиртини юқорига қаратиб ёзишади ва унинг атрофига қозиклар қоқиб терини қозикларга маҳкам боғлашади. Сўнгра бир киши дарёга тушиб сувни лойқалатади, иккинчиси ушбу лойқа сувни эчки териси устига сепеди. Бу иш жараёни эчки териси кум ва бошқа жинслар билан тўлиб оғирлашгунга қадар давом этади. Кейин эса эчки териси ечиб олинди қуёш тиғида қурилади. Яхши қуриган эчки терисини чарм тўшама устига қоқилади ва тўпланиб қолган олтин зарралари йиғиб олинади (Негматов, 1957. С. 92). Дарвоқе, этнографик маълумотларга кўра, бу усулдаги олтин олиш Зарафшоннинг куйи оқимида XIX-XX аср бошларида ҳам қўлланилган.

Хитой ёзма манбаларида араб халифалиги истилосига қадар Мовароуннаҳр аҳолиси ибодатхоналаридаги олтин санамлар, бутлар ва турли ашёлар, подшоҳлар қасридаги олтин тахтлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу маълумотларни араб географлари ҳам ўз асарларида такрорлашган ва тасдиқлашган.

Араб истилосининг иккинчи босқичи Қутайба ибн Муслим (704-715 йй.) даврида маҳаллий конлардан ишлаб чиқарилган Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқларидаги олтин, кумуш, улардан ясалган бут ва санамлар эритилиб халифалик хазинасига ташиб кетилган.

Яна бир қатор географларнинг тасдиқлашларича, Зарафшон сувидан ташқари тоғ-кон хунармандчилиги бўйича Буттамда ҳам фаол ишлар олиб борилиб, у ердан олтин қазиб олинган. Ал-Муқаддасийнинг ёзишича, Уструшондан Хутталга борадиган тоғ йўли ёқасидаги конлардан ҳам олтин қазиб олинган. Ушбу муаллиф Уструшопага қарашли Хашт шаҳри яқинидан, шунингдек, Буттамдан кумуш ҳам қазиб олингани ҳақида хабар беради. Баъзи уструшонашунослар, жумладан, биз ҳам Хашт шаҳри ҳозирги Эски Ховос шаҳар ёдгорлиги (Ховос тумани) ўрнида фаолият кўрсатган, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда 1943-1944 йилларда Фарход канали қурилиши пайтида ўтказилган археологик тадқиқотларнинг топилмаларига қараганда, маҳаллий ва эҳтимол, Қорамзор ва Фарғона тоғ-кон ишлари ҳам ашё базаси асосида Шимолий Уструшопада заргарлик санъати ривожланган ва бу соҳанинг маркази Мунчоктепада вужудга келган. Мунчоктепанинг илк қурилиш қатламларидан тўқ

кул рангли сланец тошидан ясалган, икки палладан иборат исирга куйиш қолипи топилган. Тош қолипнинг ички томонига бир-бирига айнан ўхшаш бир жуфт исирганинг шакли ва уни эритилган металл билан тўлдириш учун каналча ўйиб туширилган. Қолипнинг икки палласи иккита металл бурама билан бир-бирига маҳкам туташтирилган. Демак, даставвал ўтроқ деҳқон аҳолининг қишлоқ макони бўлган Мунчоктепа ўзининг географик жойлашувига мувофиқ, яъни чорвадор халқлар билан яқин қўшничилик алоқалари, карвон савдоси йўли ёқасидаги омиллар туфайли савдо-сотик марказига айланган. Бу ерда, нафақат, ишлаб чиқаришга оид хунармандчилик маҳсулотлари, балки қимматбаҳо металллардан тайёрланган заргарлик буюмлари ҳам ясалган. Бунинг учун эса юқорида қайд этилган қолиплар муҳим аҳамият касб этган (Гайдукевич, 1947. С. 100-109).

Мунчоктепа яқинида жойлашган Ширинсой қабристонини очиб ўрганган В.Ф. Гайдукевич гуруҳи қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металллардан, аксарият ҳолларда куйма усулида ясалган бир қатор заргарлик буюмларини топишга муваффақ бўлади. Мозорқўрғонлардан топилган бронзадан куйилган қўнғироқчалар, симсимон, ўрама билакузуклар, узуклар (баъзи узуклар темирдан ясалган) бир томони ёпиқ кувурча шаклидаги пичоқ дасталари топилган. Ушбу топилмаларнинг аксарияти аёллар қабридан топилган ва шу сабабли, муаллифлар қўнғироқчаларни аёлларнинг сочларига тақилган зеб-зийнат буюмлари, деб эътироф этишган (Гайдукевич, 1952. С. 331-359).

Шунингдек, алоҳида аҳамиятга молик моддий маданият намуналаридан навбатдагиси, Фарход каналининг чап қирғоғида ўтказилган қазилмалар пайтида топилган олтин тақинчоқлар ва зеб-зийнат буюмларидир. Думалоқ қутича шаклидаги исирга ингичка олтин сим-пластинкадан ясалган бўлиб, унинг устига одам юзи тасвири чизилган. Бундан ташқари, топилмалар орасидаги олтин симдан ясалган ўрама узук, турли нақшлар туширилган пластинкалар, куйма медальоннинг иккита феруза тоши билан безатилган олтин занжири каби заргарлик буюмлари ҳам диққатга сазовордир. Ушбу топилмаларни ўрганган С.К. Кабановнинг таъкидлашича, барча топилмаларнинг кимёвий таркиби бир хил бўлиб, бу омил хом-ашёни бир ерда ишлаб чиқарилганини тасдиқлайди ва улар ягона заргарлик устахонасида ясалган (Кабанов, 1948. С. 71-81).

Мунчоктепа заргарлари, нафақат қимматбаҳо металллардан, балки сержило ҳисобланувчи сердолик, феруза, қора хрустал, лаъл каби ярим қимматбаҳо тошлардан ҳам тақинчоқлар, нафис буюмлар ясаганлар. Бу хом-ашёлар Уструшона билан Фарғона чегарасидаги тоғлардан олинган. Бу ярим қимматбаҳо тошлардан асосан мунчоқлар, узуклар ясалган, ёки олтин ва кумуш тақинчоқларни безатишда улардан фойдаланилган (Негматов, 1957. С. 94).

Уструшонанинг иқтисодий ҳаёти ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун унинг ҳудудидан катта ҳажмда темир рудасини қазиб чиқарилиши ва уни қайта ишлаб асбоб-ускуналар, меҳнат анжомлари ва айниқса ҳарбий қурол-аслаҳалар ясалиши муҳим аҳамият касб этган. Хитой хроникаси “Бэй-ши”да қайд этилишича Ми (Маймурғ) вилоятининг шарқий томонида жойлашган тоғлардан (яъни Уструшона ҳудудидаги Туркистон тоғларидан) кўп миқдорда темир рудаси қазиб олинган. Худди шундай маълумотни “Худуд ал-Олам”нинг номаълум муаллифи ҳам қайд этади. Ибн Хавқал эса Уструшонанинг Минк рустоқи ва унинг яқинидаги Марсманд мавзеида қазиб олинган темир рудаси ва ундан тайёрланган ҳарбий қуроллар ҳақида хабар беради.

Минк ва Марсманда қазиб олинган рудаларнинг катта қисми ўз жойида қайта ишланган ва улардан ҳарбий қурол-аслаҳалар ясалган. Бу қуролларнинг сифат даражаси ниҳоятда яхши бўлиб, улар Мовароуннаҳрдан ташқари Хуросон, Ироқ ва Бағдодга қадар тарқалган. Ибн Хавқал бу ерда темирнинг кўплиги, темирчи усталарнинг юксак малакаси ва ижодкорлиги туфайли ақл бовар қилмайдиган, ҳайратланарли буюмлар ясалгани ҳақида хабар беради (Пардаев, Гофуров, 2016. 290-296 б.).

Минк ва Марсманда тайёрланган ҳарбий қурол-аслаҳалар ҳақиқатан ҳам Хуросон ва Ироқгача бўлган ҳудудларга карвон савдоси орқали олиб бориб сотилган бўлса, демак ушбу ашёларнинг сифати ниҳоятда юқори даражада бўлган. Чунончи, халифалик пойтахти Бағдодга қадар доврўғ таратган Уструшона усталарининг соф темир ва пўлатдан ясалган маҳсулотлари ўзининг рақобатбардошлиги билан ажралиб турган.

Минк ва Марсманд темирчилиги бўйича В.В. Бартольд бироз бошқача фикр билдирган. Унинг айтишича, Минк ва Марсманда тайёрланган темир ярим фабрикант шаклида Фарғонага олиб кетилган ва у ерда хом-ашёдан юқори сифатли буюмлар тайёрланган (Бартольд, 1963. С. 169). Лекин, юқорида қайд этилган ёзма манбалар маълумотида бундай хабар йўқ. Уструшонада тайёрланган темир ва пўлат хом ашё сифатида энг аввало кўшни вилоятлар бозорига чиқарилган бўлиши мантиқан тўғри. Шунга қараганда, Фарғона, хусусан, Ахсикент ва Хўжанд темирчи, қуролсоз усталари юқори сифатли Уструшона темир маҳсулотларини сотиб олиб ундан турли буюмлар, жумладан ҳарбий қурол-аслаҳалар ишлаб чиқарган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Шундай қилиб, ҳулоса қилишимиз мумкинки, биринчидан: Уструшонанинг тоғли ҳудудида жойлашган Минк рустоқи ва унинг яқинидаги Марсманд шаҳарчаси ўрта асрларда Турон заминининг йирик темирчилик маркази сифатида фаолият кўрсатган. Иккинчидан: ушбу даврларда Уструшонада маҳаллий хом ашёлар базаси негизида заргарлик хунармандчилиги ривожланиб, юксак санъат даражасига кўтарилган. Аслида ушбу хунармандчиликка Мунчоктепадан топилган заргарлик қолипига кўра, Уструшонада камида антик даврда асос солинган. Сўнгги ўрта асрларга оид ёзма манбаларда Ўратепа заргарлари ҳақида маълумотлар мавжуд Жиззахда эса ҳатто Заргарлик номли маҳалла фаолият кўрсатган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Бартольд В.В.** Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. I. М., 1963.
- Гайдукевич В.Ф.** Могильник близ Ширинская в Узбекистане // СА. № XIV. М., 1952.
- Гайдукевич В.Ф.** Работы Фархадской археологической экспедиции Узбекистана в 1943-1944 гг. (Предварительное сообщение) // КСИИМК. Вып. XV. М.-Л., 1947.
- Кабанов С.К.** Археологические находки на Фархадстрое // Известия УзССР. №5. Ташкент, 1948.
- Негматов Н.Н.** Уструшана в древности и раннем средневековье. Сталинабад, 1957.
- Негматов Н.Н.** Уструшанский компонент среднеазиатской культуры раннего средневековья // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. Душанбе, 1977.
- Пардаев М.Х., Гофуров Ж.Н.** Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент, 2016.

ФАИ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ ИАУКИ

HISTORY OF SCIENCES

УДК: 902.01 (902.6)

АБУ РАЙҲОИ БЕРУНИЙИИИГ «ҲИДИСТОИ» АСАРИИ
ЎЗИЛИШ ТАРИХИ ХУСУСИДА

© 2017. М.А. Хандамова

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Калит сўзлар: *Хоразм, Ҳиндистон, Абу Наср ибн Ироқ, Беруний, Маҳмуд Ғазнавий.*

В статье, основываясь на данных Абу Райхана Беруни в его труде «Индия», даются сведения о научных взаимоотношениях между Хорезмом и Индией в средние века.

SCIENTIFIC RELATIONS BETWEEN KHOREZMAND INDIA IN MEDIEVAL AGES (basing on "India" al-Beruni).

M. Khandamova

The author basing on Abu RaihanBeruni's "India" gives the сведенияof scientific relations between Khorezm and India in medieval ages.

Хоразм Марказий Осиёнинг ғарбида Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган сиёсий-жуғрофий ҳудуд бўлиб, бу тарихий маданий воҳа ўзининг қадимги давлатчилик анъаналарига эгадир. Хоразмнинг қадим ва илк ўрта асрлардаги тарихи кўплаб олимлар томонидан ўрганилган (Толстов, 1938. с. 20-24; Толстов, 1948. с. 325; Массон, 1966. с. 12-16; Вайнберг, 1972. с. 15-19; Гулямов, 1957. с. 326; Лившиц, 1970а. с. 161-169; Лившиц, 1970б. С. 5-6). Бу тадқиқотларнинг кўрсатишича, Хоразмда давлатчилик кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, Хоразм ҳокимлари қадимдан хоразмшоҳ унвони билан аталганлар, танга пуллар зарб этилган ва сулолалар бўйича йил ҳисоби олиб борилган. Фақат Африқий хоразмшоҳлар сулоласи қарийб милодий III асрдан 995 йилгача ҳукм сурганлар. Африқийлар сулоласи 995 йили Маъмунийлар сулоласи билан алмашган. Бу сулолага 1017 йили Султон Маҳмуд Ғазнавий барҳам беради. Айнан Маъмунийлар сулоласи даврида Хоразмда мустақил давлатчилик асослари қайтадан тикланиб, айниқса илм-маърифат юксалган.

XI асрда Ғарбий Хоразмда шаклланган ва кейинчалик Маъмун академияси номини олган илмий муассаса тез орада Марказий Осиёдаги йирик илм-маърифат марказига айланди. Бу илмий муассасанинг анъаналари қадимги Хоразм илмий маданий анъаналари ва Африқийлар давридаги Кат шаҳри анъаналари билан узвий равишда боғлиқдир. Маълумки Кат Хоразмнинг қадимги пойтахти бўлиб, у ерда эски анъаналар бўйича олимлар гуруҳи тўпланган бўлиб, уларнинг орасидаги энг йирик шахс Абу Наср ибн Ироқ эди. У аниқ фанлар соҳасида юксак ютуқларга эришган, қатор илмий рисоалар нашр этган, шу билан бирга у Абу Райхон Берунийдек буюк сиймонинг илм соҳасидаги устози эди. Ибн Ироқ ва Берунийнинг Хоразмда эришган астрономия ва математика соҳасидаги улкан ютуқларини Шарқдаги бошқа илмий марказлар Мирзо Улуғбек давригача такрорлай олмади.

Абу Наср ибн Ироқ ўзининг “Сферика” номли асарида текис ва сферик учбурчаклар учун синуслар теоремасини исбот қилди. Шундан кейин, сферик астрономиянинг ва умуман телескоплар ихтиро қилинишига қадар бўлган астрономиянинг барча масалаларини ҳал қилиш имконияти юзага келди. Беруний ана шу ютуқлар ва анъаналарни тўла ўзлаштирган Ибн Ироқнинг бирдан бир шогирди эди.

Абу Райҳон Берунийнинг Хоразм Маъмун академиясидаги ўрни бекиёсдир. У факатгина устозидан ўрганган илмлар билан чегараланиб қолмай, ўша давр фанининг бошқа ўнлаб соҳалари билан ҳам машғул бўлди. Шулар орасида қадимги халқларнинг тарихи, динлар тарихи ва турли халқлар орасидаги илмий муносабатлар масаласи муҳим ўрин тутарди. Бошқа муаллифларда бўлмаганидек, қандайдир сабабларга кўра Беруний ижодида Ҳиндистон тарихи, унинг динлари тарихи ва бошқа кўплаб масалалар муҳим ўрин тутган. Бизнинг фикримизча бунинг сабаблари қуйидагичадир.

Илк ва ривожланган ўрта аср даврларида Ҳиндистон Марказий Осиёдаги давлатлар учун узок мамлакат бўлмаган эмас. Аксинча, Ҳиндистон бу давлатларга кўшни бўлган. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида ҳар доим хинд савдогарлари яшайдиган йирик маҳаллалар бўлган. Худди шунингдек, маълумотларга кўра (Птолемей мил. II аср, Арриан мил. II аср), ҳатто милоддан аввалги даврларда ҳам Ҳиндистонда, Синд дарёси хавзасида ўртаосиёлик саклар ва суғдлар яшайдиган йирик ҳудудлар бўлган. Албатта бундай аҳоли алмашиши ва кўчишлари, айниқса милодий I-IV асрларда ҳукм сурган Кушонлар давлати давридаги фаол маданий алоқалар билан изоҳланади.

Шундай қилиб, мазкур тарихий ва илмий сабабларга кўра, Беруний хиндлар муаммоси билан махсус шуғулланган. Ҳиндлар билан боғлиқ бўлган илк маълумотлар Берунийнинг “Осор ал-боқия” асарида келтирилади (Абу Райхан Беруни, 2015. С. 140). Бу асарнинг ёзилиши 1003 йилга тўғри келган бўлиб, у пайтлар ҳали Беруний Ҳиндистонга бормаган, хинд илмий анъаналарини чуқур ўрганмаган бўлса-да бу асарда хиндларнинг календарлари ва хиндлардаги ой манзиллари (Абу Райхан Беруни, 2015. С. 494) ҳақида тўхталади.

1017 йил охиридаги воқеалардан сўнг, яъни Хоразмни султон Маҳмуд Ғазнавий забт этиб, Берунийни Ғазнага олиб кетганидан кейин, унинг ҳаётида янги давр бошланади. Маҳмуд Хоразмдан олиб кетаётган асирлар қаторининг бир учи Термизда бўлса, унинг икки учи Мўлтон ва Лоҳурга етган эди. Худди шунингдек, султон Маҳмуд 1017 йилгача Ҳиндистонга бир неча марта ҳарбий юришлар қилиб, Ғазнага кўплаб хинд асирларини келтирган. Султон Маҳмуд аҳолини бундай оммавий кўчиришлари натижасида, ўша пайтлардаги иборалар билан айтсак, “Хуросон Ҳиндистон бўлиб, Ҳиндистон Хуросон бўлиб қолган эди”. Энди Беруний Ғазнада кўплаб хинд олимлари ва хунармандлари билан учрашиш имкониятига эга бўлди. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган кейинги давомли юришларида Беруний ҳам у билан бирга Ҳиндистонга борганлиги маълум, бироқ у неча марта ва қайси вақт оралиқларида у ерда бўлганлиги аниқ маълум эмас. “Ҳиндистон” асарининг XXXI боби охирида Беруний мамлакатнинг кенгламаларини ўзи аниқлаган пунктларининг рўйхатини келтириб, ундан нари ўтмаганлигини айтади (Бируни, 1963. С. 242-243). У келтирган рўйхатдан кўринадики, Беруний Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг баъзи ерларида, Кобул

дарёси воҳасида, Панжобда бўлган. Афтидан, у Мўлтон билан ҳам яхши таниш бўлган.

Айтганимиздек, 1017 йил охирида Беруний Ғазнага келганидан сўнг унинг ҳинд олимлари билан учрашишига имконият туғилди ва у чанқоқлик билан Ҳиндистон ва ҳиндлар ҳақида маълумот тўплашга киришди. Заҳау “Ҳиндистон”да Беруний келтирган саналарни таҳлил қилиб, олим ўз асарини 1030 йил 30 апрели билан 30 сентябри оралиғида ёзиб тугатган деган аниқ хулосага келган. Демак, бундан олим ўз асарига 1017 йил охиридан 1030 йил 30 апрелигача маълумотлар тўплаган, деган хулоса келиб чиқади.

Берунийнинг Ҳиндистонда бўлган йиллари мамлакат тарихидаги кескин бурилишлар даврига тўғри келади.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний “Танланган асарлар”ининг иккинчи жилдини олимнинг ўзи “Китāб тахрīр мā ли-л-Ҳинд мин мақўла мақбўла фў-л-‘ақл ау марзўла”, деб атаган бўлиб (1), у фан тарихи ва илмий адабиётга “Ҳиндистон” номи билан кирган. Ўрта асрларнинг кейинги даврларида асарни “Ҳиндистон тарихи” ҳам дейилган, лекин бу ном фанда ўрнашмай қолди.

Бу асарнинг немис шарқшуноси Э. Заҳау аввал 1887 йили Лондонда арабча матнини нашр этди (Alberuni’s India, 1887), сўнг 1888 йили ўша ерда унинг инглизча таржимасини нашр этди (Alberuni’s India, 1888). Шарқшуносликка тааллуқли адабиётларда “Ҳиндистон”га жуда юқори баҳо берилган. Бу борада машҳур шарқшунос В.Р. Розеннинг қуйидаги сўзларини келтириш kifоя: “Бу – ўз хассослиги билан ягона ёдгорлик бўлиб, на Шарқнинг ва на Ғарбнинг бутун қадимги ва ўрта асрлар адабиётида унинг тенги йўқдир” (ЗВО, 1888. С. 147). Америкалик фан тарихчиси Ж.Сартон ҳам Берунийнинг асарини синчковлик билан ўрганиб, олимнинг ўзига юксак баҳо берган, у XI асрнинг биринчи ярмини “Беруний асри”, деб атаган ва “Беруний замонасининг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг ҳам энг улуғ сиймосидир” (Sarton, 1927. P. 693, 707), деб таъкидлаган.

Олимнинг ўзига ва асарига берилган бундай юксак баҳолар Берунийнинг ўз асарида Ҳиндистон ва ҳиндларнинг маданияти, динлари, илмлари, тарихлари ва удумлари ҳақида ниҳоятда бой ва тўлиқ маълумотлар келтирилгани сабаблидир. Асарнинг 1963 йилдаги русча нашрида келтирилган сўзбошида унинг муаллифлари Беруний 1017 йилнинг охирида муҳожирлик қилишидан аввал ҳинд астрологияси ҳақидаги маълумотларини фақат ўша даврдаги араб адабиётидан олинган маълумотлардир дейдилар (Бируни, 1963. С. 242-243).

Бизнингча, Беруний ҳиндларнинг илмлари, хусусан, астрономиялари ҳақидаги илк маълумотларни Хоразмнинг йирик шаҳарлари Кат ва Гурганчда яшаган ҳинд муҳожирлари ва савдогарларидан олган. Чунки у даврда Сомонийлар давлати Ҳиндистон ва Ғазнавийлар давлатига қўшни эди. Юқорида айтганимиздек, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг йирик шаҳарларида ҳинд маҳаллалари бўлиб, у ерларда ҳинд савдогарлари ва умуман Ҳиндистондан келган сайёҳлар ва муҳожирлар яшарди. Лекин олим ўз асарларида бу ҳақда аниқ айтмаганлиги учун у муҳожир ҳиндлардан қандай маълумотларни сўраб олганлигини билмаймиз. Лекин ҳар ҳолда у ҳиндларнинг илмий тиллари – санскрит ҳақида бошланғич маълумотларни олганлиги ҳақиқатга яқин, чунки бунга кўп далиллар мавжуд.

Ҳиндистонга Маҳмуд Ғазнавий бошчилигида турклар ва хуросонликларнинг келиши билан шу пайтгача ўз ҳолича ривожланаётган иккита ўзига хос ва бой

маданият ўзаро тўқнашади; булардан бири бу пайтга келиб тушкунлик ва таназзулга юз тутган қадимги ҳинд маданияти бўлса, иккинчиси ислом ва арабнавис адабиёт билан бирлаштирилган Мовароуннахр, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг анча ёш, мусулмон маданияти эди. Шуниси қизиқки, шу пайтгача барча келгинди, ташқи таъсирларни доимо ўзига сингдириб турган қадимги ҳинд маданияти кўп жиҳатдан ёт бўлган ташқи маданиятнинг қаттиқ сиқувига дучор бўлди. Лекин бу ҳинд заминидан икки маданиятнинг ўзаро сингиши бўлиб, янги маданият туғилишига асос солинаётган ижтимоий жараён эди. Лекин бу жараён анча узокқа чўзиладиган бўлиб, XI аср бошидаги тарихий шароит ҳали ҳиндлар билан келгинди турклар ва хуросонийларнинг ўзаро маданий яқинлашишларига деярли ҳеч қандай қулайлик туғдирмас эди.

Ана шундай шароитда хоразмлик олимнинг Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда султон Маҳмуд томонидан забт этилган ерларга келиши юзаки қараганда юксак тўнтаришлар, ғалаёнлар юз бераётган, кўплаб инсонларнинг тақдирлари ўзгараётган шароитда кўз илғамас бир ҳодиса бўлса ҳам, фан ва маданият тарихида у бекиёс, улкан аҳамиятга молик эди.

Шундай қалтис вазиятда Беруний ҳиндларнинг ҳаёти ва дунёқараши билан танишишга, Ҳиндистоннинг ҳалок бўлаётган мумтоз маданияти ёдгорликларини излаш ва ўрганиш учун барча имкониятларини ишга солди. Бунинг учун унинг катта қаршилик ва тўсиқларни енгишига тўғри келди. Ғазнавийлар давлатининг расмий доиралари аскарларда ва аҳолида ғайридин ва кофир ҳиндларнинг маданияти ва фанига нисбатан инкор тугул нафрат туйғуларини уйғотишга интилган бўлсаларда, Беруний бу борада ўз шахсиятига хос бўлган бағрикенглик ва толерантликни намоиш қилди. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, Беруний ўтмишда хоразмшохлар хонадонига яқин бўлиб, Маҳмуд Ғазнавийнинг сиёсий рақиби тарафида бўлган. Кейинчалик, у султоннинг асири бўлгани учун ҳам, ўзининг мустақил фикрлаши ва мағрурлиги билан ҳам султоннинг хайрихоҳлиги ва илтифотига лойиқ топилмас эди. Бунинг устига султон саройидаги ҳасадгўй, ғаразгўй ва лаганбардор аъёнлар ҳам олимнинг султон илтифотидан фойдланишига йўл қўймас эдилар. Унга кўпчилик сарой аҳли шубҳа ва ишончсизлик билан қарар ва олимнинг Ҳиндистонни ўрганиш ва тадқиқ қилишга уринишларига катта қаршилик қилишар, ҳатто, олимнинг бу борадаги ҳаракатларига душманлик руҳида муносабат билдирар эдилар.

Беруний бирор нарсанинг моҳиятини тадқиқ қилишда улар билан боғлиқ бўлган бошқа кўплаб ўзига хос қийинчиликларни ҳам енгишига тўғри келган. Чунончи, Ҳиндистонда ишлаб, ҳиндлар билан очиқ муносабатда бўлиш учун уларнинг тилларини ҳам – унинг ҳам оғзақисини, ҳам адабийсини – тўла равишда ўзлаштириши керак эди. Э. Захаунинг тан олишича, ислом тарқалган мамлакатлардан ташқарида турган мамлакатнинг тилини мусулмон олимнинг ўзлаштиришига интилиши ўша давр учун ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатга ўхшайди (Alberuni's India, 1888. P. XIV). Ҳинд тиллари, хусусан санскрит, Беруний учун одатдагидек бўлган адабий тиллар – арабча, форсча, ва унинг ўз она тилиси хоразмийчага нисбатан ўз тузилишига нисбатан жуда катта фарқ қиладиган тиллар эди. Энг аввало, бу тилнинг фонетикасини ўзлаштириши оғир келганлиги унинг қуйидаги сўзларидан кўринади: “Уларнинг тилидаги баъзи ҳарфлар араб ва форс тилларидаги тегишли товушларга тўғри келмайдиган ва ўхшамайдиган ҳарфлардан таркиб топган; ҳатто, тил ва оғзимиз у ҳарфларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди,

кулоқларимиз уларнинг ўхшаш ва тенгдошларидан ажратиб эшитолмайди ва қўлларимиз у ҳарфларни худди ўзидек қилиб ёзолмайди; натижада, уларнинг айрим сўзларини бизнинг хатимиз билан кўрсатиш қийинлашади. Ҳиндларнинг тилларида, бошқа халқлар тилларида қатор келгани сингари икки ва уч ундош ҳарф кетма-кет келади. Сухбатдошларимиз у ҳарфларни “унлиси яширин ҳарфлар”, деб атайдилар. Кўпгина сўз ва исмлар сукун [ундош ҳарф] билан бошланганидан, уларни талаффуз қилиш бизга қийин бўлади” (Бируни, 1963. С. 32-33).

Адабий тилни ўрганишда бошқа жиддий қийинчиликлар ҳам туғиларди: булардан бири – санскрит грамматик тузилишининг мураккаблиги билан сўз бойлигининг катталиги, бунинг устига таназул давридаги ҳинд ёзувчиларининг баёнда мураккаб ва оғир ибораларни ишлатишга интилишлари ва ниҳоят аксарият ҳинд китобларининг танланган вазн шакллари эди. Беруний ўз олдида пайдо бўлган барча тўсиқлар ва қийинчиликларни санаб чиқишни ушбу сўзлар билан якунлайди: “Бу мавзуга кириш йўллари мени қаттиқ чарчатди, гарчи мен бу соҳани жуда севсамда. Шу билан бирга, ўша кунларда уларнинг китоблари бор деб гумон қилинган жойлардан тўплашга ҳеч ким тенглашолмайдиган даражада қизиқардим, китобларни бекитиб қўйилган жойлардан топиб олишга йўл кўрсатувчи кишини олдимга чақириб, бахиллик қилмасдан, мумкин бўлганича, унга эҳсон қилар эдим. Шундай қийинчиликларни енгиш иши мендан бошқа [яна] кимга муяссар бўлди? “Тангри бу [ишларда] менга муваффақият бергани учун тангрига шукурлар бўлсин” (Бируни, 1963. С. 36). Демак, Беруний ўз вазифасининг нақадар оғирлигини билибгина қолмай, ниҳоятда кам ўрганилган ва ўта қизиқарли мавзунини ўраниш учун унга очилган фавқуллодда муҳим ва бахтли имкониятни ҳам англаб етган.

Берунийнинг ушбу асари ўрта асрлар дунёсида Ҳиндистон ҳақида ёзилган энг нодир ва дурдона ёзма манба бўлиб, у ўша давр Ҳиндистон халқларининг илм-фани, урф-одатлари, динлари ҳақида чуқур хабардорлик ва нозик дид билан ёзилган юксак аниқликдаги асар ҳамдир. Беруний ушбу китобида келтирилган тарихий, фалсафий, этнографик ва географик маълумотлар, унинг Ҳиндистон ҳаётининг барча соҳаларига берган объектив баҳолари шу кунгача ўз кучини йўқотган эмас ва улар ишончлидир. Берунийнинг “Ҳиндистон” асари унинг асл ватани Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг қўшни ерларида ҳам фаннинг юксак даражада ривожланганлигидан ва бу ерларнинг Ҳиндистон билан маданий алоқалари нақадар узвий, давомли бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Изоҳлар:

1. Асарнинг узун номининг бир неча вариантларини маълум. Э. Заҳау нашрида: “*Китоб ... фӣ таҳқӣқ мӣ ли-л-ҳинд мин мақӯла мақбӯла фӣ-л-‘ақл ау марзӯла*” деб қабул қилинган. Инглизча таржумага изоҳида Заҳау маҳсус кўрсатиб, таҳқӣқ ҳаққатини аниқлашнинг, мақӯла эса Аристотел фалсафасидаги “категория” тушунчасини билдиринини айтган ва Беруний ўз асарида ҳиндлар тафаккурига оид барча категориялар ҳақида ҳақиқатни аниқлашни ўзига мақсад қилиб кўйганини айтган. Аммо Беруний ижодини кейинги ўрганишлар натижасида айнан ана шу икки сўзни алмаштирилган ва энг сўнгги тадқиқотларда асарнинг номи ушбу: “*Китоб фӣ таҳрӣр мӣ ли-л-ҳинд мақӯла мақбӯла фӣ-л-‘ақл ау марзӯла*” кўринишда қабул қилинди.

2. Яқин пайтларда (XIX аср ўрталарида) ҳозирги Тошкент шаҳрининг “Пахтакор” стадионини ўрнида ҳиндлар маҳалласи бўлгани маълум. Ўрта Осиёни Россия забт этганидан сўнг XIX аср охирига яқин Туркистон генерал-губернатори у ердаги ҳиндларни Британия аҳли сифатида Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқарган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Абу Райхан Беруни.** Памятники минувших поколений (Хронология) / Перевод с арабского М. Салье. Дополнения, исправления, подготовка к печати, а также вводная статья, комментарии и указатели А.Ахмедова. Ташкент, 2015.
- Бируни.** Индия – Абу Райхан Бируни. Избранные произведения. Т. II. (Индия). Перевод А.Б. Халидова и Ю.Н. Завадовского, комм. В.Г. Эрмана и А.Б. Халидова. Ташкент, 1963.
- Вайнберг Б.И.** Титулы правителей домусульманского Хорезма // Эпиграфика Востока. Т. XX I. М.–Л., 1972.
- Гуломов Я.Г.** История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1957.
- Лившиц В.А.** Хорезмский календарь и эры Древнего Хорезма // Палестинский сборник. Вып. 21(84). Ближний Восток и Иран. Л., 1970а.
- Лившиц В.А.** История, культура, языки народов Востока. М., 1970б.
- Массон В.М.** Хорезм и Кушаны (Некоторые вопросы хорезмийской нумизматики) // Эпиграфика Востока. Т. XVII. М.–Л., 1966.
- Толстов С.П.** Монеты шахов древнего Хорезма и древнехорезмийский алфавит // Вестник древней истории. 1938. № 4 (5).
- Толстов С.П.** По следам древнехорезмийской цивилизации. М.- Л., 1948.
- ЗВО.** Хандстоннинг нашр этилган арабча матнига тақриздан. Вып. III. 1888.
- Alberuni's India.** An Account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A.D. 1030, Edited in arabic original by E. Sachau. London, 1887.
- Alberuni's India.** An Account etc. An English edition, with notes and indices by E. Sachau, I-II. London, 1888.
- Sarton G.** Introduction to the history, of science. Volume I, from Homer to Omar Chayyam. Baltimore, 1927.

УДК: 902.01 (902.6)

**ФРАИЦУЗ ТАДҚИҚОТЧИСИ ШАРЛЬ ЭЖЕИ УЖФАЛЬВИИИИГ
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИ**

© 2017. Д.Б. Расулова

Самарқанд давлат университети

Калит сўзлар: Туркистон, Марказий Осиё, Ўзбекистон, тарихшунослик, манбашунослик, ориентализм, француз шарқшунослиги, манбавий асослар, таджикотлар, тарих, этнография, маданият, дин, санъат, ташқи алоқалар.

В данной статье подробно освещаются детали научной экспедиции в Центральную Азию французского исследователя Шарля Эжена Ужфальви. В частности, глубоко анализируются антропологические и этнографические исследования ученого в Сырдарьинской и Зерафшанской долинах, в Ташкентском и Ферганском оазисах, Джунгарии и Семиречье, а также показано значение этих научных экспедиций для дальнейших французских исследований.

THE SCIENTIFIC EXPEDITION OF FRENCH EXPLORER CHARLES EUGENE UJFALVY IN CENTRAL ASIA

D.B. Rasulova

In given article widely revealed scientific expedition of French researcher Charles-Eugène Ujfalvy to the Central Asia. In particular, deeply analyzed anthropological and ethnographic researches of the scientist in valleys of the Syr-Darya and Zerafchane, in oases Tashkent and Fergana, Dzungaria and Semiretche, the value of these scientific expeditions in the further French researches were shown.

Марказий Осиё – ўзига хос хусусиятлари ва геополитик жойлашуви жиҳатидан дунёдаги энг муҳим минтақалардан бири ҳисобланади. Ушбу минтақа Шарқ цивилизацияси ва маданиятининг табиий ва муҳим бўлаги сифатида унинг ривожини учун барча даврларда ҳам мислсиз ўрин эгаллаб келган (Гуломов, Татыбаев, 2004. С. 8).

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида мазкур минтақа европалик олимлар, таджикотчилар ва сайёҳлар томонидан кенг миқёсда ўрганилган. Минтақанинг тарихи, маданияти, тили, дини, этнографияси ва табиатини ўрганиш мақсадида рус, инглиз, немис ва хусусан француз таджикотчилари томонидан кўплаб илмий изланишлар ҳам олиб борилган. Бундай таджикотлар дастлаб археология, этнография ва география соҳаларида олиб борилиб, кейинчалик маданият, дин ва бошқа йўналишлар тадқиқи ҳам кучайиб борган. Мазкур илмий экспедиция Россия империяси, Хитой ва шарқий Туркистоннинг айрим ҳудудларини қамраб олган бўлса-да, ушбу мақолада Марказий Осиё минтақасидаги таджикотларга эътибор қаратилади.

Илмий экспедициянинг раҳбари ва экспедиция таркибининг асосий аъзоларидан бири *Шарль Эжен Ужфальви де Мезо-Ковезд (Charles-Eugène Ujfalvy de Mezö-Kövesd, 1842-1904)** ҳисобланган. Олим таджикотларининг тарихи бирламчи манбалар асосида ўрганилар экан, унинг ўз соҳасига оид йўналишларни тадқиқ этиш, маълумот йиғиш ва уни тизимлаштиришга оид фаолиятида катта ютуқларга эришганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Ужфальвининг келиб чиқиши венгриялик бўлиб, унинг ҳарбий соҳадаги муваффақиятлари ҳам Австрияда бошланган. У антропология ва этнология

соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб бориш мақсадида зарур билимларни Париж антропология жамиятининг бош котиби (*Secrétaire général de la Société d'Anthropologie de Paris*), фан доктори Пол Брокадан (*Paul Broca*) ўрганди (Gorshenina, 2000. P. 227). Эжен Ужфальви – Филологлар жамиятининг вице-президенти (*Société philologique*), Осиё жамияти (*Société asiatique*), Француз нумизматиклари ва археологлари жамияти (*Société française de numismatique et d'archéologie*) ҳамда Географлар жамияти (*Société géographique*) каби Париждаги бир неча илмий ташкилотларнинг аъзоси эди. Бундан ташқари, етук олим сифатида Венгрия илмий киролик Академияси (*l'Académie royale des sciences de Hongrie*), Амстердам, Будапешт География жамиятларининг ҳамда Берлин ва Москва Антропологлар жамияти каби нуфузли ташкилотларнинг ҳам аъзоси бўлган (Ujfalvy, 1878a. P. 2).

Бундан кўриниб турибдики, экспедиция ўз даврининг етук мутахассис олими томонидан олиб борилган бўлиб, унинг натижалари етарли даражада илмий асосга эгадир.

Ужфальви Париж жонли шарқ тиллари мактабида (*L'École des langues orientales vivantes*) Марказий Осиё географияси ва тарихи йўналиши бўйича профессор этиб тайинланган. У мутахассислиги бўйича тилшунос бўлиб, Олтой тиллари оиласига мансуб бўлган фин-угор ва немис тилларини ўзлаштирган. Бундан ташқари, археолог, антрополог, лингвист, этнолог олим ҳам ҳисобланган.

Экспедициянинг яна бир аъзоси *Мария де Ужфальви Бурдон (Marie de Ujfalvy-Bourdon, 1845-1905)* хоним, яъни Ужфальвининг рафикаси бўлиб, экспедицияга доимий ҳамроҳлик қилган. Айрим маълумотларга кўра Габриэл Бонвало (*Gabriel Bonvalot, 1853-1933*) ва Гийом Капью (*Guillaume Capus, 1857-1931*) каби француз тадқиқотчилари ҳам экспедицияга ҳамроҳлик қилган. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман буйруғи билан *М. Вилькинс, М Мюллер, Н. Пржевальский, А. Куропаткин*лар илмий экспедицияга ҳамроҳлик қилган махсус эскорт аъзолари эдилар.

Франция Маориф вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур илмий экспедиция 1876 йилда ташкил этилиб, моҳиятан Туркистонни ўрганиш учун йўналтирилган дастлабки илмий изланиш эди (Gorshenina, 2000. P. 225). Ўша даврда француз-Маориф вазирлиги ҳар йили у ёки бу мақсадда ташкил этилган бир неча экспедицияларни етарли даражада маблағ билан (200-250 минг франк) таъминлаб турган (Туркестанский сборник. 1882. Т.291. С.14-16).

Франция ҳукумати томонидан Россия, Сибир ва Туркистон ҳудудларига жўнатилган мазкур экспедиция археология, антропология, этнография ва филология каби соҳалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадида Санкт-Петербург, Финляндия, Онега кўли қирғоқлари, Москва, Оренбург, Орол денгизи қирғоқлари, Сирдарё ҳудудлари, Тошкент, Самарқанд, Зарафшоннинг юқори ҳавзалари, Фарғона, Еттисув, Кульджа (хитойликларнинг аввалги Или провинцияси), Семипалатинск, Омск ҳамда Урал тоғларидаги бошқирд ўлкаларига бирин-кетин саёхат уюштириб, ушбу ҳудудларда йирик илмий тадқиқотлар олиб борган.

Экспедициянинг асосий мақсади антропологик, этнологик ва географик тадқиқотлар олиб боришдан иборат бўлган. Бундай археологик ва антропологик илмий тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида ўндан ортиқ инсон типлари ўрганилиб, водийнинг этнологик харитаси ва Марказий Осиёдаги этник типлар атласи яратилди. Ужфальви этно-археологик тадқиқотлар олиб бориш билан бир-

га, маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг (муסיкий анъаналар, машхур эпопеялар, ов қилиш жараёни) айрим хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

Илмий экспедиция тафсилотларининг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш мақсадида, олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳали экспедиция давом этиб турган пайтдаёқ, мактуб кўринишидаги ҳисоботларда Санкт-Петербург ва Париждаги География, Антропология, Этнография жамиятларининг йиғилишларида расман кўриб чиқилиб, олимлар томонидан таҳлил этилган (Туркестанский сборник. 1882. Т. 294. С. 25-35; Туркестанский сборник. 1880. Т. 238. С. 270-273; Туркестанский сборник. 1880. Т. 238. С. 264-268). Масалан, “Ужфальви ва полковник И. Пржевальскийнинг илмий экспедицияси” (Туркестанский сборник. 1882. Т. 295. С. 143-146) номли шундай ҳисобот 1876 йил 18 июлдаги Париж География илмий жамияти йиғилишида бош котиб Монуа (*Maunoir*) томонидан ўқиб эшиттирилган. Унда тадқиқотни муваффақиятли олиб бориш мақсадида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан Фарғона водийси ва Помирга илмий экспедиция уюштириш учун барча шарт-шароит яратиб берилганлиги ҳамда экспедицияга ҳамроҳлик қилиш учун махсус гуруҳ ёлланиб, тадқиқотчи М. Вилькинс, капитан А. Куропаткин ҳам унинг аъзоси сифатида киритилганлиги Ужфальви томонидан маълум қилинган.

Ушбу мактубларнинг нусхалари ўша даврда Париждаги “*L’Exploration*”, “*Tour du Monde*”, “*Revue de Géographie*” каби даврий матбуот саҳифаларида, “*Bulletin de la Société de Géographie*”, “*Mémoire de la Société d’Ethnographie*” каби турли илмий жамиятларнинг нашр органларида чоп этиб борилган. Мазкур тадқиқотларга нисбатан рус олимлари ва мухбирлари томонидан ҳам таҳлилий муносабат билдириб борилган. Рус олимлари ва мухбирларининг билдирган фикрлари “*Известия Императорского Русского географического общества*”, “*Голосъ*”, “*Исторический вестник*”, “*Туркестанские ведомости*” (Туркестанский сборник. 1880. Т. 247. С. 189-190; Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 11; Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 15-16; Туркестанский сборник. 1878. Т. 181. С. 270-272) каби рус даврий матбуотида эълон қилинган.

Экспедиция яқунлангач, илмий асарлар нашр қилинган, йиғилган материаллар асосида турли коллекциялар яратилган ва улар жаҳон микёсида ўтказилган кўргазмаларда тақдим этилган. Тадқиқотларнинг натижалари илмий ходимлар, турли илмий ташкилотлар ва кенг жамоатчиликка етказиб берилган.

1876 йилда “*Bulletin de la Société de Géographie*” – “*Париж география жамияти бюллетени*” саҳифаларида Ужфальвининг Самарқанддан йўллаган мактуби нашр этилиб, унда саёҳат тафсилотлари, Кўхистон ўлкасидаги диққатга сазовор жойларда олиб борган археологик изланишлар батафсил ёритилган (Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 15-16). Ужфальви Бухоро амирига совға олиб боришни хоҳламагани учун тўғри Самарқандга йўл олган ва бу жой унинг илмий тадқиқоти учун кўпроқ материал йиғишга имкон берган. Тошкент ва Самарқанд ўртасидаги йўлларни кузатиб, Тошкентдан Чинозгача бўлган ҳудудда манзарали йирик боғлар ва қайта ишланган ерлар мавжудлигини таъкидлайди (Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 15-16).

Самарқандда бўлган Ужфальви унга қуйидагича таъриф беради: “Самарқандга етмай ҳали яқиндагина қазишма ишлари олиб борилган Афросиёб харобалари кўриниб турар эди. Қадимги қабристон билан туташган катта нишабликда темурийларнинг пойтахти жойлашган эди. Шаҳарга кириш жойида Биби-Хоним майдони

жойлашган бўлиб, ушбу майдонда мадраса (олий ўқув юрти) харобалари кўриниб турарди. Руслар бу харобаларни девор билан ўраб олиб, русча услубдаги устунли айвондан иборат дўкончалар қурганлар. Чап томондан эса етти гумбаздан иборат бўлган Шохи-Зинда кўриниб туради. Ўнгдан эса руслар томонидан қурилган мусулмонлар мактаби жойлашган.

Кейин, қалъа эшигига олиб борадиган кўприкка етмасдан Регистон майдонигача бўлган жойда учта машҳур Тилла-кори, Шердор ва Улуғбек мадрасалари жойлашган тор йўлак мавжуд эди. Улардан кейин Амир Темур хилхонаси бўлган гумбаз кўринадиди. Ундан кейин генерал Абрамов томонидан қурдирилган кенг ва тўғри кўчалар, ажойиб парк ва нафис бинолари мавжуд бўлган шаҳарча жойлашган” (Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 16). Ужфальви ўз хатини якунлашда Панжакентда – тошқўмир, Зарафшонда унча катта миқдорда бўлмаган – тилла қумлари, Вакханда эса – тоғ биллур типлари борлигини қайд этади.

Экспедиция натижалари ва олинган янгиликлар катта илмий аҳамиятга эга. Ужвальфи тадқиқотларида антропологик, археологик ва этнологик соҳалар устувор аҳамият касб этиб, қисман бўлса-да, миграция жараёнлари ҳам таҳлил қилинган. Уларнинг йўл ҳаракати маршрути қуйидагича белгиланган: дастлаб Фарғонанинг асосий шаҳарларидан бири бўлган Марғилонда бир неча ҳафта бўлиб, кейин Хўжанд ва Кўконга ўтиш. Улар Марғилонда аҳолини Густав Фритч (*Gustave Fritsch*) тамойиллари асосида сартлар, тожиклар, кипчоқлар ва қора-киргизларга бўлган ҳолда антропологик йўналишда суратга олишган (Туркестанский сборник. 1882. Т. 295. С. 143-146). Ужфальвининг фикрича, Помир, Фарғона ва Оксининг юқори ҳавзасидаги ҳудудларда келиб чиқиши эронликларга бориб тақаладиган халқлар ўрнашган бўлиб, уларни шу ҳудудда яшаб келган энг қадимий аҳолилардан бири сифатида кўрсатиб ўтган (Туркестанский сборник. 1882. Т. 291. С. 14-16).

Ужвальфининг Туркистон этнографиясига оид тадқиқотлари натижалари ҳам кизиқарли. Унинг фикрича, Марказий Осиёдаги эронийлар соф этнографик ва аниқ антропологик нуқтаи назардан икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга галча, қоратегин ва бошқаларни, иккинчи гуруҳга текисликда яшайдиган тожик аҳолисини киритиш мумкин. Унинг фикрича, галча ва бошқа тоғлик тожик халқлари Марказий Осиёдаги Эрон типларининг типик вакиллари дир. Улар одатда ўрта бўйли, сариқ соч ва калта-думалоқ юз тузилишига эга бўлиб, Марказий Осиё эронийлари узоқ вақтлар олдин оқ-малла соч ва узунчоқ юзга эга бўлган қайсидир халқ билан қоришган, деган тахминни билдирган.

Ўтказилган антропологик кузатувлар натижасида жадвал яратилиб, унда бандлар кесимида маҳаллий халқ аҳолисининг юз ва тана тузилиши, териси ва сочининг ранги, кўзи, қулоғи ва бурун тузилиши таҳлил қилинган. Турли халқларнинг типларини ўрганишда муаллиф Хитой манбаларидан маълумотлар келтиради. Масалан, Кўхистондаги сарғиш сочли кишилар тасвирланганда, мазкур қабила халқларининг мовий ранг кўзлари, сариқ сочлари, қирра бурунлари хитойликларни ҳайратда қолдирганлиги ҳақида кўрсатма беради. Ушбу жиҳатлар хитойликлар кўрсатмасини тасдиқлайди. Бундан ташқари, муаллиф Андижон, Ўш ва Марғилон оралиғида яшовчи ярим кўчманчи турк қабилалари ҳақида тўхталиб: хитой манбаларига кўра, ушбу қабилалар VI асрда тарих сахнасига чиққан турк халқларининг қолдиқлари эмасмикан? - деган саволни беради.

Ужфальви Кўхистонда галча қабилаларини ўрганар экан, уларининг юз тузилиши, соч ва терсининг ранги, тана тузилишларини таҳлил қилиб, ҳатто уларда учрай-

диган касалликлар турлари ҳақида ҳам маълумотлар ёзиб қолдирган (Туркестанский сборник. 1878. Т. 181. С. 270-272).

Ужфальвининг этнографик тадқиқотларга катта аҳамият берганлигини унинг қуйидаги билдирган фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Россия, Сибир ва Туркистонда ўтган икки йил давомида мен ушбу халқларни, асосан этнографик нуқтаи назардан урф-одатлари, анъаналари ва эътиқодларидан бошлаб ўргандим” (Туркестанский сборник. 1882. Т. 295. С. 157-165).

Унинг археология соҳасида олиб борган тадқиқотларинатижалари маълумот сифатида “*Bulletin de la Société de Géographie*” – “*Географлар жамияти бюллетени*” саҳифаларида нашр этилган. Бу Ужфальвининг барон Уотвилга жўнатган мактубида келтирилган (Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 11). Унда Жанкент кўрғони харобаларида ўтказилган қазिशмалар ҳақида фикр юритилиб, у ердан топилган ашъвий далиллар, яъни сирланган ғиштлар ва қадимий тангалар ҳақида маълумот берилади. Бир неча кумуш танга эвазига сирланган, суратли бутун ғиштларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Бундан ташқари бир қадимги қабрдан ваза, бошқасидан эса Қўқон хони томонидан Туркистонга жўнатилиб, шаҳар аҳолиси томонидан боши танасидан жудо қилинган икки кишининг жасади топилганлиги таъкидланади. Ужфальви Туркистонда бўлган пайтда Севр музейига атаб кўплаб предметлар йиғишга муваффақ бўлган. Шунингдек, Ужфальви Самарқанддаги Афросиёб харобаларида ҳам илк археологик тадқиқотларни бошлаб берган ва қазिशмалар давомида кўплаб суяк қолдиқлари, кумуш ва тилла тангалар топилган (Gorshenina, 2000. P. 227). Шу ўринда, Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбарасидаги қазिशмалар, Марғилон яқинида Оқтепаннинг очилиши, Панжакентдан топилган археологик материалларни саралаш каби археология соҳасидаги ишларини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Айни вақтда, Ужфальвининг тадқиқотларида руслар томонидан ўлканинг босиб олиниши каби масалалар ҳам ўрин олган эди. У русларнинг Туркистондаги босқинчилик юришларига тайёргарлиги ва уни олиб бориш жараёнини моҳирлик билан амалга ошириб, мислсиз муваффақиятларга эришаётганлигини таъкидлаб ўтган. Россиянинг Осиё ҳудудларига кириб келишини унинг ҳаётий қизиқишлари деб тушунтириб, дастлаб уни жиловлаб олиш ва савдони йўлга қўйиш, кейин стратегик қизиқни тўлдириб, Марвни қўлга киритиш ва Туркистонни Эрондан ажратиб турадиган табиий чегараларни қўлга киритиш назарда тутилган эди. Туркистонда Россия мавқеининг ошиб бораётганлиги, кейинги юз йилда Франциядан уч баробар катта ҳудудга эга бўлганлигини, русларнинг Марвгача бўлган ҳудудларни қўлга киритиб, Ҳиндикуш ва Ҳиротгача етиб бориши сабабларини изоҳлаган ва инглизларнинг Кветто, Қандаҳор ва Ҳиротни эгаллаш каби режалари ҳақида маълумотлар берган (Туркестанский сборник. 1880. Т. 247. С. 186-188).

Эътиборли томони шундаки, олим ва этнограф сифатида Қорақумдан то Марвгача ҳамда Балх дарёсининг юқори ҳавзасигача бўлган ҳудудларни Россия томонидан қўлга киритилишини таъкидлаган. Ужфальвининг маълумот беришича, бунинг сабаби Марказий Осиёнинг ушбу қисми археологик соҳада жуда қизиқарли бўлиб, фаннинг ривожини йўлида бу ерларни ўрганиш жуда муҳимлигига урғу берилган. Агарда француз ҳукумати томонидан яна илмий экспедиция уюштирилган тақдирда, унда Помир ҳудудлари ва Қоратегиндан то Бадахшонгача бўлган ҳудудларни ўрганиш, Балхгача кириб бориб, у ердаги харобалардан қимматбаҳо археологик ёдгорликларни топиш фикрида эканлигини қайд этилади. У ўз ватан-

дошларига мана шу узоқ ҳудудларга саёҳат қилиш, у ерда мавжуд бўлган эътиборга лойиқ жойларни ва йўлларни ўрганишни тавсия этган.

Антропологик ва этнологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида ўндан ортиқ инсоният типлари ўрганилиб, Фарғонанинг этнологик харитаси ва Марказий Осиёдаги этник типлар атласи яратилиб, келажакда унинг морфологик характери тўлдириб борилиши назарда тутилган. Этно-археологик тадқиқотлар билан бирга Ужфальви маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг айрим хусусиятларини, жумладан, турли мусикий анъаналар ва машхур эпопеяларни ҳам ўрганди.

Экспедиция натижалари Ужфальвига Париждаги жонли шарқ тиллари мактабида иқтисод, тарих, сиёсат, этнография ва антропология каби соҳаларни ўз ичига олган махсус курс бўйича маърузалар ўқишга имкон яратди (Ujfalvy, 1878b). Ужфальвининг мазкур “Марказий Осиёнинг тарихий ва сиёсий географияси” номли маърузаси 1879 йилда Парижда нашр этилган (Ujfalvy, 1878b). Машхур этнограф ўз тингловчилари эътиборини Осиё географияси курсининг муҳим ва аҳамиятли томонларига қаратади. Ер юзининг ушбу қисмида икки кучли халқни учратиш мумкин (рус ва инглиз халқлари назарда тутилган – *Р.Д.*), Амударё ҳавзасидаги шафқатсиз уруш нафақат Афғонистон ва Ҳирот тақдирини, балки Ҳиндистоннинг қисматини ҳам ҳал қилади. Маърузачи ўз тингловчиларини Яксарт ва Аму худудидаги кенг текисликлар, Марказий Осиёнинг ушбу қисмидаги иқлим ва фойдали қазилмалар, у ердаги ишлаб чиқариш, савдо, саноат, қуруқлик ва сув йўллари ҳақидаги маълумотлар, аҳоли ва унинг келиб чиқиши, анъаналари, тарихи, дини билан қисқача таништирган (Туркестанский сборник. 1880. Т. 247. С. 186-188).

Мазкур илмий экспедициянинг энг йирик илмий натижалари 1878-1880 йиллар давомида Парижда Ужфальвининг “*Expedition scientifique Française en Russie, en Sibirie et dans le Turkestan*” – “*Россия, Сибирь ва Туркистондаги француз илмий экспедицияси*” номли олти жилддан иборат асарининг нашр этилиши бўлди. Ушбу китобнинг ҳар бир жилди алоҳида ўзига хос йўналишга ва хусусиятга эга бўлиб, экспедициянинг турли босқичларига бағишланган эди. Масалан, Кўҳистон, Фарғона ва Кульджа худудлари асарнинг биринчи жилдда тавсифланади. Кейинги жилд эса – Сирдарё ҳавзалари, Тошкент, Самарқанд, Еттисув ва шарқий Сибир худудлари баёнига бағишланган. Ушбу худудларда фин ўлкаларидаги филологик тадқиқотлардан фарқли равишда, асосан этнологик, географик ва археологик йўналишлардаги тадқиқотлар олиб борилган. Учинчиси эса – Урал тоғларидаги бошқирлар, Финландия археологияси, Онега кўли бўйидаги Вепс (*Vèpses*) ўлкалари ва Санкт-Петербург яқинидаги қадимги Вот (*Votes*) ўлкалари ёритилган. 4-6 жилдлар илова-лар, фотосуратлар, гравюраларга бағишланган.

Француз олими Ужфальвининг мазкур асарлари кўрган ва кузатганлари ҳамда тадқиқотларнинг натижалари йиғилган йирик тўплам ҳисобланади. Туркистон ўлкаси билан чиндан қизиққан олимнинг антропологик жадваллари Марказий Осиё этнологиясининг кейинги фаолияти учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Китоб содда ва раван тилда ёзилган бўлиб, барча китобхонлар учун тушунарли тарзда битилган.

Экспедициянинг йирик илмий натижаларидан яна бири сифатида Ужфальвига ҳар доим ҳамроҳлик қилган рафикаси Мария де Ужфальви Бурдон хонимнинг мемуарини келтириш ўринлидир. Мария де Ужфальви хоним ҳам ўзига хос таассуротларини адабий-бадиий тарзда “Париждан Самарқанд, Фарғона, Кулжа ва Ғарбий Сибирга: парижлик хонимнинг сафар таассуротлари” (Туркестанский сборник.

1880. Т. 238. С. 341-388) номли асарида ёритган. Ушбу асарда 300 дан ортиқ иллюстрациялар ўрин олган бўлиб, у французларни Марказий Осиё билан яқиндан таништирди.

Турли коллекция ва фотоальбомларнинг яратилиши ҳам экспедициянинг муваффақиятидан далолат берар эди. Биринчи саёҳатдан қайтаётган пайтда кўплаб суратлар ва этно-археологик коллекциялар 1878 йил Париждаги жаҳон кўргамасида тақдим этилиб, ўзига хос эътиборга сазовор бўлди. Илмий экспедиция натижасида йиғилган коллекциялар намуналарининг асосий қисми Трокадеро музейига (*le Musée de Trocadéro*), турли нумизматик топилмалар Медаллар кабинетига (*le Cabinet des médailles*), қолган қисми бошқа ваколатли ташкилотлар ўртасида тақсимланган.

Ужфальви тадқиқотларида мавжуд айрим жой номлари ёки атамалар Олтиарик - *Alt – aryk*, Убайдулла - *Ouvai – Doullah*, Шоҳимардон - *Seharimardâne*, Чимён - *Atehmion*, овул - *Kaouvâne*, Балиқчи - *Balaktchi* каби нотўғри талқин этилган. Бундай хатолар кузатилишининг сабабини саёҳатчининг қониқарли таржимонга эга бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ужфальви чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун етарли даражада вақтга ҳамда яхши таржимонга эга бўлмагани учун баъзи маълумотлар шундай ёзиб киритилган.

Бундан ташқари йўлдаги айрим нохуш ҳолатлар ҳам экспедициянинг айрим ҳолатларда тўхтаб қолишига ёки йўналишни ўзгартиришига сабаб бўлган. Масалан, йўлда Ужфальви ва унинг хотини билан содир бўлган воқеа куйидагича талқин этилади: “дарё устидан кечкурун соат ўнда ўтиб бораётган пайтда, уларни олиб бораётган улов ағдарилиб кетиб, Ужфальви, рафикаси Бурдон хоним юклар билан сувга қулаб тушади. Бахтли воқеаки, улар томонидан йиғилган коллекция ва сафар тафсилотлари қайдлари жомадонга жойлаштирилган бўлиб, уларга сув тегмайди. Қиймати 3,000 франкка тенг бўлган бошқа нарсалар изсиз йўқолади. Шундан сўнг, унинг хотини Бурдон хоним енгилгина шамоллашни бошидан кечиради, ўзи эса ҳеч қандай шикаст кўрмайди” (Туркестанский сборник. 1878. Т. 195. С. 15-16).

Гарчи экспедициянинг генерал-губенатор фон Кауфман томонидан ўлканинг барча нукталарига бемалол кириб бориши мумкинлиги таъкидланган бўлса-да, айрим ҳудудларда маҳаллий рус маъмурлари томонидан илтифотсиз тарзда кутиб олиниши, меҳмондустлик аломатлари сезилмаганлиги ҳам эсдаликларда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Саёҳатчининг мулоҳазаларига кўра, экспедиция аъзоларига бошқа чет элликлар каби бойлик орттириш мақсадида келган савдогар сифатида қарашган. Савдогарлар эса ўлкада фахрий ўринга эга бўлмаган (Туркестанский сборник. 1880. Т. 240. С. 243-251).

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Шарль Эжен Ужфальвининг мазкур экспедицияси ўз даври учун йирик тадқиқот ҳисобланган. Унинг минтақамиз тарихи, этнографияси ва географиясини ўрганишга бўлган кизиқишлари муҳим маълумотларнинг тўпланиши ва нашр этилишига имкон яратган. Ужфальвининг олиб борган илмий экспедицияси бошқа тадқиқотлардан фарқ қилиб, унда асосан антропологик, археологик ва этнографик соҳалар етакчи ўрин тутган. Бундай илмий экспедициялар тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш Ватанимиз тарихи саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Гуломов Х.Г., Татыбаев А.С. Центральная Азия и мировая история. Ташкент: Уииверситет, 2004.
- Новая книга о Средней Азии (Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans Turkestan. Par Ch.E. Ujfalvy). Туркестанские ведомости, 1879. №13 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1880. Т.240.
- Письмо из Туркестана Уйфальви к барону Уотвилю о посещении им развалин Джамкенда. Голос, 1877. №158 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1878. Т.195.
- По поводу книги на французском языке: "Французская научная экспедиция в России, в Сибири и в Туркестане". Голос, 1880. №142. // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1880. Т.247.
- По поводу лекции г.Уйфальви Leçon d'ouverture d'un cours de géographie historique et politique de l'Asie Centrale. Голос, 1878. №342 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1880. Т. 247.
- По поводу писем Уйфальви из Самарканда: о достопримечательностях Кохистанского края. Голос, 1877, №198 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1878. Т.195.
- Путешествие Уйфальви де Мезо Ковезд. Известия Императорского русского географического общества. 1877, № 2 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1878. Т. 181.
- Французская ученая экспедиция г-га Уйфальви в Россию. Исторический вестник. 1880. №1 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1882. Т. 291.
- Asie Centrale. Explorations de MM. de Ujfalvy et du colonel Prjevalsky. L'exploration. 1877, №35 // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1882. Т.295.
- Excursion en Dzoungarie par le M. Ch. de Ujfalvy. Lettre au secrétaire générale. Bulletin de la Société de Géographie. 1877, Decembre // Туркестанский сборник. В.С. Балашева, 1880. Т.238.
- Excursion scientifique dans le Ferghana. Nouvelle du colonel Prjevalski. Lettre de M.Ch. de Ujfalvy au secrétaire générale. Bulletin de la Société de Géographie. 1877, Août // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1880. Т.238.
- Excursion scientifique dans le Kohistan. Lettre de M.Ch. de Ujfalvy au minister de l'instruction publique. Bulletin de la Société de Géographie. 1877, Juillet // Туркестанский сборник. С.-Пб.: В.С. Балашева, 1882. Т.294.
- Gorshenina S. La Route de Samarcande. L'Asie Cenrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois. Geneve. Editions Olizane, 2000.
- Ujfalvy Ch.E. Expédition scientifique française en Russie, en Sibérie et dans le Turkestan. Le Kohistan, Le Ferghanahet Kouldja avec un appendicesur la Kachgarie. Vol. 1. Paris, 1878.
- Ujfalvy Ch.E. La chasse en Asie Centrale. Exploration. Paris: 1878. № 89 // Туркестанский сборник. С.-Пб. В.С. Балашева, 1882. Т.295.
- Ujfalvy Ch.E. Leçon d'ouverture d'un cours de géographie historique et politique de l'Asie centrale à l'École des langues orientales vivantes. Paris, 1878.
- Ujfalvy–Burdon M.de. De Paris à Samarcande, le Ferghanah, le Kouldja et la Siberie occidentale, impressions de voyage d'une parisienne. Paris. Hachette, 1880 // Туркестанский сборник. С.-Пб. В.С. Балашева, 1880. Т. 238.

АХБОРОТ

ХРОНИКА

CHRONICLES

**“ЎЗБЕКИСТОИ РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА 2016 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН
АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРГА БАҒИШЛАЙДАН ҲИСОБОТ
СЕССИЯСИ” ҲУСУСИДА**

(Самарқанд, 23-24 март 2017 йил)

**"REPORTING SESSION ON ARCHAEOLOGICAL RESEARCH IN 2017 ON
THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN"**

(Samarkand, 23-24 March 2017)

Юртимиз ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар, яъни қазилар, дала қидирув ва бузилиши қутилаётган ёдгорликларда олиб борилган назорат ишларининг натижаларига бағишланган йиллик ҳисобот сессияси ҳар йилининг биринчи декадасини охирида анъанавий равишда ўтказилиб келинмоқда. Ушбу сессияни доимо ўтказилиб келиниши мутахассисларнинг янги тадқиқотлар натижалар, уларнинг илмий таҳлили борасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкони туғдиради. Шу муносабат билан ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти раҳбарияти ва “Дала тадқиқотлари қўмитаси” ташкилотчилигида жорий йилнинг 23-24 март кунлари 2016 йил археологик дала мавсуми натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси ўтказилди.

Йиллик ҳисобот сессиясининг ялпи мажлисини институт директори А.Э. Бердимуродов очди ва ўз сўзида сессиянинг барча қатнашчиларини қутлаб, ўтган 2016 йилда мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ва қўлга киритилган натижалар ҳусусида қисқача маълумотлар берди.

Икки кун давом этган ҳисобот сессиясининг биринчи кунини Самарқанд вилоятидаги тош даврига оид Очилғор (Н. Холматов), Сазоғон мазорқўрғонларида (М.Х. Хасанов, У.В. Раҳмонов), Сурхондарё вилоятидаги Бургуттепа ва Кайриттепа (Ш.Б. Шайдуллаев, О.А. Хамидов), Тошкент вилоятидаги Қаршовул (Г.И. Иванов, К.А. Шейко), Андижон вилоятидаги Мингтепа (Б.Ҳ. Матбобоев, Г. Иванов, Б. Абдуллаев), Андижон вилоятидаги Қўштепа-2 (Б.М. Абдуллаев, Б.Қ. Сайфуллаев), Қашқадарё вилоятидаги Хонтепа (С. Кубаев), Наманган вилоятидаги Чилхужра (А.А. Анарбаев, С. Кубаев), Жиззах вилоятидаги Қалиятепа (М.Ҳ. Пардаев, Ш.М. Пардаев), Бухоро воҳасининг қадимий муҳофаа девори ҳисобланмиш Кампирдевор (Ж.К. Мирзааҳмедов, С. Штарк), Сирдарё вилоятидаги Қуттиқизтепа (А.А. Грицина, О. Мамиров), Бухоро вилоятидаги Пойкенд, Ромитон (Ж.К. Мирзааҳмедов, А.А. Раимқулов), Бухоро вилоятидаги Вардонзе қўрғони ва Варахша массивлари (Ж.К. Мирзааҳмедов, С.Ж. Мирзааҳмедов), ёдгорликларида олиб борилган қазилар ишларнинг натижалари, шу билан биргаликда Нуробод туманидаги тош даврига оид ёдгорликларида (Н.Ў. Холматов), Қашқадарё вилоятидаги археологик ёдгорликларида (А.А. Раимқулов), Жиззах вилоят ҳудудидаги археологик ёдгорликларининг (М.Ҳ. Пардаев, Ф. Тошбоев, А. Холматовлар) қайта хатловдан

ўтказиш, яъни рўйхатга олиш борасида амалга оширилган ҳисоботлар ҳам катта кизиқиш билан тингланди.

Ҳисобот сессиясининг иккинчи кунисида давом этган маърузаларда Сурхондарё вилоятидаги Эски Термиз, Талитағортепа (Т.Ж. Аннаев), Самарқанд вилоятидаги Қофирқалъа (Г.И. Богомолов), Шерозқалъа (С.С. Суёнов, Х. Раҳимов), Афросиёб (М.М. Саидов), Тошкент вилоятидаги Қўлбулоқ (М. Хўжаназаров), Сирдарё вилоятидаги Қўхна Ховос (А.А. Грицина, К.А. Раҳимов, О. Мамиров), Андижон вилояти Қўштепа-2 (Б.М. Абдуллаев) ёдгорликларида олиб борилган қазилма ишлари ва Бухоро, Навоий (М. Хўжаназаров), Наманган, Фарғона (З.О. Раҳмонов), Сурхондарё (Т.Ж. Аннаев), Жиззах (М.Х. Пардаев) вилоятларида ўтказилган дала кидирув ишларига оид ҳисоботлар тингланди. Бундан ташқари, Тошкент (С. Ильясова), Сурхондарё (Т.Ж. Аннаев), Самарқанд (Ш. Қиличев, К.А. Раҳимов) вилоятлари бузилиши кутилаётган археологик ёдгорликларда олиб борилган назорат ишларига бағишланган ҳисоботларнинг маърузалари эшитилади.

Икки кун давомида ўтказилган ҳисобот сессиясида тингланган ҳар бир ҳисобот мутахассислар томонидан қизғин кутиб олиниб, мунозараларга жуда бой бўлди, кенг муҳокама қилинди ва қўлга киритилган моддий ашёлар Марказий Осиё археологиясини ривожига, яъни илк деҳқончилик, шаҳарсозлик маданияти, санъати, ҳунармандчилик, меъморчилик ва илк цивилизациялар тарихини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Анжуман сўнгида ЎЗР ФА Археология институти “Дала тадқиқотлари қўмитаси” нинг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот тингланди. Ҳисоботга кўра, йил давомида республикамиз ҳудудида археологик тадқиқотлар, яъни қазув, кидирув ва назорат ишларини олиб бориш учун 53 га яқин мутахассисларга “Очиқ варақа”лар расмийлаштирилган бўлиб, шундан 13 таси дала кидирув, 3 таси назорат ишлар ва қолганлари эса қазилма ишлари амалга ошириш режалаштирилган эди. Шундан 13 та отряд бошлиқлари томонидан маблағ ва вақт етишмаганлиги сабабли археологик дала тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги маълум бўлди.

Маълум бўлишича, 2016 йили республикамиз бюджетидан ажратилган маблағи ҳисобидан 12 та археологик отряд экспедицияси бошлиқлари қазилма ва дала кидирув ишлари олиб бордилар. Ажратилган маблағлар Самарқанд вилоятидаги Афросиёб, Қофирқалъа, Шерозқалъа, Наманган вилоятидаги Чилхужра, Андижон вилоятидаги Қўштепа-2, Қашқадарё вилояти Хонтепа, Сирдарё вилоятидаги Қўхна Ховос ёдгорликларида қазилма ишларига ҳамда Қашқадарё вилояти Ғузор тумани, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида, Нурота тоғ тизмасидаги қоя тош суратлари, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидаги археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида олиб борилган тадқиқотларга сарфланган.

Бундан ташқари, 2016 йил давомида маҳаллалар ва фуқаролар томонидан тақдим этилган аризаларга асосан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро Давлат инспекцияси мутахассислари билан ҳамкорликда Самарқанд ва Жиззах вилоятидаги археологик ёдгорликларни бузилишини олдини олиш ва уни атрофида қурилиш ишларини амалга ошириш ишларини тўхтатиш борасида ўндан ортиқ археологик ёдгорликлар ўрганилиб, уларнинг ҳар бирига илмий хулосалар тайёрланди.

Айни вақтда Республикамининг турли даврга оид ёдгорликларида ўндан ортиқ халқаро ҳамкорликдаги экспедицияси археологик қазилма ва дала кидирув ишларини

олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон-Россия экспедициясининг икки гуруҳи Кулбулоқ ва Пойкент ёдгорликларида, Ўзбекистон-Америка экспедициялари Тошбулоқ ва Кампирдевор ёдгорликларида, Ўзбекистон-Япония экспедицияси Қофирқалъа ёдгорлигида, ХХР нинг Пекин Археология институти билан ҳамкорликда тузилган Ўзбекистон-Хитой экспедицияси Андижон вилоятидаги Мингтепа ёдгорлигида, ва Шимолий Фарбий Университет билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон-Хитой экспедицияси Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги мазоркўрғонларда, Ўзбекистон-Италия экспедицияси Кўрғон Варданзе ёдгорликларида қазиишларини амалга оширдилар. Бундан ташқари, бир нечта халқаро ҳамкорликдаги экспедицияси, яъни Ўзбекистон-Франция экспедициясининг икки гуруҳи Афросиёб, Кўктепа ёдгорликларида, ва Ўзбекистон-Италия экспедицияси иккита гуруҳи Кўйтепа ёдгорлигида ва Пастдарғом туманида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасига бағишланган монографияларни тайёрлаш учун улар ёдгорликларда қўлга киритилган археологик топилмаларнинг илмий таҳлилари билан шуғулланишдилар

Отряд бошлиқлари томонидан 2016 йилда олиб борилган археологик тадқиқот натижаларига бағишланган ҳисоботларнинг бир қисми ҳисобот сессиясига қадар топширилди ва ўтган мавсум тадқиқотларига бағишланган ҳисоботларда учрагани сингари ушбу ҳисоботларни айримларини расмийлаштиришда отряд бошлиқлари томонидан баъзи бир камчиликлар қайд қилинди. Мисол учун айрим илмий ҳисоботларга норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда археологик ашёлар давлатга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, археологик топилмаларнинг рўйхати, паспорти ва ёдгорликларда тадқиқот ишлари тугагандан сўнг уларни консервация қилинганлигини тасдиқловчи маълумотлар илова қилинмаган. Шу билан бирга “Очиқ варақа”, “Рухсатнома”лар ҳудудий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда топширилган. Ўйлайманки, келтириб ўтилган камчиликлар кейинги 2017 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган ҳисоботларда экспедиция бошлиқлари томонидан тўлиқ бартараф қилинади, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, икки кун давом этган ҳисобот сессиясида 2016 йилда археологик қазииш ва дала тадқиқотлари олиб борган барча археологик экспедицияси бошлиқлар иштирок этдилар ва уларнинг илмий ҳисоботлари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, 2016 йилда олиб борилган археологик тадқиқотларга бағишланган ҳисобот сессияси баҳс-мунозара ва тортушувларга бой тарзда, қизиқарли ўтди. Муҳокамада сўзга чиққан А.Э. Бердимуродов, Б.Ҳ. Матбобоев, М.Ҳ. Пардаев, М. Хўжаназаров, Т. Аннаев, К.А. Раҳимов, Н.Ў. Холматов, М.М. Саидов каби етакчи мутахассислар ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси “Археология ва ЮНЕСКО” билан ишлаш бўлими бошлиғи А.А. Яркуловлар томонидан сессияда йилдан-йилга ёш олимларни чиқишлари сони ошиб бораётганлиги, келгусидаги археологик тадқиқотлар сифатини янги замонавий технологиялар асосида янада яхшилаш, ёдгорликларни сақлаш борасида ўзларини аниқ фикрларини билдирдилар ва сессия ишини юқори баҳоладилар.

Якунда археологик тадқиқотларни натижаларига бағишланган “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” тўплами навбатдаги сони нашр қилиниши ва археологик ёдгорликларни асраш, уларни қайта рўйхатга олиш ҳамда замонавий технологиялар асосида уларнинг каталогини яратиш борасидаги ишлар бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар сессия қарорига киритилди.

К. Рахимов

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси

Археологик тадқиқотлар институти

K. Rahimov

Institute of Archaeology reser

Academy of Sciences Republic of Uzbekistan

ЮБИЛЯРИМИЗ

НАШ ЮБИЛЯР

OUR JUBILAR



**БАҚТРИЯ-ТОҲАРИСТОН
АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ ТОЛМАС
ТАДҚИҚОТЧИСИ
ШОКИРЖОН РАСУЛЕВИЧ
ПИДАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ
70 ЙИЛЛИГИГА**

**TIRELESS RESEARCHER OF
ARCHAEOLOGY OF
BACTRIA-TOKHARISTAN.
70th ANNIVERSARY OF
DR. SHAKIRJAN PIDAYEV**

Ўзбекистон археологиясининг энг муҳим, жозибали, кашфиётларга бой тарихий-маданий ўлкаларидан бири Қадимги Бақтрия ва Тоҳаристон кўҳна маданияти тарихининг толмас тадқиқотчиси, моҳир археолог, юқори тажрибали дала тадқиқотчиси, таниқли олим ШОКИРЖОН РАСУЛЕВИЧ ПИДАЕВ табаррук 70 ёшни қаршилади.

1947 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида зиёли хизматчи оиласида туғилган Шокиржон Пидаяевнинг беғубор болалик йиллари мактаб таълими (1956-1966 йиллар), ўсмирлик чоғлари ҳаётни англаш, келажак учун ўзида муносиб ахлоқ-одоб, яхши билим эгаллаш, меҳнатсеварлик сифатларини шакллантириш билан ўтди. Натижада, 1966 йилда Тошкент Давлат Университети тарих факультетига ҳужжат топширган ёш Шокиржон қийинчиликсиз талабалик шарафига эга бўлди ва ҳеч иккиланмай археолог-тарихчи йўналиши бўйича таҳсил олишни бошлади. Бу даврда ТошДУ тарих факультетининг машҳур археолог, академик М.Е. Массон раҳбарлигидаги “Ўрта Осиё археологияси” кафедраси педагогик фаолият ва илмий тадқиқотлар нуқтаи-назардан катта мавқега эга эди. Чунки, С.Б. Лунина, З.И. Усманова, Н.И. Крашенинникова сингари, ёш, шижоатли ва аҳил жамоадан иборат кафедрада назарий дарслар юқори профессионал тарзда, қойилмақом руҳда ўтилар, археолог касбига ихтисослашган талабалар ҳар семестр узвий равишда дала амалиёти билан шуғулланар, талабаларнинг илмий археологик тўғараги (СНАК) мунтазам фаолият кўрсатар эди.

Эътироф этиш лозимки, Шокиржон Пидаяев талабалик давридаёқ Жанубий Туркманистон археология экспедицияси таркибида Қизибби ёдгорлиги, Марвдаги Султон қалъанинг мудофаа деворлари қазув тадқиқотларида, Кеш археология-топография экспедицияси таркибида Китоб ва Шаҳрисабзда ўтказилган қидирув,

казув изланишларида, ёзги таътил пайтлари фарғонашунос Ю.А. Заднепровский раҳбарлигида Далварзин шаҳар ёдгорлигида олиб борилаётган дала ишларида фаол катнашади. Археологиянинг назарий ва амалий билимларини катта иштиёқ ва тиришқоқлик билан эгаллашга интилаётган бўлғуси ёш қадимшунос Университетни 1971 йилда муваффақият билан битиради ва шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ФАнинг Археология институтига ишга қабул қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, талабалик даврида археология фани методикасини яхши ўзлаштирган, мустақил тадқиқотлар олиб бориш салоҳиятига эга, рус тилида рисоладагидек муомала қиладиган ва ёзадиган, бир сўз билан айтганда истиқболи порлоқ, тайёр ёш мутахассис тез орада Археология институти раҳбарияти назарига тушади. Ва институт раҳбариятининг тавсияси билан, ўша 1971 йилнинг поёнида собиқ СССР ФА Археология институтининг Ленинград бўлими кундузги аспирантурасига ўқишга киради, унга массонлар хонадонининг кенжа вакили, профессор В.М. Массон илмий раҳбар этиб тайинланади. Аспирантура таҳсили давомида Ш. Пидаев ўз илмий раҳбари бошчилигидаги Бактрия экспедицияси таркибида Сурхон воҳасининг кушонлар даврига оид Оккўрғон (Шеробод), Мирзакултепа (Термиз) каби бир қатор ёдгорликларда мустақил стратиграфик ва тарихий топографик тадқиқотлар олиб боради.

Доно халқимиз ҳақли равишда илм йўлидаги изланишларни игна билан қудуқ казишга ўхшатади. Буни албатта, Шокиржон акага ўхшаган илм-фан фидойилари жуда яхши билишади. Бу тоифадаги илмий ходимлар каттиқ ишонишадики, бундай машаққатли, серташвиш меҳнатнинг самараси ҳам албатта бўлади. Шундай воқеликни ҳам Шокиржон ака илмий фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. У аспирантура таҳсилининг сўнгги босқичи якунида ўзининг тўлиқ тугалланган номзодлик диссертацияси матнини илмий раҳбари В.М. Массон столи устига қўйишга эришади. Бу ҳолат, яъни диссертацияни ўқиш даври давомида тугатиш аспирантлар илмий фаолиятида учрайдиган камдан-кам ҳодисалардан бири эди. Собиқ аспирант 1975 йилда, яъни 28 ёшда Ленинградда “Кушанские поселения в Северной Бактрии” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлайди. Ш.Р. Пидаев Археология институтига қайтгач янада катта иштиёқ билан тадқиқотларни қадимги Бактрия ва Тоҳаристон заминида давом эттиради. 1977 йилда у катта илмий ходим лавозимида сайланади.

Ш.Р. Пидаевнинг кейинги даврлардаги археологик фаолиятини, албатта Эски Термиз шаҳар харобалари, Қоратепа буддавийлар ибодатхонаси казишмаларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мен Эски Термиз шаҳристонидagi кўп йиллар мобайнида казув ишлари ўтказилган улкан стратиграфик қирқимда, Жарқўрғон туманидаги Октепа қалъасини муҳофаа деворлари ва стратиграфиясини ўрганиш ишларида 1981-82 йиллар кузги мавсумида қатнашганман. Эндигина Археология институтида иш фаолиятини бошлаган мендек ёш мутахассис учун (айтганча, Шокиржон ака тугатган Археология кафедрасини мен 9 йилдан сўнг 1980 йилда тугатганман – М.П.) бу икки мавсум касбим бўйича катта ҳаёт мактаби бўлди. Орадан қарийб 40 йил ўтсада ўша 2 йиллик кузги дала мавсуми ҳамон эсимда, чунки ўшанда Шокиржон аканинг ҳам археолог, ҳам инсон сифатидаги кўплаб кирраларини кашф қилганман. Масалан, катта экспедициянинг раҳбари сифатида у ўзига ҳеч қачон бирон-бир имтиёз, экспедиция аъзоларидан ортиқроқ қулай шароит яратишга ҳаракат қилмаган “Раскоп”да бутун иш вақти давомида бўлар, шаҳристоннинг турли жойларида ишлаётган менга ўхшаш ёш археологлар

“участка”ларидан хабар олар, жонкуярлик билан маслаҳатлар берар ва менимча, умуман чарчамасди. Куннинг иккинчи ярмида эса ўша кунги қайд этилган топилмалар устида ишлар қизирди. Ҳамма ўзига масъул “участка”лар топилмаларини дастлабки таҳлилдан ўтказар, кулоллик идишлари чизилар, тавсиф баёнлари ёзилар, синиклари елимланар ва қоғозларга ўралиб махсус яшиқларга жойланар эди. Аввало, бу ишларда Шокиржон аканинг ўзи шахсий намуна кўрсатарди, ўзининг марказий “раскопи”дан чиққан сопол идишларни фақат ўзи чизарди ва “описание”сини қиларди. Бу борада у ҳеч кимдан ёрдам сўрамасди.

Ш. Пидаев раҳбарлигидаги экспедициянинг яна бир эса қолган ва менга ёққан жиҳати ундаги “иктисодий аҳвол”нинг ҳамиша аъло даражада бўлганлигидир. Ундаги ейиш-ичиш масаласи, яъни озиқ-овқатнинг ҳажми ва айниқса, турлари бўйича тўқинлик (асло исрофгарчилик эмас) барқарор ҳолатда эди. Бу ҳолатни эса олишимни асл сабаби биз (мен, Ш. Раҳмонов, О. Қурбонов...) ўша пайтда ишлаб чарчамайдиган, еб тўймайдиган 24-25 ёшларда эдик, “дастурхон усти” масаласи барчамиз учун муҳим саналарди. Бизга энг ёққани эса дала ойлигини (полевое довольствие) ҳеч қандай чегирмаларсиз тўлиқ берилиши эди.

Яна бир эса қолган, кейинги бирга ишлаб юрган пайтларимизда ҳам давом этган Шокиржон аканинг сифатларидан бири, унинг ҳамкасблари, ходимлари ишига баҳо беришдаги ўзига хос “хасис”лигидир. Ўша пайтлари қазув ишими, ёзув иши дейсизми, ўзингизча қойилмақом қилиб бажарсангиз ҳам у кишидан нари берса “маъкул” деган ташбеҳни эшитиш мумкин эди.

Шокиржон акадаги бу хислатни мана энди, 60 ёшга кириб тушунгандайман. Яъни, инсон ўзига, ўзининг ишига нисбатан қўйган юқори даражадаги талабини бошқалардан ҳам худди шу даражада талаб қилишга мойилдир. Бу эса ажойиб ва албатта ижобий хислат. Бу фикрларни ўқиётганларда нотўғри талқин ва фикрлар туғилмаслигига ишонаман. Чунки Шокиржон Пидаев ҳам зўр келганда, қисқагина бўлсада мақтов айтишни биладилар. Нокамтарликка йўйсангиз ҳам айтишим мумкинки, мен икки марта бундай мақтовга мушарраф бўлганман. Биринчи марта институт илмий котиби лавозимида эндигина ишни бошлаган пайтим, Шокиржон акага бир-икки саҳифадан иборат қандайдир хужжатни тайёрлаб бердим. Уни ўқиб кўриб ўша пайтдаги директор Т. Шириновга “институт илмий котибга энди ёлчибди”, - дедилар. Иккинчи мақтовни Шокиржон ака Археология институти директори лавозимида ишлаётган пайтлари, чамамда 2007 йилда, Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи олдидан Ш. Пидаевнинг А. Атаходжаев билан ҳамкорликда тайёрлаган “Шоҳи-Зинда” рисоласи муносабати билан эшитганман. Вақт ниҳоятда тиғиз, юбилейнинг ташкилий ишларига директор бошчилигида ҳамма ходимлар жалб қилинган эди. Шундай пайтда, рус тилида ёзилган рисола тез суръатда ўзбекчага ағдариш ва рус, ўзбек тилидаги матнни биргаликда нашрдан чиқариш лозим эди. Аслида ўзбек тилида ёзиш борасида барчага дарс берадиган Шокиржон ака вақт тиғизлиги сабабли мени таржимага ёрдамга чақирдилар ва русча матнни қўлимга тутқаздилар. Ўрта асрнинг нодир меъморчилиги намунаси бўлган Шоҳи-Зинданинг қурилиш тарихи, меъморчилигидаги услуб ва усуллари ҳақида рус тилида битилган ажойиб асарнинг ҳажми 15 саҳифадан иборат бўлсада, ундаги маҳобатли архитектура ва мақбаралар тавсифлари бўйича атамаларни махсус луғатлардан топиш ва уларни жой-жойига тўғри қўйишни, албатта ўзи бўлмади. Ниҳоят, 3-4 кундан сўнг таржима тайёр бўлди, ундан ҳар ҳолда кўнглим тўқ, чунки қўлимдан келганча ҳаракат қилгандимда. Матнни олиб директор кабинетига

кирдим, у ҳар доимгидек нимадир ёзиш билан банд эди. Қисқа салом-алиқдан сўнг, таржима матнини олдиларига қўйдим. Уни дарҳол мени иштирокимда ўқишга тутиндилар. Орадан алла қанча вақт ўтди, сўнгги саҳифа ва қоғоздан бош кўтариб Шокиржон ака бир лаҳза менга тикилиб турдилар ва ниҳоят “молодец, зўр чиқибди”, дедилар холос. Тўғриси, шу лаҳзаларда елкамдан гумбурлаб тоғ ағдарилди, чамамда.

Қисқаси, Шокиржон ака билан фақат 2 мавсум бирга экспедицияда аллақачонлар ишлаган, Археология институти директори сифати фаолият кўрсатган 2005-2009 йилларда институтга камнамо келиб-кетиб юрган бўлсамда, ўзаро муносабатларимизга қилчалик ҳам заха етмади, ўйласам гуё ҳамон бир жамоада ишлаётгандекмиз.

Шокиржон Пидаевнинг илмий изданишлари кенг қиррали бўлиб, у қадимий Турон, хусусан Бақтрия-Тоҳаристоннинг урбанизацияси, пул-товар муносабатлари, маънавий ва моддий маданияти, кушонлар даври санъати, Ўрта Осиё буддизмининг ўзига хос хусусиятлари борасида узок йиллардан буён самарали изланишлар олиб бормоқда. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи айнан Шокиржон Пидаев тадқиқотлари орқали дунё юзини кўрди, Қоратепа Будда ибодатхонасида қилинган оламшумул илмий кашфиётлар ҳам бугунги юбиляримиз номи билан боғлиқдир. Бу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ Шокиржон Пидаев қаламига мансуб ўзбек, рус, япон, инглиз, француз тилларида чоп этилган 20 га яқин монография ва рисоалар, 300 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар халқимиз тарихини нафақат республикамизда, балки яқин ва узок хорижий мамлакатларда эътироф этилишига сабаб бўлди.

Шокиржон Пидаев Ўзбекистон-Франция, Ўзбекистон-Япония халқаро экспедицияларининг ҳамдиректори сифатида Ватанимизнинг шонли тарихини чет элларда, дунёнинг ривожланган археология марказларида ўз маърузалари билан кўрсатиб берди ва бундай улуғ ишларни ҳамон давом эттирмоқда. Ўн йил муқаддам Шокиржон Пидаев таваллудининг 60 йиллигига бағишланган табригида, машҳур япон археологи, Шокиржон аканинг катта ёшли дўсти ва маслакдоши, профессор Като Кюдзо шундай ёзганди: “Японияда кўпгина шарқ мамлакатларида бўлгани каби ўн икки йиллик тақвим цикли жуда машҳур. Бу цикл ҳар 60 йилда (яъни, ҳар бешта 12 йиллик якунида – П.М.) тақвим ҳалқасини ёпилиши билан ниҳояланади, японлар бу йилни “канреки”, деб аташади. “Канреки”дан сўнг ҳаёт гуё, қайтадан бошланади, яъни эндиликда Шокиржон сенсейдек тўлиқ шаклланган инсонда янги энергия, янги режа ва мақсадлар юзага келади”. Профессор Като Кюдзонинг фикрларига тўлиқ қўшилган ва ишонган ҳолда бугун 70 ёшни қаршилаган (“канреки” бўйича эндигина 10 ёшга тўлган) Пидаев Шокиржон Расулевичга умр қарвонининг 80-чи, 90-чи, 100-чи доволарига етиб боргунча бардам, соғ-саломат бўлишларини, илм-фан йўлидаги заҳматларни енгиб, бугунгиданда зафарли тадқиқотларнинг муаллифи бўлиб юришларини тилаймиз.

Мухтор Пардаев
“Ўзбекистон археологияси” журнали таҳририяти
ва Археологик тадқиқотлар институти жамоаси



МУТАЛИБЖОН ҲАСАНОВ

60 ЁШДА

**TO 60TH ANNIVERSARY
OF Dr. MUTALIBJON KHASANOV**

Юртимиз тарихининг таркибий қисми - Суғднинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда муносиб ҳисса қўшаётган таниқли олим Муталибжон Ҳасанов 1957 йил 25 сентябрда Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида туғилган. Ёшлигиданок тарих, жумладан археологияга бўлган қизиқиш уни Фарғона давлат педагогика институти тарих факультетига етаклаб келади. 1981 йилда институтни муваффақиятли якунлаган М. Ҳасанов ЎзР ФА Археология институтида дастлаб лаборант, кейинчалик кичик илмий ходим сифатида фаолият юритади. 1986-1989 йилларда институтнинг

аспирантура бўлимига ўқишга кирган ёш мутахассис таниқли археологлар Б.И. Маршак ва Р.Х. Сулаймоновлар билан маслаҳатлашган ҳолда, Жанубий Суғднинг қишлоқ маконлари ички тузилишини типологик ўрганишга киришади. Шу асосда, у илмий ишнинг асосини ташкил қилган Қўрғонча ёдгорлигида аниқланган архитектура қолдиқлари мисолида қадимги мавсумий қишлоқ турар-жойлар ҳам мавжуд бўлганлигини, унда аниқланган сопол идишлари мисолида эса Суғд, Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларида эллин маданияти тарқалгунга қадар қизил рангли лойдан пиширилган Ғарбий Эрон анъаналарига хос идишлар даври мавжуд бўлганлигини, Афросиёб I мажмуасининг ўрни Суғд археологиясида муҳим тарихий воқелик эканлигини кўрсата олди. Қашқадарё ҳудудида жойлашган Киндиктепа қўрғони мисолида эса Қанғ давлати шаҳарсозлигида бир томондан Тошкент ва Хоразм ҳудудларида кенг урф бўлган одатлар кузатилганлиги, иккинчи томондан хочсимон тархли меъморий анъаналарни келиб чиқишини қадимги Иушижондан андоза олганлигини ёритиб берди. М. Ҳасанов ушбу тадқиқотлар натижалари асосида 1990 йили “Античные сельские поселения Южного Согда” мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилади.

М. Ҳасановнинг кейинги илмий изланишлари ҳам бевосита Суғд шаҳарсозлиги билан боғлиқдир. Хусусан, у Қашқадарё вилоятида жойлашган Сангиртепа-Узунқир-Подаётоқтепа, Самарқанд вилоятида жойлашган Кўктепа, Афросиёб

ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотлар давомида бир қатор янги илмий натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Жумладан, Кўктепанинг юқори маданий қатлами сопол идишлари асосида Зарафшон ҳудудига Қуйи Сирдарё чорвадорларига оид Чирикработ маданияти соҳибларининг таъсири катта бўлганлигини ва улар Юнон-Бактрия давлатини тор-мор этишда жонбозлик кўрсатганликларини қайд этади.

М. Ҳасанов халқаро Ўзбекистон-Франция экспедицияси таркибида Сангиртепа ёдгорлигида изланишлар олиб боради. Милоддан аввалги VI-V асрларда қадимги Кешнинг маҳобатли жамоа ибодатхонаси жойлашган ушбу ёдгорликни ўрганилиши Марказий Осиё монументал меъморчилигида янги йўналиш тарихини очиб берди. Ҳозирга қадар фанда маълум бўлган атрофи коридорли, ўртаси айвондор (стеллалли) меъморчилик мажмуаси (Тахти Сангин) эллилар меъморий анъанасига эмас, балки маҳаллий анъаналарга хос эканлиги исботланди. Сангиртепанинг юқори қурилиш даврига оид доирасимон тархли қўрғон археологик материаллари мисолида милодий IV-V асрларда Қуйи Сирдарё оқимида макон топган Жеттисор маданияти ворисларини Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларининг тоғ олди ва дехқончилик ҳудудларига кириб келишини ва уларни тарихда тутган ўрни биз ўйлагандан анча фарқ қилишини кўрсатиб берди.

Олим ижодига назар солиб унинг фаолиятида дафн маросими ва урф одатларини самарали тадқиқотлар катта ўрин эгаллаганини ўрганишда ҳам омади чопганлигини кузатамиз. Бу Панжикент оилавий хилхоналарини ўрганишдан бошланиб Кўктепа ва Сазоғон маликалари, Сангиртепанинг юқори қатламларидан топилган маҳобатли остодон ва қабрларни очилиши билан давом этган. Натижада, Суғд ҳудудига дафн маросимидаги ўзгаришларни М. Ҳасанов ҳам ўрганишга ўз ҳиссасини қўшади. Олимнинг ушбу илмий йўналишида Зарафшон воҳасида икки маданият қоришган макон принциплари бош мезон эканлиги кузатилади.

М. Ҳасанов Ўзбекистон-Хитой қўшма археологик экспедицияси таркибида “Тяншань тоғ тизмасининг ғарбий ва шарқий этаклари моддий маданияти” мавзусини ўрганишда фаол иштирок этиб, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида жойлашган мозорқўрғонлар харитасини тузилиши ва уларни типологик ўрганишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Олим томонидан қўлга киритилган натижалар Республика ва хорижий нашрларда ўз аксини топган, Франция, Хитой, Россия каби давлатларнинг йирик илмий марказлари томонидан уюштирилган халқаро конферецияларда маъруза қилинган.

М. Ҳасанов ўз соҳасининг билимдони, камтар, камсукум инсон сифатида жамоада ўз ўрнига эга бўлиб, билими ва тажрибасини институт ёшларига ўргатишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Муталибжон Ҳасановни 60 ёши билан қизғин табриклар, у кишига сihat-саломатлик, узоқ умр тилаймиз ва Ўзбекистон археология фани раvнақига янада самарали ҳисса қўшишларини чин дилдан истаб қоламиз.

М. Саидов, К. Раҳимов, Б. Болнев
“Ўзбекистон археологияси” журнали таҳририяти
ва Археологик тадқиқотлар институти жамоаси

**УСТРУШОНА АРХЕОЛОГИЯСННННГ
ЖОНКУЯР НЗЛАНУВЧНСН
МУХТОРҚУЛ ҲАСАНОВИЧ
ПАРДАЕВ ТАВАЛЛУДННННГ
60 ЙИЛЛНГНГА**

**TO 60th ANNIVERSARY OF
SELFLESS RESEARCHER OF
USTRUSHANA ARCHAEOLOGY
DR. MUHTARQUL PARDAYEV**



Уструшонанинг қадим ва ўрта асрлар археологияси билимдони Мухторқул Ҳасанович Пардаев 60 ёшга тўлди. У 1957 йил 26 ноябрда Жиззах шаҳри Қалия мўлканлик маҳалласида колхозчи дехқон оиласида таваллуд топган. Дастлабки таҳсилни Жиззах шаҳридаги 19-сонли мактабда олган М.Ҳ. Пардаев 1975 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетига ҳужжат топширади, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб талабалик шара-

фига муяссар бўлади. Талабаликнинг илк давридаёқ тарихнинг археология йўналишига ўзгача меҳр қўйган бўлажак мутахассис ушбу қизиқарли, лекин машаққатли фаннинг сир асорларини қунт билан ўргангани ва Университетни 1980 йилда муваффақиятли тугаллайди. Ўз олдига Уструшона, хусусан Жиззах воҳаси қадим тарихи ва археологияси билан шуғулланишни бош мақсад қилиб олган ёш мутахассис Археология институти (ҳозирги Археологик тадқиқотлар институти) раҳбариятининг махсус сўровномасига асосан 1981 йилнинг январ ойидан институтда катта лаборант лавозимида иш бошлайди. М.Ҳ. Пардаев ўз иш фаолияти давомида кичик илмий ходим (1983 й.), илмий ходим (1992 й.), катта илмий ходим (1996 й.), институт илмий котиби (1997-2002 йй.), дала тадқиқотлари бўлими бошлиғи (2010-2015 йй.) етакчи илмий ходим (2012 йилдан), директор муовини (ички буйруқ билан 2010-2015 йй.) сифатида фаолият кўрсатди. У 2017 йилдан бошлаб фан бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Талабалик даврида археология фанининг назарий ва амалий (дала тадқиқотлари) билимларини яхши эгаллаган ёш мутахассисга институт раҳбарияти катта ишонч билдириб уни 1983 йилда Жиззах отрядига бошлиқ қилиб тайинлайди, Унинг саъй-ҳаракатлари билан Жиззах археологиясига А.А. Грицина тортилади, Л.М. Сверчков ўрта аср металлургияси тарихи бўйича тадқиқотларини бошлайди.

Айнан ўша даврлардан бошлаб узвий тадқиқотлардан анча орқада қолган

Ўзбекистон уструшонашунослиги изланишларида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлайди. 1980 йил ўрталарида Жиззах ва Сирдарё вилоятлари археология ёдгорликлари мажмуасини тузиш ишлари муваффақиятли якунланади. Қалиятепа, Ўрда (Жиззах), Қўрғонтепа (Ғаллаорол), Кўктепа, Қўрғонтепа, Жартепа, Оқтепа (Зомин), Эски Хавос (Хавос) каби шаҳар ёдгорликлари ва уларнинг атрофларидаги қишлоқ маконларида изчил равишда қазув тадқиқотлари ўтказилади.

Ўзбекистон уструшонашунослигининг дастлабки вакиллари, хусусан, А. Бердимуродов (1985 й.), А. Грицина (1990 й.), Л. Сверчков (1991 й.) мазкур қадимий юрт кўҳна тарихининг турли мавзуларида номзодлик диссертацияларини ёқлайдилар. Ўша давр учун катта илмий ютуқ ҳисобланган, бу ишларда қисман бўлсада, отряд бошлиги М. Пардаевнинг бевосита ёки билвосита ҳиссаси бор эди.

Ўтган вақт давомида серқирра фаолият олиб борган олим илмий йўналишда асосан Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ва археологияси борасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб боради, бу борадаги тадқиқот натижалари тўртта монография, икки юздан зиёд илмий мақолаларда ўз аксини топади. Айни вақтда олим томонидан Жиззах ва Сирдарё вилоятлари археология ёдгорликлари мажмуини тузиш ва археологик харитасини яратиш борасида ҳам амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Манбалардан маълумки, Уструшона маъмурий жиҳатдан 18 та рустоққа бўлинган ва уларнинг тенг ярми текислик ҳудудда жойлашган бўлиб, барчасида марказий шаҳарлар мавжуд бўлган. М.Х. Пардаев мазкур шаҳар ёдгорликларидан - Қалиятепа, Ўрда (Жиззах), Қўрғонтепа (Ғаллаорол), Култепа (Сават), Тошбулоқтепа (Бахмал)да қазишмалар ўтказган. Натижада, масалан Жиззах шаҳрининг тарихий ёши мил. авв. III-II асрлар билан даврланиб қарийб беш юз йилга қадимийлаштирилган.

Мазкур тадқиқотларнинг натижалари бир тизимга солиниб М.Х. Пардаев 1995 йилда академик Ю.Ф. Буряков раҳбарлигида «Шимолий-ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда» мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлайди.

Шунингдек, М. Пардаев Ўзбекистон-Америка (2013-2016 йй.), Ўзбекистон-Италия (Неапол Университети, 2013 йилдан) халқаро экспедицияларининг ҳам директори сифатида, Жиззах вилоятидаги Тошбулоқтепа, Самарқанд вилоятидаги Қўйтепа ёдгорликларида тадқиқотларни ташкил этилишига ҳисса қўшди ҳамда юртимизнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихига оид қимматли маълумотлар қўлга киритилишига замин яратди. Ушбу натижалар, Ўзбекистон археологияси фанида эришилаётган илмий ютуқлар ва кашфиётлар, янгиликлар олим томонидан нафақат илмий журналларда, балки Республика ва хорижда бўлиб ўтган халқаро конференцияларда, ОАВнинг Республика, Жиззах вилояти ва шаҳри радиотелевидениеларида кенг ёритилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

М.Х. Пардаев илмий фаолият билан бир қаторда институтнинг нашр ишларида ҳам фаол иштирок этиб, “Ўзбекистон Археологияси” журналининг масъул котиби, “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар”, “Ўзбекистон моддий маданияти тарихи” тўпламларининг муҳаррири. Ёш тадқиқотчилар тўпламининг бош муҳаррири сифатида ҳам самарали хизмат қилмоқда.

Олим фаолиятининг яна бир йўналиши таълим соҳаси билан боғлиқ бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқиб у 1995 йилдан ҳозирги қадар тузилган илмий ва педагогик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ, Жиззах ДПИ нинг тарих факультетида талабаларга “Археология”. Ўзбек давлатчилиги та-

рихи», «Ўзбекистон тарихи» фанлардан дарс бериб келмоқда.

Бу йиллар мобайнида тарих факультетининг бир гуруҳ ёш ўқитувчилари археологиянинг сирли оламига тортилди, ўз хоҳиши билан археологияга доир илмий мавзулар устида тадқиқотларни бошлади. Ф. Тошбоев, Ж. Ғофуров, И. Убайдуллаев, З. Холбоев, Б. Эргашева каби ёшлар Археология институти аспирантурасида таҳсил олди. М.Ҳ. Пардаевнинг саъй-ҳаракати ва яқиндан берган амалий ёрдами туфайли Жиззах ДПИда ўзига хос археология мактаби шаклланди. Ушбу мактабнинг дастлабки қалдирғочларидан бири Ф. Тошбоев 2017 йилда Уструшона чорвадорлари маданияти бўйича докторлик (PhD) диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Бу борада ҳам М.Ҳ. Пардаевнинг амалий ёрдами, кўрсатган йўл-йўриқлари катта аҳамият касб этди.

М.Ҳ. Пардаев ўзининг очикқўнгиллиги, тўғрисиўзлиги, катта-кичикка бир хил яхши муносабати, ҳар қандай шароитда ёрдамга тайёрлиги билан жамоа аъзолари, айниқса ёшлар орасида хурмат, эътибор қозонган. У таранг вазиятларни юмшатиш, инсонларни бир муросага келтириш қобилиятига эга. У ўз билими ва тажрибасини ёшларга холис ўргатишда, уларнинг ишларини ўқиш, таҳлил қилиш, маслаҳатлар беришда катта ёшли, тажрибали мутахассислар орасидаги энг фаол, лекин ўта талабчан устоз, етакчи илмий ходимдир.

М.Ҳ. Пардаевнинг айниқса ёшларга ёқадиган яна бир хусусияти ҳазил-мутойибага мойиллиги, яхши, хушчақчақ суҳбатдошлиги, ҳамкасблари томонидан давраларни гули сифатида тан олингани, турли тадбир ва анжуманларни қизитиши, теша тегмаган латифа, аскияларга усталиги, ҳозиржавоблигидир. Мухтор домла билан суҳбатлашаётганда, у иштирок этаётган илмий анжуманларда қатнашаётганда, айниқса ёшлар билиб-билиб, топиб-топиб сўзлашга ҳаракат қилишади. Йўкса, унинг кулгили, ўткир мутойиба, киноя ва коса тагида нимкоса қабилдаги танқидий мулоҳазаларига нишон бўлишлари мумкин. Ёш мутахассисларнинг бу каби айрим камчиликларини дўқ, пўписа, бақир-чақир билан айтгандан кўра, эҳтимол ушбу йўсинда билдириш М.Ҳ. Пардаев учун ҳам ёшлар учун ҳам маъқулдир.

Яқунда Мухторкул Ҳасанович Пардаевни 60 ёшлик таваллуд кунлари билан қизгин табриклаб, у кишига сихат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз ва Ўзбекистон археологияси фани равнақиға узоқ йиллар мобайнида янада самарали ҳисса қўшишларини чин дилдан истаб қоламиз.

**А. Раимқулов, М. Саидов,
“Ўзбекистон археологияси” журнали таҳририяти
ва Археологик тадқиқотлар институти жамоаси**



**САИДЕ РАВИЛЬЕВНЕ
ИЛЬЯСОВОЙ 60 ЛЕТ
TO 60TH ANNIVERSARY
OF Dr. SAIDA ILYASOVA**

Ильясова Саида Равильевна родилась 02 января 1958 г. в г. Ташкенте. После окончания исторического факультета Ташкентского государственного университета была распределена в Институт археологии АН РУз. Начала свою трудовую деятельность в должности лаборанта и принимала участие в качестве археолога на городище Эски Ахси (Наманган), Андижане, Ташкенте (Шаштепа, Актепа Юнусабадское, Хазрат-Имам, Бинкат и др.

После окончания аспирантуры в 2008 году защитила кандидатскую диссертацию под руководством кандидата исторических наук Филанович Маргариты

Ивановны по теме «Глазурованная керамика Шаша и Ферганы IX - начала XIII века: сравнительный анализ художественных традиций (по материалам Бинката-Ташкента и Ахсиката).

Свою жизнь посвятила интереснейшему, замечательному, однако и необычайно трудному для женщины делу – прекраснейшей из наук - археологии. Специалист этой области должен обладать не только большими знаниями в области истории, архитектуры, искусствоведения, иметь аналитический ум и способность из мельчайших деталей и разрозненных фактов воссоздать какой-то этап из древней истории нашей страны. Одновременно он должен обладать физической выносливостью, трудоспособностью, целеустремленностью и энергичностью, без которых совершенно невозможно плодотворно работать в сложных полевых условиях, где дождь и ветер, солнце и пыль. И, самое главное любить дело, которому Вы посвятили всю свою жизнь.

Все эти качества сочетаются в такой хрупкой, красивой и прекрасной женщине, которой являетесь Вы.

Вся Ваша сознательная жизнь неразрывно связана с Институтом археологии АН РУз. С момента поступления в Институт и по сегодняшний день она направлена на изучение древней истории Узбекистана. Вы принимали самое активное участие в изучении столицы древней Ферганы – Ахсикета, памятников, расположенных на

территории современной столицы Ташкента – Шаштепа и Актепа, в исследовании древних памятников Андижана и Ташкентской области.

Итогом вашей плодотворной работы стала успешная защита кандидатской диссертации, написание замечательной книги, посвященной древней керамике, многочисленные статьи и выступления на Международных конференциях.

Вы настолько полюбили археологию, что выбрали спутником своей жизни тоже археолога. Вы создали замечательную и крепкую семью. Несмотря на Вашу занятость, сумели стать прекрасной и заботливой матерью и женой, гостеприимной и хлебосольной хозяйкой. Вы отзывчивый и благородный человек.

Дорогая наша Саида! Коллектив Института археологии желает Вам крепкого здоровья, большого женского счастья, знаменательных научных открытий и творческого долголетия.

М.А. Реутова, Г.И. Богомолов, Дж. Ильясов
Редакция журнала “Археология Узбекистана”
и коллектив Института археологических исследований

ХОТИРА

ПАМЯТИ УЧЕНОГО

IN MEMORIAM OF A RESEARCHER



ЛАРИСА СЕРГЕЕВНА БАРАТОВА
LARISA SERGEEVNA BARATOVA

9 июля 2017 года безвременно оборвалась жизнь замечательного археолога, талантливое исследователя нумизматики Центральной Азии – Ларисы Сергеевны Баратовой.

Долгие годы Лариса Сергеевна Баратова мужественно боролась с тяжелым недугом. Несмотря на это, не оставляла любимую работу, защитила диссертацию, работала в тяжелых условиях экспедиций.

Ее отличало упорство, целеустремленность, неустанное трудолюбие. Она была немногословна, сдержанна, сосредоточена на главном, как будто чувствовала, что ей отмерен несправедливо маленький срок.

Лариса Баратова родилась 21 июля 1959 г. в г. Алмалык (Ташкентская область), в семье служащих. В 1978 году поступила на Кафедру археологии исторического факультета ТашГУ (ныне Национальный университет им. Мирзо Улугбека), который закончила в 1983 г. В сентябре этого года она была принята на работу в Институт археологии АН РУз на должность

старшего лаборанта.

Первоначально основная ее деятельность была связана с раскопочными работами на территории Ферганской долины – на городище Ахсикет, некрополе Варзик (Наманганская обл.), городище Чордона (Андижан), а также с работами в составе Ташкентской археологической экспедиции на таких известных памятниках как Шаштепа, Актепа Юнусабадское, на территории Бинката.

В 1990-1993 гг. Л.С. Баратова училась в очной аспирантуре на кафедре археологии ТашГУ, после окончания работала в качестве преподавателя на той же кафедре. В 1995 году защитила диссертацию на звание Ph.D. в области истории (по традиционной терминологии – кандидат исторических наук). Ее руководитель и наставник – академик Э.В. Ртвеладзе. Диссертация Баратовой – «Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация) –

стала важным вкладом в нумизматику региона, так как впервые была сделана попытка обобщить данные по корпусу тюркских монет, рассматривавшихся до этого, главным образом, как часть согдийской нумизматики.

Лариса Сергеевна была первой и пока единственной женщиной – археологом в Узбекистане, ставшей в 1999-2000 г. стипендианткой фонда Александра фон Гумбольдта (ФРГ).

С 1997 г. до марта 2017 г. являлась старшим научным сотрудником Института археологии АН РУз.

Л.С. Баратова пользовалась уважением в коллективе, имела дружественные научные контакты в Австрии, Германии, США, России и Казахстане.

Лариса Сергеевна Баратова сумела наладить плодотворные научные связи с коллегами-нумизматами из Академии наук Австрии, возглавляемыми доктором Михаэлем Альрамом. В результате совместных усилий в выдающейся серии *Sylloge Nummorum Sasanidarum* на немецком языке был издан том, посвященный Узбекистану и озаглавленный «Сасанидские монеты и их подражания из Бухары, Термеза и Чаганиана» (Вена, 2012). Соавторами Баратовой были Николаус Шиндель и Эдвард Ртвеладзе.

В 2009-2013 гг. Л.С. Баратова принимала активное участие в полевых и научных исследованиях в составе Бактрийской археологической экспедиции в Старом Термезе. Ею осуществлены раскопки близ мавзолея Хакима ат-Термизий. Участвовала она и в изучении буддийского комплекса Каратапа. Важным итогом ее сотрудничества с экспедицией явилась публикация доисламских монет, характеризующих некоторые аспекты денежного обращения раннесредневекового Термеза.

Она автор около 70 публикаций, в том числе и зарубежных.

Будучи уже тяжело больной, занималась разработкой темы «Клады бухархудатских монет Средней Азии. Фергана». Ею обработано 2 клада бухархудатских монет общим количеством более 700 экз. из Ферганского областного краеведческого музея. Подготовлены предварительные варианты по типологии и синхронизации кладов из Средней Азии. Проведен статистический анализ встречаемости граффити, намечен круг аналогий в нумизматических комплексах Средней Азии и Востока. Подготовлена к публикации монография «Два клада бухархудатских монет из Фергань», которая готовится к изданию в Австрии. Эта важная и трудоёмкая тема стала завершающей в научной деятельности Л.С. Баратовой.

Лариса Сергеевна вырастила 2 замечательных детей – сына и дочь, которая подарила ей 2 внуков.

Для нас – ее друзей, коллег и родных – это невосполнимая потеря. Лариса останется в нашей памяти как удивительный пример высочайшего мужества и преданности своему делу!

**А.Э. Бердимуратов, Ш.Р. Пидаев,
А.А. Анарбаев, С.Р. Ильясова
Редакция журнала “Археология Узбекистана”
и коллектив Института археологических исследований**

Список опубликованных работ к.и.н. Л.С. Баратовой за 1990-2016 гг.

1. Уникальный брактеат из Варзикского могильника // ОНУ. Ташкент, 1990, №1. (В соавторстве с С.Р. Баратовым).
2. Керамика из стратиграфического разреза городища Ахсикент // ИМКУ. Вып. 24. Самарканд, 1991 (в соавторстве с О.А. Папахристу).
3. Тюркешские монеты Центральной Азии // Центральная Азия и мировые цивилизации. Ташкент, 1992.
4. Монеты из уникального некрополя Мунчак-тепе // Фергана в античности и раннее средневековье. Самарканд, 1994 (В соавторстве с Б. Матбабаевым).
5. Тюрко-согдийские монеты с парным изображением и Великий шелковый путь // Города Центральной Азии на Великом Шелковом пути. ТД. Самарканд, 1994.
6. Об одной тюркской монете из Ташкента // Актуальные проблемы истории и археологии Центральной Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. Ташкент, 1995. (В соавторстве с Э.В. Ртвеладзе).
7. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация) // Автореф. канд. истор. наук. Ташкент, 1995.
8. История изучения древнетюркских монет Средней Азии // ИМКУ. Вып. 27. Самарканд-Ташкент, 1996.
9. Элементы религиозно-мифологической системы древних тюрков на ранне-средневековых монетах Средней Азии // Верования и культы доисламской Центральной Азии. М., 1997.
10. К исторической интерпретации титула «хакан» на древнетюркских монетах Центральной Азии // НЦА. Вып. III. Ташкент, 1998.
11. Некоторые вопросы изучения древнетюркских монет Средней Азии (VI-VIII вв.) // Адабий Мерос. Ташкент, 1998. №1-2 (67-68).
12. Новые материалы к истории денежного обращения раннесредневекового Ча-ча // НЦА. Вып. III. Ташкент, 1998.
13. Baratova L. Alttuerkische Muenzen Mittelasiens aus dem 6.-10. Jh.n.Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // Archaeologische Mitteilungen aus Iran und Turan (AMIT). Band 31. Berlin, 1999.
14. Baratova L. Old Turks Coins of Central Asia. Uniconographic Types // ONS Newsletter 160. 1999.
15. О древнетюркских монетах Средней Азии иконографической категории // Седьмая Всероссийская нумизматическая конференция. Ярославль 19-23 апреля 1999 г. Москва.
16. Древние монеты из Каршинского оазиса // ИМКУ. Вып. 31. Самарканд, 2000.
17. Данные к истории денежного обращения в Южном Согде // Восьмая Всероссийская нумизматическая конференция. Москва, 2000.
18. О надчеканах на сасанидских монетах и подражаниях им в Тохаристане // Термиз шахрининг жахон цивилизациясида тутган урни. Ташкент-Термиз, 2001.
19. Медные монеты с изображением лучника и их место в монетном чекане Южного Согда // ИМКУ. Вып. 32. Самарканд, 2001.
20. Тюркский каганат и его взаимоотношения с государствами Трансоксианы //

- Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2001.
21. «Медные драхмы» из Каршинского оазиса // Девятая Всероссийская нумизматическая конференция. Великий Новгород. 16-21 апреля 2001 г. Санкт-Петербург, 2001.
 22. Археологическое изучение Шаштепа // Археологические исследования в Узбекистане в 2000 г. Самарканд, 2001 (В соавторстве с М.И. Филанович, Г.И. Богомоловым, К. Алимовым).
 23. Два клада «нахшебских» монет из Каршинского оазиса (предварительное сообщение) // НЦА. Вып. V. Ташкент, 2001. (В соавторстве с Р.Х. Сулеймановым).
 24. Baratova L. Ancient nomads and their role in the History of Central Asia // Interaction of Ancient Asian Civilizations and Formation of Korean. International Symposium. Seoul, 2001.
 25. К истории денежного обращения в раннесредневековой Фергане // Одиннадцатая Всероссийская нумизматическая конференция. Санкт-Петербург, 2003.
 26. Привозные монеты из находок в Кашкадарьинской области // ИМКУ. Вып. 33. Самарканд, 2002.
 27. Монеты Культепинского клада // НЦА. Вып. VI. Ташкент, 2002.
 28. Археологическое изучение Шаштепа // Археологические исследования в Узбекистане в 2001 г. Ташкент, 2002. (В соавторстве с М.И. Филанович, Г.И. Богомоловым, К. Алимовым).
 29. Turkic Khaganate in Middle Asia (VI—VIII cc. A.D.) // The Turks. Volume 1. Yeni Turkiye Publications. Ankara, 2002.
 30. Orta asya'daki Turk kagaligi (M.S. 600-800) // Turkler 2. Yeni Turkiye yayinlary. Ankara, 2002.
 31. О согдийских надчеканах на сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Центральной Азии. Ташкент, 2002. (В соавторстве с В.А. Лившицем).
 32. Монеты как исторический источник (о классификации древнетюркских монет Центральной Азии) // Источники: история и перспективы исследований. Международная конференция, посвященная 2200-летию Кыргызской Государственности. Бишкек, 2003.
 33. Baratova L. Mittelasien // Bibliographic Survey of numismatic research 1996-2001. Numismatic International Congress. Madrid 2003.
 34. О монетных находках в Фергане (доисламский период) // Центральная Азия. Источники, история, культура. ТД конференции, посвященной 80-летию Е.А. Давидович и Б.А. Литвинского. Москва. 3-5 апреля 2003 г.
 35. Клад раннесредневековых монет из городища Кува // НЦА. Вып. VII. Ташкент, 2004. (В соавторстве с Б. Матбабаевым).
 36. О ранних типах «нахшебских» монет // Двенадцатая Всероссийская нумизматическая конференция. Москва, 2004.
 37. Old Turkic Coins // Encyclopedia Iranica. Columbia University. New York (In progress).
 38. К истории денежного обращения в Южном Согде // Использование ТИС и стимуляционных моделей для исследования и принятия решений в бассейнах

- рек Центральной Азии. Тезисы докладов. Международная конференция Humboldt-Kolleg. Ташкент, 6-10 июля 2004.
39. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии // Доклад на Втором Международном конгрессе по тюркской цивилизации. Турецко-Кыргызский университет. Бишкек, 3-7 октября 2004 г.
 40. Нумизматические данные к истории христианства в Центральной Азии // Историческая роль Александра Гумбольдта и его экспедиций в развитии мировой, региональной и национальной науки. Материалы конференции Humboldt-Kolleg II. Алматы, 14-16 октября 2004.
 41. К истории денежного обращения в Южном Согде // Материалы конференции «Центральная Азия от Ахеменидов до Тимуридов: археология, история, этнология, культура». ИИМК РАН, Санкт-Петербург. 2-5 ноября 2004.
 42. К периодизации денежного обращения в Южном Согде // *Transoxiana. История и культура*. Ташкент, 2004.
 43. Древнетюркский нумизматический комплекс (современный уровень и перспективы изучения) // *История Узбекистана в археологических и письменных источниках*. Ташкент, 2005.
 44. The hoard of buharhudat-type coins from the Eastern Sogdiana // *Alumni-Treffen. Taschkent*, 2005.
 45. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы в древности и раннем средневековье // *Наследие Александра фон Гумбольдта в исследованиях горных регионов*. Материалы международной конференции Гумбольдт-Коллег в Кыргызстане, Бишкек, 3-5 сентября 2005.
 46. К истории денежного обращения раннесредневекового Термеза // *ИМКУ*. Вып. 35. Самарканд, 2006. (В соавторстве с Ш.Р. Пидаевым).
 47. О ранних типах «нахшебских монет» // *Роль города Карши в истории мировой цивилизации*. Материалы международной научной конференции, посвященной 2700-летию юбилею города Карши. Ташкент-Карши, 2006.
 48. Древнетюркский нумизматический комплекс // *Доклад на международной конференции «Денежные отношения и торговые связи средневекового Казахстана»*. Казахстанско-Турецкий университет, г. Туркестан, 8-11 июня 2006 г. Туркистан, 2007.
 49. О подражаниях сасанидским драхмам из находок в Старом Термезе // XIV Всероссийская нумизматическая конференция. 16-21 апреля 2007 г. Санкт-Петербург. (В соавторстве с Ш.Р. Пидаевым).
 50. Некоторые аспекты товарно-денежных отношений Ферганы в древности и раннем средневековье // *Роль города Маргилана в истории мировой цивилизации*. Ташкент-Маргилан, 2007.
 51. Международный научный симпозиум «Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития» // *ОНУ*, № 2-3. Ташкент, 2007.
 52. Шакирджон Расульевич Пидаев. Библиографический очерк. (Составители Л.С. Баратова, С.Р. Ильясова). Самарканд, 2008.
 53. Некоторые данные о материальной культуре Бинката (Ташкента) // *ИМКУ*. Вып. 36. Самарканд, 2008. (В соавторстве с С. Ильясовой, М.И. Филанович).
 54. *Vorislamische Numismatik Mittelasiens // A Survey of Numismatic Research 2002-2007* (Ed. M. Amandry, D. Bateson). Glasgow, 2009.

55. К проблеме серебряного монетного обращения в Чаче // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции. Ташкент, 2009. (В соавторстве с М. Альрамом).
56. Денежное обращение Чача // Археология Ташкентского оазиса. Ташкент, 2009.
57. О некоторых находках древних монет в Узбекистане // НЦА. Вып. IX. Ташкент, 2010.
58. Coinage in North Tokharistan in the 7-th—8-th century A.D. // Abstracts of 20-th European Association of South Asian Archeology and Art. Vienna, 4-9-th July 2010.
59. К истории денежного обращения Южного Согда // Традиции древней и средневековой городской культуры Средней Азии. 70 лет кафедре археологии НУУз. Ташкент, 2010.
60. Новые данные к истории средневекового Термеза // Древние цивилизации на Среднем Востоке. Археология, история, культура. (Материалы международной научной конференции, посвященной 80-летию Г.В. Шишкиной). Москва, 2010. (В соавторстве с Ш.Р. Пидаевым).
61. Клад монет бухархудатского типа из Восточного Согда // История Бухары и Бухарского оазиса в древности и средневековье. Доклад на конференции. Бухара. 22-24 августа 2011 года.
62. Sasanidische Muenzen und ihre Imitation aus Bukhara, Termes und Chaganian // Sylloge Nummorum Sasanidarum Usbekistan. Im Zusammenarbeit mit dem Institut fuer Archaeologie der Republik Usbekistan. Wien, 2012. (В соавторстве: Nikolaus Schindel, Edvard Rtveladze).
63. Новый клад бухархудатских монет из Пайкенда // Commentationes Iranica. Сборник статей к 90-летию Владимира Ароновича Лившица / под ред. С.Р. Тохтасьева и П.Б. Лурье / С.-Пб., 2013 (В соавторстве с А.В. Омельченко).
64. Новый клад бухархудатских драхм с цитадели Пайкенда // Отчет о раскопках в Пайкенде в 2011-2012 гг. Материалы Бухарской археологической экспедиции. Выпуск XII. С.-Пб., 2013. (В соавторстве с А.В. Омельченко).
65. Vorislamische Numismatik in Mittelasien // Survey of Numismatic Research (2008-2013). Taormina, 2015.
66. Денежное обращение в древней Фергане и в период раннего средневековья (I-VIII вв.). Научно-популярный очерк // Археология Узбекистана. Самарканд, 2016.
67. К истории денежного обращения в древней и раннесредневековой Фергане // История и археология Турана. №3. Посвященный юбилею Джамалиддина Камаловича Мирзаахмедова. Самарканд, 2017.

В печати

68. Fundmuenzen aus Usbekistan. Band 1. Zwei Schatzfunde von „Bukharkhudat“ - Drachmenaus dem Regionalen Museum Fergana (на нем.яз.).Wien. (В соавторстве с Nikolaus Schindel).
69. Серебряное обращение Северного Тохаристана (VI – нач. VIII вв. н.э.) // Нумизматика Центральной Азии. Вып. 11 (на рус. и англ. яз.). Ташкент.
70. Денежное обращение в древней Фергане и в период раннего средневековья (I-VIII вв. // Нумизматика и сфрагистика Востока. Вып. 1. Москва.